

• БУХГАЛТЕР КУТУБХОНАСИ •

ЧЗС.2

65

Б-97/2

# БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

2



СОЛИҚЛАР ВА  
БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

УЗБ.2

65

Б.94

2

1

# Бухгалтерия ҳисоби ва унинг хусусиятлари

2-қисм

«Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи  
Тошкент — 1999

## *Тузувчилар*

В. С. Беганов, Д. И. Шаулов, У. Т. Кан

## Тахрир көнгали:

<i>Раис</i>	<i>В. С. Беганов,</i>	<i>А. М. Мурадов,</i>
	<i>Ж. Х. Абдуллаев,</i>	<i>М. М. Перпер,</i>
	<i>Э. Ф. Гадоев,</i>	<i>Л. И. Шаулов,</i>
	<i>У. Т. Кан,</i>	<i>Л. П. Югай</i>

**Б 97** Бухгалтерия хисоби ва унинг хусусиятлари: 2-кисм // Гузарчилар: В. С. Беганов, Д. И. Шаулов, У. Т. Кан. Таҳрир кенгани: В. С. Беганов (раис) ва борик. — Т.: «Иқтисодинёт ва хуқуқ дунёси», 1999. — 256 бет.

Муайян молиявий операцияларың ақс эттиришт тартибина болыкарувчы мөсьерий хұжжатлар жорий ғаппини муносабати билан и гары босиб чикарылған шапарларни кайта испаш зарураты етпиди. Үнібу нағырдан мақсад — бухгалтерия хисоби түзимини, корхоналар рахбарлары ва боси бухгалтерлари олдига күйіншін валифаларни хал эткін учун бухгалтерия операцияларының үтказынш қоидаларини тушинарлы шаклда кесі өрніттіпdir.

Муаллифлар бухгалтерия хисоби бүйінча таълимий ва йұл-йүрік материаллари мажмунин тавсиялар күришінде туындарлы шак тә бағытталады.

Бирок мұаллифлар япа бир мартта тақылдайтылардың, мазкур материалдар тасвия беріши ва таълимий тусда бўлышб, мөъерий хуҗжатлар қисоблашмайди.

Мұалыттар ушбу маңлумот беруүчі күлдәймани тайёрланып шығырк эттән барча кишиларға мишиатдорчылук билдирады.

ББК 65.052

© «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1999.

## **58-§. Корхонада ушинг ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар ҳисобини юритиш\***

Корхонанинг ўзида ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотларнинг бухгалтерия ҳисоби «Ўзида ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар» деган 21-ҳисобварақда юритилди. Мазкур ҳисобварақ шундай маҳсулотлар ҳисобини алоҳида юритувчи корхоналарда уларнинг ўзлари ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириши учун мўлжалланган. Хусусан, мазкур ҳисобварақда корхона ишлаб чиқарган (ишлаб чиқариш цикли тўлиқ бўлганда) кўйидаги ярим тайёр маҳсулотлар қайд этилиши мумкин: кора металургияда — қайта ишлов бериладиган чўян; резина саноатида — хом резина ва елим; кимё саноатидаги азотли ўғит комбинатларида — сульфат кислота; тўқимачилик саноатида — калава иш хамда хом мато ва бошқалар.

Бошқа корхоналарда бундай бойликлар тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида, яъни «Асосий ишлаб чиқариш» деган 20-ҳисобварақда қайд этилади.

«Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар» деган 21-ҳисобварақнинг дебет қисмида «Асосий ишлаб чиқариш» деган 20-ҳисобварақ билан корреспонденцияда ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатлар акс этирилди. «Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар» деган 21-ҳисобварақнинг кредити бўйича кейинчалик қайта ишлаш учун берилган («Асосий ишлаб чиқариш» деган 20-ҳисобварақ билан корреспонденцияда) ва бошқа корхоналарга сотилган («Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-ҳисобварақ билан корреспонденцияда) ярим тайёр маҳсулотлар киймати акс этирилди.

«Ўзи ишлаб чиқарган ярим тайёр маҳсулотлар» деган 21-ҳисобварақ бўйича тахлилий ҳисоб ярим тайёр маҳсулотлар сакланадиган жойлар ва уларнинг алоҳида номлари (тури, лави, ҳажми ва бошқалар)га кўра юритилди.

\* 1-57-§лар I қисмда берилган.

## 59-§. Корхонада ёрдамчи ишлаб чиқариш бўйича харажатлар ҳисобини юритиш тартиби

Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг бухгалтерия ҳисоби «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» деган 23-ҳисобваракда юритилади. Бу ҳисобварак корхонанинг асосий ишлаб чиқариши ёки асосий фаолияти учун ёрдамчи ҳисобланадиган ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Хусусан, мазкур ҳисобваракдан қўйидагиларни таъминловчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини юритишда фойдаланилади:

- энергиянинг ҳар хил турлари (электр энергияси, бур, газ, ҳаво ва бошқалар) билан хизмат кўрсатиш;
- транспорт хизматлари кўрсатиш;
- асосий воситаларни таъмирлаш;
- асбоб-ускуналар, штамплар, эҳтиёт қисмлар, қурилишибон деталлар, конструкциялар тайёрлаш ёхуд қурилиш материалларини бойитиш (асосан қурилиш корхоналарида);
- тош, шағал, кум ва бошқа норуда материалларни қазиб олиш;
- ёғоч тайёрлаш, тахта тилиши;
- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тузлаш, қутиши ва консервалаш (асосан савдо корхоналарида) ва бошқалар.

«Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» деган 23-ҳисобваракнинг дебет қисмида маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар ба жарииш ва хизматлар кўрсатиш билан бевосита боғлиқ бўлган тўғридан-тўғри харажатлар, шунингдек ёрдамчи ишлаб чиқаришларни бошқариши ҳамда уларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ билвосита чикимлар ва сифатсиз маҳсулот бракка чиқарилиши билан боғлиқ йўқотишлар акс этириллади. Бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар ба жарииш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ тўғридан-тўғри харажатлар ишлаб чиқариш захиралари, ходимларга иш

ҳақи тұлаш үшін деңгээлдердің хисобварақтар кредитидан «Ердамчи ишлаб чиқаришлар» деган 23-хисобвараққа хисобдан үчирилади. Ердамчи ишлаб чиқаришларни бошқариш үшін деңгээлдердің хисобынан көрсетілген болғылғы билвосита харажатлар «Умуми шабыттың чиқарышындағы харажатлар» деган 25-хисобварақдан «Ердамчи ишлаб чиқаришлар» деган 23-хисобвараққа хисобдан үчирилади. Агар мақсадға мувоғиқ бўлса, ишлаб чиқарышга хизмат көрсатиши чиқимлари хисоб-китоби бевосита «Ердамчи ишлаб чиқаришлар» деган 23-хисобварақда юритилиши мумкин (бунда улар дастлаб «Умуми шабыттың чиқарышындағы харажатлар» деган 25-хисобварақда түпленмайди). Брак сабаб бўлган йўқотишлар «Ишлаб чиқарышдаги брак» деган 28-хисобварақнинг кредит қисмидан «Ердамчи ишлаб чиқаришлар» деган 23-хисобвараққа хисобдан үчирилади.

«Ердамчи ишлаб чиқаришлар» деган 23-хисобварақнинг кредити бўйича тугал ишлаб чиқарилған маҳсулот, бажарилған ишлар ва кўрсатилған хизматлар ҳақиқий таннархининг суммалари акс эттирилади. Бу суммалар «Ердамчи ишлаб чиқаришлар» деган 23-хисобварақдан куйидаги хисобварақлар дебетига хисобдан үчирилади:

- 20 «Асосий ишлаб чиқарыш» — асосий ишлаб чиқарышга ёки асосий фаолият турига маҳсулот (ишлар, хизматлар) берилганда;
- 46 «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» — бошқа (чет) корхоналар учун ишлар бажарилганда ва хизматлар кўрсатилганда;
- 37 «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқарыш» — ишлаб чиқарыш харажатлари ва бошқалар хисобини юритиш учун мазкур хисобварақдан фойдаланилганда.

«Ердамчи ишлаб чиқаришлар» деган 23-хисобварақ бўйича ой охиридаги қолдик тугалланмаган ишлаб чиқарыш қийматини кўрсатади.

«Ердамчи ишлаб чиқаришлар» деган 23-хисобварақ бўйича таҳлилий хисоб ишлаб чиқарыш турларига кўра юритилади.

## **60-§. Корхонада умумишилаб чиқариш харажатларининг бухгалтерия хисобини юритиш тартиби**

Хисобвараклар режасига мувофиқ умумишилаб чиқариш харажатларининг бухгалтерия хисоби «Умумишилаб чиқариш харажатлари» деган 25-хисобваракда юритилади. Мазкур хисобварак корхонанинг асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларига хизмат кўрсатиш харажатлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Хусусан, мазкур хисобваракда қўйидаги харажатлар акс эттирилиши мумкин:

- машина ва ускуналарни саклаш ҳамда улардан фойдаланиш чиқимлари;
- асосий ишлаб чиқариш воситаларини тўлик тиклаш учун амортизация ажратмалари ҳамда уларни ремонт килиш харажатлари;
- ишлаб чиқариш мол-мулкини суфурта қилиш харажатлари;
- ишлаб чиқариш биноларини иситиш, ёритиш ва саклаш харажатлари;
- ишлаб чиқариш бинолари, машина ва ускуналар ҳамда ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи бошқа ижарага олинадиган воситалар учун ижара ҳаки;
- ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ишлаб чиқарувчи ходимларга иш ҳаки тўлаш;
- шунга ўхшашиб мақсадлардаги бошқа харажатлар.

Умумишилаб чиқариш харажатлари ишлаб чиқариш захиралари, ходимларга иш ҳаки тўлаш бўйича хисоб-китоблар ва бошқалар хисоби юритиладиган хисобваракларининг кредит қисмидан олиб «Умумишилаб чиқариш харажатлари» деган 25-хисобваракда акс эттирилади. «Умумишилаб чиқариш харажатлари» деган 25-хисобваракда хисобга олинган харажатлар «Асосий ишлаб чиқариш» деган 20-хисобида ва «Ёрдамчи ишлаб чиқариш» деган 23-хисобваракининг дебетига хисобдан ўчирилади.

Умумицлаб чиқариш харажатларини хисоби алоҳида юритиладиган объектлар ўртасида тақсимлаш тартиби тегишиلى мөйөрий хужжатларда акс эттирилган.

«Умумицлаб чиқариш харажатлари» деган 25-хисобварақнинг таҳлилий хисоби корхонанинг алоҳида бўлинмалари ва харажатлар моддалари бўйича юритилади.

## 61-§. Давр харажатларининг бухгалтерия хисобини юритиш тартиби

Давр харажатларининг бухгалтерия хисоби «Давр харажатлари» деган 26-хисобварақда юритилади. Мазкур хисобварақ бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган бошқарув ҳамда хўжалик харажатлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Хусусан, мазкур хисобварақда куйидаги харажатлар акс эттирилиши мумкин:

- бошқарув ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш;
- бошқарув ходимларини ижтимоий сурурталаш учун ажратмалар;
- корхона ва унинг таркибий бўлинмалари бошқарув аппарати ходимларига маош тўлаш, улар фаолияти учун моддий-техникавий ва транспорт хизматлари кўрсатиш, шу жумладан хизмат енгил автотранспортини саклаш харажатлари ҳамда хизмат сафарларига боришида шахсий енгил автомобиллардан фойдаланганлик учун компенсациялар (белтиланган мөйёrlар доирасида ва ундан ортик);
- корхона ва унинг таркибий бўлинмаларида ишлаб чиқаришини ташкил этиш ва бошқариш харажатлари;
- бошқаришнинг техник воситалари, алоқа узеллари, огоҳ этиш воситалари, хисоблаш марказлари ва бошқаришнинг ишлаб чиқаришига алоқаси йўқ бошқа техник воситаларини саклаш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;
- маъмурий мақсадлардаги асосий воситалар (бино, иншоотлар ва бошқалар)ни сақлаш ҳамда таъмир-

- лаш харажатлари, шунингдек уларга доир амортизация ажратмалари;
- вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар, шунингдек давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари бошқарув аппаратини саклашга ажратмалар;
  - корхонанинг штатлар жадвалида у ёки бу функционал хизматлар кўзда тутилмаган ҳолларда ишлаб чиқаришни бошқариш бўйича бошқа (чет) ташкилотлар кўрсатадиган хизматлар хакини тўлаш;
  - бошқарув ходимларининг хизмат сафарлари учун белгиланган меъёрлар доирасида ва ундан ортиқ харажатлар;
  - белгиланган меъёрлар доирасидаги ва ундан ортадиган вакиллик харажатлари;
  - хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликларни саклаш харажатлари (умумий овқатланниш корхоналарига хоналарни текинга бериб туриш, коммунал хизматлар қийматини тўлаш ва бошқалар);
  - табиятни муҳофаза қилиш мақсадларида ташкил этилган ҳамда бевосита ишлаб чиқариш жараёнига алокадор бўлмаган фондларни саклаш ва улардан фойдаланишига доир жорий харажатлар, жумладан ифлослантирувчи моддаларни атроф мухитга йўл кўйинш мумкин бўлган энг юкори меъёрлар доирасида ва ундан ортиқ микдорда чиқариш (ташлаш);
  - бевосита ишлаб чиқариш жараёнига дахлдор бўлмаган мол-мулкни ва ходимларни мажбурий суругталаш;
  - ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш харажатлари;
  - қонунларда кўзда тутилган, ишчиларни ишга қабул қилиш билан боғлиқ харажатлар;
  - асосий фондлар сифатида капиталлаштирилиши талаб қилинмайдиган даражада ишлаб чиқаришни тайёрлаш, ўзлаштириш ва ривожлантиришига йўнал-

тирилувчи, ишлаб чиқариш тусидаги харажатлар, шу жумладан туркум килиб ёки оммавий ишлаб чиқаришига мұлжалланмаган маҳсулот ишлаб чиқариши тайёрлаш ва ўзлаштириш харажатлари;

- технологияни ва ишлаб чиқариши ташкил этилишини такомиллаштириш, шуннингдек маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг ишончлилігіні, чидамлилігіні ва бошқа фойдаланиш хусусиятларини ошириши билан бөглиқ бўлган, ишлаб чиқариш жараёнида амалга ошириладиган нокапитал тусдаги харажатлар;

- тажрибавий-экспериментал ишларни олиб бориш, ихтиrolар ҳамда рационализаторлик таклифлари бўйича моделлар ва намуналарни тайёрлаш, синовдан ўtkазиш билан бөглиқ бўлган ишлаб чиқариш тусидаги ихтирошлик ва рационаллаштириш йўналишидаги; ихтирошлик ва рационализаторлик бўйича кўргазма ҳамда кўриклар, танловлар, сертификатлашлар ва бошқа тадбирлар ташкил килиш; муаллифлик тақдирлашларини тўлаш билан бөглиқ ва бошқа харажатлар;

- маҳсулотни сотишга доир харажатлар, шу жумладан уни ўраб боғлаш, саклаш, жўнатиш пунктига етказиш, транспорт воситаларига юклаш (фақат мазкур чиқимларни харидорлар маҳсулот нархидан ташкири тўлайдиган ҳолатлар бундан мустасно), тасдиқланган меъёрлар доирасида ва ундан ортиқ ҳажмда реклама қилиш, хусусан кўргазмалар, ярмаркаларда қатнашиш харажатлари; контрактлар, бигимлар ва бошқа хужжатларга мувофиқ бевосита харидорларга ёки воситачи ташкилотларга бепул берилиган ҳамда қайтарилиши тараб қилинмайдиган товар намуналарининг қиймати ва шунга ўхшаш бошқа харажатлар (ЎзР Молия вазирлигининг 68-сон ва ЎзР ДСҚнинг 96-88-сон, 1996 йил 31 октябрдаги кўшма хати); сотув бозорларини ўрганиш ҳамда товарнинг бозор сари ҳаракати билан бөглиқ бўлган,

- белгиланган мөйерлар доирасидаги ва ундан ортиқ харажатлар (маркетинг харажатлари);
- бошқа сотувлар билан боғлик, юқорида айтиб ўтилмаган бошқа харажатлар;
  - туркумли ва оммавий тарзда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқаринишга тайёрлап ҳамда технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари;
  - янги корхоналар, ишлаб чиқариплар, цехлар, агрегатларни ўзлаштириш, жумладан машина ва механизмларнинг айрим турларини алоҳида синовдан ўтказиш ҳамда ўрнатиш-созлаш (монгаж) ишлари сифатини текшириш мақсадида алоҳида турдаги машина-ускуналар ва техник курилмаларни комплекс тарзда (салт юритиб) синаб кўриш харажатлари;
  - машина-ускуналарни етказиб берувчи заводлар ёки уларнинг топшириғига кўра ихтисослаштирилган корхоналар амалга оширадиган ўрнатиш-созлаш (шефмонтаж) ишлари;
  - кон қазиши тармокларида тайёргарлик ишларига доир харажатлар, агар улар капитал харажатлар бўлмаса (яни агар асосий фонdlар сифатида капиталлаштирилмаса);
  - янги корхоналар, ишлаб чиқариш линиялари, заводларни ривожлантириш (такомиллантириш) харажатлари;
  - курилаётган корхона дирекциясини (маъмурий харажатлар), агар дирекция бўлмаса, техник назорат гурухини сақлаш харажатлари, шунингдек янги корхона ва объектларни фойдаланишга қабул қилиш билан боғлик харажатлар;
  - янги ишга туширилаётган корхонада ишланиш учун ходимлар тайёрлаш харажатлари;
  - лойиҳалар ва курилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек ускуналар объект хузуридағи омборга ташилаётганда юз берган шикастланишларини бартараф этишга доир харажатлар, занглаш-

дан сақловчы қоплама күчиши оқибатида машина-ускуналарни текшириш (қисмларга ажратиш) чиқимлари ҳамда шунга ўхшаш бошқа харажатлар товар етказиб берип ва ишлар бажариш шартларини бузган корхоналар хисобидан қопланади. Бундай қоплаш мазкур харажатлар товар етказиб берувчи ёки камчылык, шикастланиш ёхуд заар күрилиши учун масъул бошқа корхоналар хисобидан қопланиши мумкин бўлмаган даражада амалга оширилади.

- илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш, ҳом ашё ва материалларнинг янги турларини яратиш, ишлаб чиқаришини қайта жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган, янги технологияларни барпо этиш ҳамда қўлланилаётганларини такомиллаштириш, шунингдек маҳсулот сифатини яхшилаш харажатлари;
- бошқарув тизим ва воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштириш харажатлари;
- қонунда кўзда тутилган ҳолларда мажбурий бекор туриш вақти ёки камроқ ҳак тўланадиган ишлар бажарилгани учун ҳак тўлаш;
- меҳнат қобилияти вақтинча йўқотилган ҳолларда қонунда белгиланган тартибда амалда иш ҳақи олгунча бериладиган кўшимча тўловлар;
- бошқа корхона ва ташкилотлардан муайян муддат давомида аввалги иш жойидаги лавозим маопчи сақланган ҳолда ишга жойлаштирилган (қонунга мувофик), шунингдек вақтинча бошқа лавозимда ишлаётган ходимларга тўланадиган маошдаги фарқ;
- ишчиларга уларнинг асосий иш жойларидан тўланадиган, корхона ва ташкилотларнинг ишчи ҳамда мутахассисларига улар ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда малака ошириш ва ходимларни қайта тайёрлаш тизимида ўқиётган даврида тўланадиган иш ҳаки;
- ишлаб чиқаришга алоқаси йўқ ходимларга (бошқарув аппарати ва бошқалар) амалдаги қонунларга мувофик кўп йил ишлагани учун тўланадиган бир мар-

- талиқ тақдирлашлар (мазкур хўжаликда ўз мутахасислиги бўйича ишлаган йиллари учун устамалар);
- моддий бойликлар табиий камайиши натижасидаги меъёрдан ортиқ йўқотиш ва камомадлар;
  - маслаҳат ва ахборот хизматлари ҳакини тўлани;
  - аудиторлик хизматлари ҳакини тўлаш, шунингдек: корхона иштирокчи (мулкдор)ларидан бирининг ташаббусига кўра шу корхона молиявий-хўжалик филиятини тафтиш килиш билан боғлиқ харажатлар (ЎзР Молия вазирлигининг 68-сон ва ЎзР ДСҚнинг 96-88-сон 1996 йил 31 октябрдаги кўшма хати);
  - соғлиқни саклаш объектлари, кариялар ва ногиронлар уйлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, соғломлаштириш оромгоҳлари, маданият ва спорг объектлари, ҳалқ таълими муассасалари, шунингдек уй-жой фонди объектларини саклаш харажатлари (жумладан амортизация ажратмалири ва барча турдаги таъмирлаш ишларини олиб бориш учун харажатлар);
  - маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишлар (шаҳар ва кўргонларни ободонлантириш, кишилук хўжалигига ёрдам бериш ҳамда бопка турдаги ишлар)ни корхонанинг ўзи бажариши ёки у мазкур ишлар (хизматлар) ҳакини тўлаши харажатлари;
  - ўкув муассасаларини саклаш ва уларга бепул хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ чиқимлар;
  - ходимлар ишлаб чиқариш жараёнида қатнашиши билан бевосита боғлиқ бўлмаган, соғлиқни муҳофаза килиш ҳамда ҳордик чиқарилишини ташкил этиш тадбирлари;
  - маҳсулот таннархига киритилмаган мукофотлар;
  - моддий ёрдам (шу жумладан кооператив ва шахсий уй-жой курилишига биринчи бадални тўлаш, кооператив ва шахсий уй-жой қуришга берилган кредитни қисман қоплаш учун ходимларга қайтарини шартисиз бериладиган моддий ёрдам), туараржой шароитини яхшилаш, уй-рўзгор буюмлари

- сотиб олиш ва бошқа ижтимоий эхтиёжлар учун фойзсиз қарзлар (ссудалар);
- жамоавий шартнома бўйича ходимларга, жумладан болаларни тарбиялаётган аёлларга кўшимча равишда (қонунда кўзда тутилганидан оғрик) берилган таътиллар ҳақини тўлаш, ходимнинг ойла аъзолари таътилдан фойдаланиш жойига бориши ва у ердан қайтиши учун йўл ҳақи тўлаш. Конунга муовфик, бола икки ёшга тўлгунига қадар уни парваришлиш юзасидан ҳар ойда нафака тўлаш харажатлари (ЎзР Молия вазирлигининг 68-сон ва ЎзР ДСҚнинг 96-88-сон 1996 йил 31 октябрдаги кўшма хати);
  - пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир марта тўланадиган нафакалар;
  - нарх-наво ошиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг карорларига кўра даромадларни индексациялаш хажмларидан ортиқ тўланадиган компенсациялар, ошхона, буфет ва профилакторийларда овқатланиш киймати қимматлашиши муносабати билан компенсация ёки таомларни имтиёзли нархларда ёхуд бепул бориши (қонуларда кўзда тутилган ходимларнинг айрим тоифалари учун маҳсус овқатланишдан ташқари);
  - ходимларнинг иш жойига умумий фойдаланишдаги транспортда, маҳсус маршрутларда, идорага қарашли транспортда келиши ҳақини тўлаш;
  - корхонадаги умумий овқатланиш учун ёрдамчи хўжаликлар ишлаб чиқарадиган ёки корхона ходимларига берадиган маҳсулот (ишлар, хизматлар) нархларидағи фарқ;
  - даволаниш ва дам олиш учун йўлланмалар, экскурсия ва саёхатлар, спорт секциялари, тўгараклар, клублардаги машрутлар, маданий-томуша ҳамда жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига бориши, обуна бўлиш ҳамда ходимлар шахсан фойдаланиши учун товарлар ҳақини тўлаш ва шунга ўхшаш бошқа тўловлар;

- корхона ва ташкилотлар қайта ташкил этилиши, ходимлар ва штатлар сони кискариши муносабати билан ишдан бўшайдиган ходимларга тўловлар;
- бекор қилинган ишлаб чиқариш буюртмалари бўйича харажатлар;
- консервацияланган ишлаб чиқариш кувватлари ва объектларни саклаш харажатлари (бошқа манбалар хисобидан қопланадиган харажатлар бундан мустасно);
- ишлаб чиқариш захиралари ва тайёр маҳсулотни қайта баҳолаш натижасида белгиланган меъёrlар доирасидаги ва ундан ортиқ йўқотишлар;
- идишларга доир операциялар бўйича кўрилган зарар;
- суд чикимлари;
- бошқа корхоналар, шунингдек алоҳида шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича шубҳали қарзлардан кўрилган зарар. Шубҳали қарзлар суммаси конунларга мувофиқ резервланиши керак;
- даъво муддати тугаган дебиторлик қарзларини ҳамда ундирилиши нореал бўлган бошқа қарзларни хисобдан чиқариш натижасидаги зарарлар;
- аввалги йилларда бажарилган операциялар бўйича ҳисбот йилида аникланган зарарлар;
- табиий оғатлар натижасида юз берган, компенсацияланмайдиган арзимас йўқотишлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр буюмлар ва бошқа моддий бойликлар йўқ бўлиб кетиши ҳамда ишдан чиқиши, ишлаб чиқариш тўхтаб қолиши натижасидаги йўқотишлар ва бошқалар), жумладан табиий оғатлар оқибатларининг олдини олиш ёки уларни тугатиш билан боғлиқ харажатлар;
- экстремал шарт-шароит оқибатидаги ёнғин, авария ва бошқа фавқулоддия вазиятлар натижасида кўрилган, компенсацияланмайдиган арзимас зарарлар;
- солинган ёки эътироф этилган жарималар, пенялар, бурдсизлик тўлови (неустойкалар) ҳамда хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун (жумладан товар етказиб берувчилар ва де-

битетларнинг айби билан) бошқа турдаги жазо чоралари, шунингдек етказилган заар ўринини кончаш харажатлари;

■ бозорда яккаҳоким (монопол) мавқенини эгаллаган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатига киритилган корхоналар маҳсулоти нархларини ошириб юбориш натижасида асоссиз фойда олинигани учун жарима ва пениялар;

■ солиқ конунгларни бузганилик учун жарима ва пениялар (ЎзР Молия вазирлигининг 68-сон ва ЎзР ДСҚнинг 96-88-сон 1996 йил 31 октябрдаги кўшма хати);

■ айбдорлари аниқланмаган ёки зарур суммаларни айбдор томон ҳисобидан тўлашибининг имкони бўлмаган ҳолларда талон-тарож билан боғлиқ заарлар;

■ корхонанинг асосий воситалари ва бошқа молмулкни сотишдан кўрилган заар;

■ банк хизматлари учун ҳак тўлани;

■ бюджетта мажбурий тўловлар, конунда белтиланган тартибда бюджетдан ташқари фондларга тўланадиган соликлар, йигимлар, ажратмалар (ЎзР Молия вазирлигининг 22-сон ва ЎзР ДСҚнинг 97-54-сон 1997 йил 15 майдаги кўшма хати);

■ экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия фондларига (агар бу фондлар юридик шахс сифатида рўйхатга олиниган бўлса), маданият, халиқ таълими, соғлиқни сакланиш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларни а бадаллар (ЎзР Молия вазирлигининг 68-сон ва ЎзР ДСҚнинг 96-88-сон 1996 йил 31 октябрдаги кўшма хати).

«Давр харажатлари» деган 26-ҳисобварақка куйидаги илова ҳисобварақлар жорий этилади:

■ сотиш харажатлари (сафдо ташкилотлари учун) — «Муомала чиқимлари»;

■ маъмурий харажатлар;

■ бошқа умумхўжалик ва операция харажатлари;

■ келажакда соликка тортиладиган базадан чиқариб ташланадиган ҳисобот даври харажатлари.

**«ДАВР ХАРАЖАТЛАРИ ХИСОБИНИЙ ЙОРИТИШ» 15-КЛІДНОМАСИ**

Тәжілділік хісоб мөдделері	Хисобварақтар кредитидан 26-хисобварақ дебети буйынча оборотлар										Боңға жүр- нал-ордерлер- дан сұмма	Ой учын жамы	Кредит буйын- ча ой учун оборот
	02	05	10	12	13	23	69	70	76	N	N		
1. Солғын қараждатлар													
— Моддий қараждатлар													
— Иш ҳақини тұдаңы қараждатлар													
— Ижтимоиј ажратмалар үчүн қараждатлар													
— Асосий воситалар үз номоддий активлар амортизациясы													
— Боңға қараждатлар													
2. Матмурор чиқымдар													
— Моддий қараждатлар													
— Иш ҳақи тұдаңы қараждатлар													
— Ижтимоиј ажратмалар үчүн қараждатлар													
— Асосий воситалар үз номоддий активлар амортизациясы													
— Боңға қараждатлар													
3. Боңға умумуәжелік үз операция чиқымлари													
— Моддий қараждатлар													
— Иш ҳақи тұдаңы қараждатлар													
— Ижтимоиј ажратмалар үчүн қараждатлар													
— Асосий воситалар үз номоддий активлар амортизациясы													
— Боңға қараждатлар													
4. Келесінде солиққа тортыладын базадан чиқарып ташданадын хисобот әдеби қараждаттар													
— Моддий қараждатлар													
— Иш ҳақи тұдаңы қараждатлар													
— Ижтимоиј ажратмалар үчүн қараждатлар													
— Асосий воситалар үз номоддий активлар амортизациясы													
— Боңға қараждатлар													
26-хисобварақ буйынча жамы													

## **62-§. Ишлаб чиқаришда йўл кўйилган брак хисобини юритиш тартиби**

Ишлаб чиқаришда йўл кўйилган бракнинг бухгалтерия хисоби «Ишлаб чиқаришдаги брак» деган 28-хисобварақда юритилади. Мазкур хисобварақ ишлаб чиқаришда бракка йўл кўйилиши оқибати бўлган йўқотишлар тўғрисидаги маълумотларни умумлантириш учун мўлжалланган.

«Ишлаб чиқаришдаги брак» деган 28-хисобварақнинг дебет кисмидаги ички ва ташки брак бўйича аникланган харажатлар (тузатиб бўлмайдиган, яъни узил-кесил брак киймати, бракни тузатишга килингандан харажат ва бошқалар), шунингдек кафолатли таъмирлаш учун **меъордан ортиқ килингандан харажатлар тўпланади**.

«Ишлаб чиқаришдаги брак» деган 28-хисобварақнинг кредитида брак оқибатидаги йўқотишларни камайтиришига йўналтириладиган суммалар (бракка чиқарилган маҳсулотнинг фойдаланиш мумкин бўлган баҳодаги киймати, брак айборларидан ушлаб колиниши керак бўлган суммалар, сифатсиз материаллар ёки ярим тайёр маҳсулотлар етказиб бергани ва улардан фойдаланиш натижасида бракка йўл кўйилгани учун товар етказиб берувчи лардан ундирилиши керак бўлган суммалар ва х.к.), шунингдек брак оқибатидаги йўқотишлар сифатида ишлаб чиқариши харажатлари деб хисобдан чиқариладиган суммалар қайд этилади.

«Ишлаб чиқаришдаги брак» деган 28-хисобварақ бўйича тахлилий хисоб корхонанинг алоҳида цехлари, маҳсулот турлари, харажат моддалари, брак сабаблари ва айборлари бўйича юритилади.

## **63-§. Корхонада хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришдаги харажатлар хисобини юритиш тартиби**

Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришдаги харажатларнинг бухгалтерия хисоби «Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар» деган 29-хисобварақда юритилади.

тилади. Мазкур хисобварақ корхонанинг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликлари маҳсулот чиқариши, ишлар бажарини ва хизматлар кўрсатишни билан боғлиқ харажатлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириши учун мўлжалланган.

Корхонанинг хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликлари деганда мазкур корхона ташкил этишиндан мақсад қилиб кўйилган маҳсулот ишлаб чиқариши, ишлар бажарини ва хизматлар кўрсатишни билан боғлиқ фаолият олиб бормайдиган ишлаб чиқаришлар ҳамда хўжаликлар тунишилади. Хусусан, мазкур хисобварақда корхона балансида турган куйидаги тузилмаларнинг харажатлари акс этирилиши мумкин: уй-жой-коммунал хўжалиги (тураржойлардан, ётокхоналардан, кирхона ва хаммомлардан фойдаланиш ва х.к.); тикувчиллик ҳамда маниший хизматга доир бошқа устахоналар; онхона ва буфетлар; болалар мактабгача тарбия муассасалари (боғчалар, яслилар); дам олиш "уйлар", санаторийлар ва соғломлантириши ҳамда маданий оқаргув мақсадларидағи бошқа муассасалар, илмий-тадқикот ва конструкторлик бўлинмалари.

«Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар» деган 29-хисобварақининг лебет қисмида бевосита маҳсулот ишлаб чиқариши, ишлар бажарини ва хизматлар кўрсатишни билан боғлиқ тўғридан-тўғри харажатлар, шунини ёк ёрдамчи ишлаб чиқаришларнинг харажатлари акс этириллади. Бевосигта харажатлар ишлаб чиқарини заҳиралари, ходимларга иш хақи тўлани бўйича ҳисоб-китоблар ва бошқалар ҳисоби юритилдиган хисобварақларнинг кредитидан «Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар» деган 29-хисобварақка ҳисобдан ўчириллади. Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар харажатлари «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» деган 23-хисобварақининг кредитидан «Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар» деган 29-хисобварақка ҳисобдан ўчириллади.

«Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар» деган 29-хисобварақининг кредит қисмида ту-

гал ишлаб чиқарилған маҳсулот, бажарилған ишлар ва күрсатилған хизматларнинг ҳакиқий таннархи суммалари акс эттирилади. Ушбу суммалар «Хизмат күрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар» деган 29-хисобваракдан чиқарилиб, куйидаги хисобваракларнинг лебет кисмига ёзилади:

- хизмат күрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар чиқарган моддий бойликлар ҳамда тайёр маҳсулотлар ҳисоби юритиладиган хисобвараклар;
- 46-«Махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» (хизмат күрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар бажарган ишлар ҳамда күрсатган хизматлар бошқа корхоналарга сотиладиган ҳолларда);
- 76-«Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисобкитоблар» (квартирадан ҳак тўлаб фойдаланувчилар ёки изкарачилардан уларга күрсатилған хизматлар эвазига олинадиган суммалар);
- 26-«Давр харажатлари» — болалар мактабгача тарбия муассасаларини ҳамда ижтимоий мақсадлардаги бошқа обьектларни саклаш харажатлари ўрнини қоплаш манбалари ҳисобини юритиш.

«Хизмат күрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар» деган 29-хисобварак бўйича ой охиридаги қоллик тугалланмаган ишлаб чиқариш кийматини күрсатади.

«Хизмат күрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар» деган 29-хисобваракда таҳлилий ҳисоб ҳар бир хизмат күрсатувчи ишлаб чиқариш ва хўжалик бўйича ҳамда ана шу ишлаб чиқариш ва хўжаликларнинг алоҳида харажатлар моддалари бўйича юритилади. Бунда уйжой-коммунал хўжалик харажатлари таҳлилий ҳисобини ташкил этиш (туаржойлардан фойдаланиш харажатлари борасида) фойдаланишга оид ва максадли харажатлар (сув билан тъминлаш, ёритиш, канализация, газ, иситиш) тўгрисида маълумот олиш имкониятини тъминлаши лозим.

## **64-§. Нокапитал ишлар бўйича харажатлар хисобини юритиш тартиби**

Нокапитал ишлар бўйича харажатларнинг бухгалтерия хисоби «Нокапитал ишлар» деган 30-хисобваракда юритилади. Мазкур хисобварак нокапитал ишлар бажарилиши (мувакқат титулли ва титулсиз иншоотлар барпо этиш ва бошқалар) билан борлик харажатлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Мазкур хисобваракдан пудратчи корхоналар, шунингдек хўжалик усулида бинолар қуриш билан шуғулланадиган курувчи ташкилотлар фойдаланади.

Курилиш майдончасини ободонлаштириш, иншоотларнинг қисмларини, материаллари ҳамда конструкцияларини синаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги, ўзига қаравали ва ижарага олинган бино ҳамда иншоотларни (жумладан титулсизларини) таъмирлаш билан борлик ва шу каби бошқа харажатлар «Нокапитал ишлар» деган 30-хисобваракда ҳисобга олинмайди. Улар «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» деган 23-хисобварак, «Давр харажатлари» деган 26-хисобварак, «Хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хўжаликлар» деган 29-хисобварак ва бошқаларда акс эттирилади.

«Нокапитал ишлар» деган 30-хисобваракда қуйидаги илова хисобвараклар очилиши мумкин:

- 30-1 «Мувакқат (титулли) иншоотларни барпо этиш»;
- 30-2 «Мувакқат (титулсиз) иншоотларни барпо этиш»;
- 30-3 «Бошқа нокапитал ишлар» ва ҳ.к.

«Мувакқат (титулли) иншоотларни барпо этиш» деган 31-1-илова хисобварагида мувакқат (титулли) бино ва иншоотлар қуриш, шунингдек бошқа бино ва иншоотларни курилишга хизмат кўрсатиш учун қайта жиҳозлаш ҳамда мослаштириш ишларини бажариш харажатлари ҳисобга олинади. Бунда юкорида айтилган харажатлар курилиш корхонасининг курдирувчи билан ҳисоб-китобла-

ри курилиш-монтаж ишлари сметасига ва объектлар сметасига киритилган мувакқат (титулли) бино ва иншоотлар куриши харажатларини хисобга олган ҳолда умуман тугалланған комплекс (тайёр курилиш маҳсулоти) учун амалга ошириладиган ҳолларда «Мувакқат (титулли) иншоотларни барпо этиш» деган 30-1-хисобваракда акс эттирилади.

Агар мувакқат (титулли) бино ва иншоотлар куриши билан боғлиқ харажатлар курилиш-монтаж ишлари смета кийматига ҳамда объект сметасига киритилмаган, улар бүйічча хисоб-китоблар эса алохида қилинаёттан бўлса, у ҳолда бундай объектлар бўйичча харажатлар хисоби курилиш корхоналари томонидан алохида курилиш объектлари билан бўлгани каби умумий тартибда «Асосий ишлаб чиқарини» деган 20-хисобваракда юритилади. Бундай объектлар қабул қилинганидан кейин уларни қурдирувчи балансида акс эттирилади ҳамда мазкур қурдирувчи бу объектларни курилиш корхонасига ижарага бериши мумкин.

«Мувакқат (титулсиз) иншоотларни барпо этиш» деган 30-2-илова хисобварагида мувакқат (титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва курилмалар (объект хузуридаги омборхоналар, иш олиб борувчиларнинг идоралари, бостирмалар, иш олиб борилаёттан ҳудуд доирасида буғ, ҳаво ва электр билан таъминлаш курилмалари ва х.к.) барпо этиш билан боғлиқ харажатлар хисоби юритилади.

«Бошқа нокапитал ишлар» деган 30-3-илова хисобварагида бошқа нокапитал ишларни бажариш (курилиши тұхтатылған объектларни бузиш, демонтаж қилиши ва бошқалар) билан боғлиқ харажатлар хисоби юритилади.

«Нокапитал ишлар» деган 30-хисобваракнинг деңгээлде қысмінде нокапитал ишлар бажарылышында лоир харажатлар акс эттирилади. Мувакқат (титулсиз) иншоотлар, мосламалар ва курилмалар барпо этиш борасидаги нокапитал ишлар бўйичча факат бевосита чиқимлар (қўшимча харажатлар бунга кирмайди), колган нокапитал ишлар бўйичча эса — бевосита чиқимларга мутаносиб равишда объектлар ўртасида тақсимланадиган бевосита харажатлар ва қўшимча харажатлар хисобга олинади.

Нокапитал ишлар тугаллангани (мувакқат (тигули ва тигулсиз) иншоотлар, мосламалар ва курилмалар фойдаланишга топширилгани) сайин уларни барпо этиш харажатлари хисоби куйидаги хисобваракларга хисобдан ўчирилади:

- асосий воситалар хисобланувчи мувакқат (тигули) бино ва иншоотлар бўйича — «Асосий воситалар» деган 01-хисобварак дебетига. Айни пайтда мазкур бино ва иншоотлар эскириши хисоблаб борилади ва бу «Асосий воситалар эскириши» деган 02-хисобваракнинг кредитида ва «Бўлғуси харажат ва тўловлар резервлари» деган 89-хисобваракнинг дебет қисмida акс эттирилади;
- асосий восита хисобланмайдиган мувакқат (тигули) иншоотлар бўйича — «Арzon ва тез эскирувчан буюмлар» деган 12-хисобварак дебетига. Бир вактнинг ўзида мазкур буюмлар эскириши хисоблаб борилади ва бу холат «Арzon ва тез эскирувчан буюмлар» деган 13-хисобварак кредитида ва «Бўлғуси харажатлар ва тўловлар резервляри» деган 89-хисобваракнинг дебет қисмida акс эттирилади;
- инвентар тусда бўлмаган обьектлар бўйича — «Бўлғуси харажатлар ва тўловлар резервлари» деган 89-хисобваракнинг дебетига;
- мувакқат (тигулсиз) иншоотлар, мосламалар ва курилмалар бўйича — «Арzon ва тез эскирувчи буюмлар» деган 12-хисобварак дебетига;
- курилиши тўхтатилган обьектларни бузиш ва демонтаж килиш билан боғлиқ ишлар бўйича, пурратчи корхоналарда — «Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар» деган 62-хисобварак дебетига;
- курилишни хўжалик усулида олиб бораётган курувчи корхоналарда — «Капитал қўйилмалар» деган 08-хисобварак дебетига.

## **65-§. Корхонада келгуси даврлар харажатлари ҳисобиниң юритиш тартиби**

Ҳисобвараклар режасига мувофиқ корхонада келгуси даврлар харажатларининг бухгалтерия ҳисоби «Келгуси даврлар харажатлари» деган 31-хисобваракда юритилади. Мазкур ҳисобварақ шу ҳисобот даврида қилинган, лекин келгуси ҳисобот давларига таалуқли бўлган харажатлар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириши учун мўлжаллафган.

Хусусан бу ҳисобварақда куйидагилар билан борлик харажатлар акс эттирилиши мумкин:

- төғ-кон тайёргарлик ишлари;
- саноатининг мавсумий тармоқларида ишлаб чиқаришга тайёргарлик; янги корхоналар, ишлаб чиқаришлар, курилма ва агрегатларни ўзлаштириши ишлари;
- срларни рекультивация қиёши;
- асосий воситаларни йил давомида маромсиз ремонт қилиши (яъни, корхонада тегишли резерв ёки фонд ташкил қилинмайдиган холларда);
- келгуси даврлар учун ижара ҳаки тўланиши ва бонсалар.

«Келигуси даврлар харажатлари» деган 31-хисобваракда ҳисобга олинган харажатлар «Асосий ишлаб чиқариш» деган 20-хисобварак, «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» деган 23-хисобварак, «Умунишлаб чиқариш харажатлари» деган 25-хисобварак, «Давр харажатлари» деган 26-хисобваракларининг дебет кисмнига ҳисобдан ўчирилади.

«Келигуси даврлар харажатлари» деган 31-хисобварак бўйича тахлилий ҳисоб харажатлар турларига кўра юритилади.

## **66-§. Чиқарилған маҳсулот (ишлар, хизматлар) мөйөрий таниархининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби**

Ҳисобвараклар режасига мувофиқ чиқарилған маҳсулот (ишлар, хизматлар) мөйөрий таниархининг бухгалтерия ҳисоби «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш» деган 37-хисобваракда юритилади. Маэкур ҳисобварак ҳисобот даврида ишлаб чиқарилған маҳсулот, буюртмачиларга топширилған ишлар ва күрсатилған хизматлар, шунингдек мазкур маҳсулот, ишлар, хизматларнинг хақиқий ишлаб чиқариш таниархи мөйөрий (режадаги) таниархдан четта чиқиши (тафовути) аниқланған ҳолаттар түғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мұлжалланған. Бу ҳисобваракдан зарурат туғилғанда фойдаланылади.

«Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш» деган 37-хисобваракнинг дебет кисміда ишлаб чиқарилған маҳсулот, топширилған ишлар ва күрсатилған хизматларнинг хақиқий ишлаб чиқариш таниархи акс эттирилади («Асосий ишлаб чиқаришлар» деган 20-хисобварак, «Ёрдамчи ишлаб чиқариши» деган 23-хисобварак, «Хизмат күрсатувчи ишлаб чиқаришлар ва хұжаликлар» деган 29-хисобвараклар билан корреспонденцияда).

«Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариши» деган 37-хисобваракнинг кредит кисміда ишлаб чиқарилған маҳсулот, топширилған ишлар ва күрсатилған хизматларнинг мөйөрий (режадаги) таниархи акс эттирилади («Тайёр маҳсулот» деган 40-хисобварак, «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобварак ва бошқа ҳисобвараклар билан корреспонденцияда).

«Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш» деган 37-хисобварак бүйіча ойннинг бириңчи күннеге дебет ва кредит оборотларини такқослаш оркали ишлаб чиқарилған маҳсулот, топширилған ишлар ва күрсатилған хизматларнинг хақиқий ишлаб чиқарыш таниархи билан уларнинг мөйөрий (режадаги) таниархи орасидаги фарқ

(тафовут) аникланади. Тежаши, яъни меъёрий (режадаги) таннархнинг ҳақиқий таннархдан юқори бўлиши «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш» деган 37-ҳисобварак кредити ва «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-ҳисобварак дебети бўйича сторно килинади. Ортиқча сарф, яъни ҳақиқий таннархнинг меъёрий (режадаги) сидан ортиб кетиши «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш» деган 37-ҳисобваракдан «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-ҳисобварак дебетига кўшимча ёзув билан киритилади.

«Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш» деган 37-ҳисобварак ҳар ойда ёпилади ва ҳисбот санасида сальдоси чиқарилмайди.

### **67-§. Корхонада ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби**

Тайёр маҳсулот — корхона ишлаб чиқариш жараёнининг пировард маҳсули. Унга корхонада товар етказиб бериш шартномаларига мувофиқ ишлаб чиқарилган, шу корхонада тугал ишлов бериш циклидан ўтган ҳамда белгиланган давлат андозалари ва техник талабларга жавоб берадиган саноат буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари киради.

Ҳисобвараклар режасига мувофиқ корхонада ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий таннархи бўйича бухгалтерия ҳисоби «Тайёр маҳсулот» деган 40-ҳисобваракда юритилади. Мазкур ҳисобварак тайёр маҳсулот мавжудлиги ва ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бу ҳисобваракдан моддий ишлаб чиқариш тармокларига тегишли корхоналар фойдаланади.

Жойнинг ўзида буюртмачиларга топширилиши керак бўлган, қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилмаган маҳсулот тугалланмаган ишлаб чиқариш сифатида қолади ва тайёр маҳсулот таркибига киритilmайди.

Бутлаш учун сотиб олинган (күймати корхона маҳсулотининг таниархига киритилмаиди ан) ёки сотиладиган товар сифатида келтирилган тайёр маҳсулотлар ҳисоби «Товарлар» деган 41-ҳисобваракда юритилади. Четташкилотлар учун бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар кўймати «Тайёр маҳсулот» деган 40-ҳисобваракда акс этирилмайди, улар бўйича амалда қилинган харажатлар эса ишлаб чиқариш чикимлари ҳисоби юритиладигай ҳисобвараклардан бевосита «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-ҳисобваракка ҳисобдан ўчирилади. Жойининг ўзида буортмачиларга тоширилиши керак бўлган ва қабул қилини далолатномаси билан расмийлаштирилмаган маҳсулот тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибида колади ва «Тайёр маҳсулот» деган 40-ҳисобваракда ҳисобга олишмайди.

Тайёр маҳсулот ҳисоби «Тайёр маҳсулот» деган 40-ҳисобваракда ҳақиқий ишлаб чиқариш таниархи бўйича юритилади. Қишлоқ хўжалиги корхоналари деҳкончилик, чорвачилик ва хом ашени қайта ишлани маҳсулотлари харакати ҳисобини йил давомида режадаги таниарх бўйича юритиладар; тайёр маҳсулотининг амалда вужудга келган ва режалаштирилган таниархи ўргасида йил охирида аниқланган тафовутнинг ҳисбогот йилни охирида ана шу маҳсулот колдинига тегишли қисми маҳсулот ҳисобига киритилади.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини юритин учун «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариши» деган 37-ҳисобваракдан фойдаланилганда тайёр маҳсулот «Тайёр маҳсулот» деган 40-ҳисобваракда месъерий (режадаги) таниархи бўйича акс этирилади.

Бундай маҳсулот омборларга келиб туѓиганда у 40-ҳисобваракнинг дебетида ва «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариши» деган 37-ҳисобварак кредитида акс этирилади. Ҳисбогот даврида ҳақиқий ишлаб чиқариш таниархи билан месъерий (режадаи) таниарх ўргасида юзага келган фарқнинг ҳаммаси 46-ҳисобварак дебетига ёзилади.

Ҳақиқий таниархнинг ортиб кетиши кўшимча ёзув билан қайд этилади, камайин (тежсан) эса сторно қилинади.

45-хисобваракда хисоби юритиладиган тайёр маҳсулот товарларнинг ишлаб чиқариш таннархи бўйича, сотиб олинадиган материаллар ва буюмлар эса уларнинг харид нархлари ёки улар товарлар ҳамда материаллар захиралари хисоби юритиладиган тегишли хисобваракларда хисобга олинган бошқа нархлар бўйича баҳоланади.

Сотиш учун тайёрланган (олинган) тайёр маҳсулот, жумладан қисман корхонанинг ўз эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулот ҳакиқий таннарх бўйича кирим қилиниши «Тайёр маҳсулот» деган 40-хисобваракнинг дебет қисмida, ишлаб чиқариш харажатлари хисоби юритиладиган хисобвараклар («Ишлаб чиқариш харажатлари» деган 25-хисобварак) билан корреспонденцияда акс эттирилади. Агар тайёр маҳсулотнинг ҳаммаси корхонанинг ўзида фойдаланишга йўналтирилса, у «Тайёр маҳсулот» деган 40-хисобваракда кирим қилинмаслиги, балки «Материаллар» деган 10-хисобваракда ва шу маҳсулот қандай мақсадларга мўлжалланганига караб, шунга ўхшашибошқа хисобваракларда хисобга олиниши мумкин.

Харидор (буюртмачи)ларга юклаб жўнатилган ёки жойининг ўзида топширилган, хисоб-китоб хужжатлари мазкур харидор (буюртмачи)ларга тақдим этилган тайёр маҳсулот сотув тартибида «Тайёр маҳсулот» деган 40-хисобваракдан «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобваракнинг дебет қисмiga ҳисобдан ўчирилади.

Агар товар етказиб бериш тўғрисидаги шартномада жўнатилган маҳсулотга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш хукуки ҳамда у корхонадан харидор (буюртмачи)га ўтаётганда тасодифан йўқ бўлиб кетиши хатари юқорида айттилганидан бошқачароқ (масалан, маҳсулот экспорт қилинаётганда) белгиланган бўлса, у ҳолда шундай ҳолат юз бергунга қадар мазкур маҳсулот хисоби «Юклangan товарлар» деган 45-хисобваракда юритилади. У ҳакиқатда юклаб жўнатилаётган вактда «Тайёр маҳсулот» деган 40-хисобваракнинг кредит қисмiga ва «Юклangan товарлар» деган 45-хисобваракнинг дебет қисмiga тегишли ёзув киригилади.

Воситачилик ёки шунга ўхшаш бошқа асосларда сотиш учун ўзга корхоналарга берилган тайёр маҳсулот «Тайёр маҳсулот» деган 40-хисобварақ хисобидан чиқарилиб, «Юкланган товарлар» деган 45-хисобварақнинг дебет қисмига хисобдан ўчирилади.

Тайёр маҳсулот «Тайёр маҳсулот» деган 40-жамлама хисобварақда ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи бўйича хисобга олинадиган ҳолларда таҳлилий хисобда унинг айрим турлари ҳаракати хисобга олинган нархларда (режалаштирилган таннарх, сотув нархлари ва х.к.) акс эттирилиб, буюмларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи билан уларнинг хисобга олинган нархлари орасидаги фарқ алоҳида ажратиб кўрсатилиши мумкин. Бундай тафовутлар тайёр маҳсулотнинг бир турдаги гурухлари бўйича хисобга олинади. Мазкур гурухлар корхона томонидан айрим буюмларнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи билан уларнинг хисобга олинган нархлар бўйича киймати орасидаги тафовут даражасига караб шакллантирилади.

Тайёр маҳсулот «Тайёр маҳсулот» деган 40-хисобварақдан чиқарилаётганда шу маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи билан таҳлилий хисобда қабул килинган нархлар бўйича киймати орасидаги фарқ суммаси тегишлича хисобланган фоиз бўйича белгиланади. Мазкур фоиз хисобот даври бошидаги тайёр маҳсулот колдиғига доир фарқ ва хисобот ойи мобайнида омборга келиб тушган маҳсулотта доир фарқ билан шу маҳсулотнинг хисобга олингац нархлар бўйича киймати орасидаги нисбатта қараб хисоблаб чиқилади. Юкланган ва сотилган тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий ишлаб чиқариш таннархи билан унинг хисобга олинган нархлар бўйича киймати орасидаги фарқлар суммаси «Тайёр маҳсулот» деган 40-хисобварақнинг кредитигда ва тегишли хисобварақларнинг дебет қисмидаги фарқ ортиқча сарф ёки тежкамкорликка боялиништага қараб кўшимчча ёхуд сторно ёзуви билан акс эттирилади.

«Тайёр маҳсулот» деган 40-хисобварақ бўйича таҳлилий хисоб тайёр маҳсулот қасрда сакланишига ва унинг алоҳида турларига караб юритилади.

**ХИСОБВАРАҚЛАР КРЕДИТИ БҮЙИЧА  
11-ЖУРНАЛ-ОРДЕР**

- 40 — Тайёр маҳсулот  
 26 — Давр харажатлари  
 45 — Юкланган товарлар  
 46 — Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши  
 47 — Асосий воситалар сотилиши ва бошқача реализацияси  
 48 — Бошқа активлар сотилиши  
 62 — Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-жиг'ублар  
 19 — йил \_\_\_\_\_ учун

Ҳисоб- варақлар кредитидан	40	26	46	47	48	62	Жа- ми	
	Тайёр маҳ- сулот	Давр ха- раж.	Маҳсул. (ишлар, хизмат- лар) соти- лиши	Асосий восита- лар со- тилиши ва бош- қача реали- зация- си	Бош- қа ак- тив- лар соти- лиши	Хар- идорлар ва бу- йортма- чилар бидан ҳисоб- китоб- лар		
Ҳисоб- варақлар дебетига	1	2	3	4	5	6	7	8
01 — Асосий воситадар								
02 — Асосий воситалар эскириши								
04 — Номод- лий активлар								
05 — Номод- лий активлар эскириши								
07 — Курил- ма-ускунада- ри								

Ҳисобварақдар кредитидан	40 Тайёр маҳсулот	26 Даvr харж.	46 Маҳсул. (ишилар, хизматлар) сотилиши	47 Асосий воситалар сотилиши ва бошқача реализацияси	48 Бошқа активлар сотилиши	62 Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисобкитоблар	Жами
1	2	3	4	5	6	7	8
46 — Маҳсулот сотилиши							
47 — Асосий воситалар сотилиши ва бошқача реализацияси							
48 — Бошқа активлар сотилиши							
51 — Ҳисобкитоб ҳисобвараги							
60 — Маҳсулот етказиб берувчилар ва пурратчилар билан ҳисобкитоблар							
62 — Харидорлар билан ҳисобкитоблар							
76 — Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисобкитоблар							
80 — Фойдалар ва зарарлар							
Жами							

## 46-ХИСОБВАРАК УЧУН ТАХЛІЛІЙ МАЛДУМОӘЛДАР

Күрсіктерлер номері	Тәндер мөлдөмдөт	Ассоциациялар	Харидорлардың салынудан транспорт хиражаттары	Жалғыз
46-хисобварақтың хисобот ойын учун				
а) сотилған маңсулоз ва молдай бойликларининг хакиқат тапшархи				
б) түштеги, хисобдан чиқарылған суммасынан				
в) сотилған маңсулотининг режедати тапшархи				
г) күнделіктен киймат солиги				
д) сотилип хиражаттары				
е) сотув хисобваралық дебеттеги хисобдан үчирилған бөшкін хиражаттар				
Фойда				
Зарар				

16-ҚАЙДНОМА

1. Тайёр буюмлар харакати хисобиши юритиш, тайёр махсусот ва моддий бойлесларни юклаб жүнатыш хамда сотип

N	Күрсаткыч	А буюм		Б буюм		Умумий сума	
		Хисобға олинған нархда	Хақиқий таниарх бүйіча	Хисобға олинған нархда	Хақиқий таниарх бүйіча	Хисобға олинған нархда	Хақиқий таниарх бүйіча
1	Ой босидаги қолдик						
2	Ишлаб чиқаришдан келиб түшгән						
3	Бошқа тушумлар						
4	Қолдик ва ишлаб чиқаришдан түшгән тайёр буюмлар хақиқий таниархи билан уларнинг хисобға олинған нарх бүйіча қиймати ўтасидаги нисбат, %						
5	Сотув тартыбında юклаб жүнатылған ва берилған						
6	Ой охиридаги маҳсулот қолдиги						

**2. Махсузот, мол-мүлк ва модий бойынкларни юклаб жұнатып, берип ва сотин**

19 Ініціативи

## Ассоций маңсұлотты сотиш

3. Пули тұланған, ҳисобдан чиқарылған, пули тұланмаган ва ҳисобдан чиқарылмаган сұммалар бүйінча Ынғма маълумотлар

**3.1. Корреспонденцияланувчи ҳисобварақтардан чиқарынн тұлови**

	Дебетланадиган ва кредитланадиган ҳисобварақтар номлари	Қайднома бүйінча жами	
		Ҳисобот ойи учун	аввалиң ойи учун
	45-ҳисобварақ (сотув бүйінча оборот сифатыда акс этирилмайдын сұммалар) кредитидан қойындағы ҳисобварақтар дебеттегі:		
50	Касса		
51	Ҳисоб-китоб ҳисобварағи		
62	Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар		
	46-ҳисобварақ кредитидан қойындағы ҳисобварақтар дебеттегі:		
50	Касса		
51	Ҳисоб-китоб ҳисобварағи		
62	Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар		
76	Түрли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар		
80	Фойдағы зааралар		
	62-ҳисобварақ кредитидан қойындағы ҳисобварақтар дебеттегі:		
50	Касса		
51	Ҳисоб-китоб ҳисобварағи		
60	Маңсулот етказиб берувчилар ва пурратчишар билан ҳисоб-китоблар		

**3.2. Тұлапмаган, ҳисобдан чиқарылмаган — ҳисобға олиш гурұұлдары бүйінча**

Күрсаткіч	Ҳисобға олиш гурұұлдары			
	тайёр маҳсулот учун	транспорт харажат-лари	КҚС	жами
Тұлапмаган:				
Жорий ой учун қайднома бүйінча				
Аввалғы ой учун қайднома бүйінча				
Шу жумладан:				
Маҳсулот харидор жағобгарлығыда сақлаш учун қолдирилған мүнисабати билан ҳисобдан чиқарылмаган:				
Жорий ой учун қайднома бүйінча				
Аввалғы ой учун қайднома бүйінча				
Ҳисобот ойи учун З-жадвал бүйінча жами				

## 16-ҚАЙДНОМА

**1. Тайёр маҳсулотлар ҳаракати хисобиши юритиш, тайёр маҳсулот  
хамда моддий бойлукларни юклаб жұнатышы ва солиш**

N	Күрсактың	А маҳсулот		Б маҳсулот		Умумий сумма	
		Хи- собға олин- ган нарх- ларда	Ҳақи- қий тан- нархда	Хи- собға олин- ган нарх- ларда	Ҳақи- қий тан- нархда	Хи- собға олин- ган нарх- ларда	Ҳақи- қий тан- нархда
1	Ой бошидаги қолдик						
2	Ишлаб чиқарыпдан келиб түшін						
3	Бошқа түшүмлар						
	Жами түшүмлар, қолдик билан						
4	Қолдик ва ишлилб чиқарыпдан түшін тайёр маҳсулотнинг ҳақиқий тәннархи билан ударнинг хисобға олинган нархлардаги қиймати орасидаги ниисбат, %						
5	Сотиш тартибіда юклаб жұнатылған ва берилған						
6	Ой охиридаги маҳсулот қолдиги						

## ТАЙЁР МАҲСУЛОТГИ ЧИҚАРИШ ҚАЙДНОМАСИ

19 їнш \_\_\_\_\_ учун

## **68-§. Савдо, таъминот ва сотиш корхоналари харид қилған товарларнинг бухгалтерия хисобиши юритиш тартиби**

Корхоналар харид қилған товарларнинг бухгалтерия хисоби «Товарлар» деган 41-хисобваракда юритилади. Мазкур хисобварак сотиш учун товарлар сифатида харид қилингандай товар-моддий бойликлар, шунингдек ижара (прокат) предметлари мавжудлиги ҳамда ҳаракати түғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Мазкур хисобваракдан асосан таъминот ва савдо-сотик корхоналари, шунингдек умумий овқатланиш корхоналари фойдаланадилар.

Саноат ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналарида бирон-бир буюм, материал, озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш учун маҳсус харид қилинадиган ёки саноат корхоналарида бутлаш учун сотиб олинган тайёр маҳсулотлар киймати ишлаб чиқариладиган маҳсулот танинрҳига киритилмасдан, балки харидорлар томонидан алоҳида копланиши керак бўлган ҳолатларда «Товарлар» деган 41-хисобваракдан фойдаланилади.

Таъминот, савдо-сотик корхоналари «Товарлар» деган 41-хисобваракда сотиб олинадиган ва ўзларида ишлаб чиқариладиган идишлар хисобини ҳам юритиладилар. Бундан ишлаб чиқариш ёки хўжалик эҳтиёжларида фойдаланиладиган, «Асосий воситалар» деган 01-хисобваракда ёки «Арzon ва тез эскирувчи буюмлар» деган 12-хисобваракда хисоби юритиладиган инвентарь идишлар мустасно.

Масъулиятли сақлаш учун ҳамда консигнация шартномалари бўйича қабул қилингандай товарлар хисоби «Масъулиятли сақлаш учун қабул қилингандай товар-моддий бойликлар» деган 002-балансдан ташкири хисобваракда юритилади.

Таъминот, савдо-сотик корхоналарида товарлар хисоби «Товарлар» деган 41-хисобваракда харид ёки сотув нархлари бўйича олиб борилади. Товарлар хисоби

сотов нархларида юритилганда уларнинг харид қиймати билан сотов нархларидаги қиймати орасида чиқадиган фарқ (сийловлар, қўшимча нархлар) «Савдо устамаси» деган 42-хисобваракда алоҳида акс эттирилади. Товарлар тайёрлаш ва етказиб бериш чиқимлари «Давр харажатлаши» деган 26-1-хисобваракда хисобга олинади.

«Товарлар» деган 41-хисобварак таркибида қуийдаги илова хисобвараклар очилиши мумкин:

- 41-1 «Омборлардаги товарлар»;
- 41-2 «Чакана савдодаги товарлар»;
- 41-3 «Товар солинган ва бўш идишлар»;
- 41-4 «Харид қилинадиган буюмлар»;
- 41-5 «Ижара (прокат) буюмлари» ва бошқалар.

«Омборлардаги товарлар» деган 41-1-илова хисобваракда улгуржи ва тақсимлаш базаларида, умумий овқатланиш корхоналарининг омборларида, сабзавот саёслаш жойларида, музлаттичлар ва бошқа жойларда турган товар захиралари мавжудлиги ҳамда ҳаракати хисобга олинади.

«Чакана савдодаги товарлар» деган 41-2-илова хисобваракда чакана савдо корхоналари (дўконлар, чодирлар, ларёклар, киосклар ва бошқалар)да ва умумий овқатланиш корхоналарининг буфетларида турган товарлар мавжудлиги ҳамда уларнинг ҳаракати хисоби юритилади. Шу илова хисобваракниң ўзида чакана савдо корхоналарида ва умумий овқатланиш корхоналарининг буфетларида турган ҳамда ҳаракатда бўлган шишша идишлар (шишалар, банкалар ва бошқалар)ниң ҳам хисоби юритилади.

«Товар солинган ва бўш идишлар» деган 41-3-илова хисобваракда товарлар солинган ҳамда бўш турган идишлар (чакана савдо корхоналарида ва умумий овқатланиш корхоналарининг буфетларида турган шишша идишлардан ташқари) мавжудлиги ва ҳаракати хисобга олиб борилади.

Савдо корхоналари товар солинган ва бўш турган идишлар ҳаракатининг хисобини ўртача хисоб нархлари бўйича юритилилари мумкин. Бундай хисоб нархлари

идишиларнинг таркиби ва нархига кўра бўлинадиган гурух (тур)лари бўйича белгиланади. Бунда идишиларнинг харид нархлари билан уларнинг ўртача хисоб нархлари орасидаги тафовутлар «Савдо устамаси» деган 42-хисобварак («Савдо устамаси (сийлов, кўшимча нарх)» деган илова хисобварагида қайд этилади. Бу тафовутлар сальдоси навбатдаги инвентарлашлар жараёнида текширилиши ва зарурат бўлганда «Фойдалар ва заарлар» деган 80-хисобварак маълумотларига караб тузатилиши керак (идишилар билан операциялар натижаси сифатида).

«Товарлар» деган 41-хисобваракдан фойдаланадиган саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқарувчи корхоналар «Харид қилинадиган буюмлар» деган 41-4-илова хисобваракда товарлар мавжудлиги ва ҳаракати хисобини юритадилар (ишлаб чиқариш захираларини хисобга олиш учун қўзда тутилган тартиб асосида).

«Ижара (прокат) буюмлари» деган 41-5-илова хисобваракда ижара буюмлари мавжудлиги ва ҳаракати хисобга олинади. Ижара буюмларининг эскириши хисоби «Арzon ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши» деган 13-хисобваракда юритилади.

Омборга келиб тунгган товарлар ва идишиларнинг кирим килиниши «Товарлар» деган 41-хисобваракнинг дебет кисмида, «Махсулот ётказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» деган 60-хисобварак ва «Давр харажатлари» деган 26-1-хисобваракнинг дебет кисми билан корреспонденцияда акс эттирлади.

Ой охирида йўлда колган (омборга стиб келмаган), пули тўланган товарлар қиймати ой охирида «Товарлар» деган 41-хисобваракнинг дебети ва «Махсулот ётказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» деган 60-хисобварак кредитгида акс эттирилади (бунда мазкур товарлар омборга кирим қилинмайди). Кейинги ой бошида бу суммалар сторно килинади ҳамда жорий хисобда «Махсулот ётказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» деган 60-хисобварак бўйича дебиторлик қарзи сифатида қайд этилади.

Товарлар ва идишлар келиб тушини хисоб ҳужжатларида материаллар билан операциялар хисобга олинадиган тартибда «Материалларни тайёрлаш ва харид килиши» деган 15-хисобваракдан фойдаланиб акс эттирилиши мумкин.

Харидор (буортмачи)ларга берилған ёки юклаб жүнатылған товарлар, агар уларнинг хисоб-китоб ҳужжатлари шу харидор (буортмачи)ларга тақдим этилған ёхуд улар томонидан пули тұланған бўлса, сотув тартибида «Товарлар» деган 41-хисобваракдан «Махсулот (ипплар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобварак дебетига хисобдан ўчирилади.

Агар товар етказиб бериш тұғрисидаги шартномада берилған (жүнатылған) товарға эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасаррүф этиш ҳукуки ҳамда у корхонадан харидор (буортмачи)га ўтәётганды тасодифан йўқ бўлиб кетиши хатари юкорида айтилганидан бошқачароқ белгиланған бўлса, у ҳолда шундай ҳолат юз бергунга қадар мазкур товарлар хисоби «Юкланған товарлар» деган 45-хисобваракда юритилади. У амалда берилаётган (юклаб жүнатилаётган) вактда «Товарлар» деган 41-хисобваракнинг кредит қисмига ва «Юкланған товарлар» деган 45-хисобваракнинг дебет қисмига тегишли ёзув қайд этилади.

Қайта ишилап учун бошқа корхоналарга берилған товарлар «Товарлар» деган 41-хисобваракдан чиқарилмайди, балки улар хисоби алоҳида юритилади.

«Товарлар» деган 41-хисобварак бўйича таҳлилий хисоб жавобгар шахслар, товарлар номлари (навлари, туркумлари, тўпламлари) бўйича, зарурат бўлганда эса, қаерда сакланаётганига қараб олиб борилади.

## 69-§. Савдо устамалари ва сийловлари хисобини юритиш тартиби

Савдо устамалари ва сийловларининг бухгалтерия хисоби «Савдо устамаси» деган 42-хисобваракда юритилади. Мазкур хисобварак товарлар хисоби сотув нархла-

ри бўйича юритиладиган ҳолларда уларнинг савдо устамалари (кўшимча нарх, сийловлар) тўғрисидаги мальумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Умумий овқатланиши корхоналарида мазкур ҳисобваракда омборлар, буфетлар, ошхонада турган товарлар ва озик-овқат маҳсулотларига белгиланган савдо сийловлари ҳамда кўшимча нархларининг суммалари, шунингдек ошхона ва буфет маҳсулотлари қийматига сотув нархлари бўйича белгиланган ҳажмда кўшиладиган кўшимча нархлар суммалари ҳисобга олинади.

«Савдо устамаси» деган 42-ҳисобваракда маҳсулот етказиб берувчилар товарларнинг эҳтимол тутилган йўқотилиши бўйича, шунингдек қўшимча транспорт харажатларини қоплаш учун савдо ташкилотларига берадиган сийловлар ҳам ҳисобга олинади.

«Савдо устамаси» деган 42-ҳисобварак таркибида кўйидаги илова ҳисобвараклар очилиши мумкин:

- 42-1 «Савдо устамаси (сийлов, кўшимча нарх)»;
- 42-2 «Маҳсулот етказиб берувчилар транспорт харажатларини қоплаш учун белгилаган сийлов» ва бошқалар.

«Савдо устамаси» деган 42-ҳисобваракнинг кредит қисмида товарлар кирим қилинганда савдога оид ва кўшимча сийловлар (кўшимча нархлар) қайд этилади, дебет қисмида эса сотилган, берилган ёхуд табиий камайиш, брак, ишдан чиқиши, камомад ва шу кабилар оқибатида ҳисобдан чиқарилган товарлар бўйича савдога оид ҳамда кўшимча сийловлар (кўшимча нархлар) суммалари акс эттирилади.

Сийлов (устама)лар суммасининг корхоналарда сотилган товарларга тегишли қисми «Савдо устамаси» деган 42-ҳисобварак кредитида ва «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-ҳисобварак дебетида сторно қилинади. Сийлов (устама)лар суммасининг омбор ҳамда базалардан сотилган ва берилган қисми ёзилган ҳисобварак-фактураларга мувофиқ аниқланади ҳамда юкоридагига ўхшаш тартибда ҳисобдан чиқарилади (сторно қилинади).

Сийлов (устама)ларнинг сотилмаган товарларга оид суммалари белгиланган ҳажмларга мувофиқ товарлар бўйича берилishi керак бўлган сийлов (устама)ни белгилаш йўли билан инвентарлаш рўйхатлари асосида аникланади.

Чакана савдо корхоналарида сотилмаган товарлар қолдиги учун сийлов (устама)лар суммаси ой бошидаги товарлар қолдиги сийлови (устамаси) суммаси ва «Савдо устамаси» деган 42-хисобварак кредити бўйича оборотларнинг «Савдо устамаси» деган 42-хисобварак дебети (бошқа турдаги ҳисобдан чиқаришлар) оборотлари суммасига камайтирилган ҳажми билан ой давомида сотилган товарлар суммаси (хисоб нархлари бўйича) ва ой охиридаги товарлар қолдиги (хисоб нархлари бўйича) ўртасидаги нисбатга кўра ҳисобланган фонз бўйича белгиланиши мумкин.

Агар умумий овқатланиш корхоналарининг буфетлари ва ишлаб чиқаришдаги, омборхоналардаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисоби сотув нархлари бўйича (устамаси билан) юритилса, у холда сотилган товарларнинг савдо сийлови (устамаси) чакана савдо корхоналарида қабул қилинган тартибда белгиланади. Башарти омборлардаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисоби сотув нархида ёки ўртача ҳисобланган нархларда (устамаларсиз), ишлаб чиқариш ва буфетларда эса сотув нархларида (устамаси билан) юритилса, у холда сотилган товарларнинг устамалири ёки савдо сийловлари алохида ҳисобланади.

Кам чиқсан ва талон-тарож қилинган товар-моддий бойликлар ҳисобдан чиқарилётганда ўларнинг сийлов (устама)лари суммаси савдо, таъминот ва сотиш корхоналарида «Савдо устамаси» деган 42-хисобварак дебетида ва «Бўлғуси даврлар даромадлари» деган 83-хисобварак кредитида («Айбдор шахслардан ундирилиши керак бўлган сумма билан кам чиқсан бойликлар бўйича баланс киймати ўртасидаги фарқ» деган илова ҳисобварак) қайд этилади.

«Савдо устамаси» деган 42-хисобварак бўйича тахлилий ҳисоб омборхона ва базаларда, чакана савдо ва

умумий овқатланиш корхоналарида турган товарларнинг ҳамда юклаб жўнатилган товарларнинг сийлов (устама) суммалари ва нархлардаги фарқлари алоҳида акс эттирилишини таъминлаши лозим.

## **70-§. Корхона томонидан сотилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби**

Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботи тўғрисидаги меъёрий хужжатларига мувофиқ маҳсулот, товарлар сотиш, ишлар бажарини ва хизматлар кўрсатишдан олинадиган тушумни белгилашнинг икки усулини кўллашгага руҳсат этилар эди.

- **касса усули** — бунда сотувдан олинган тушум юклаб жўнатилган маҳсулот учун ҳақ сифатида пул келиб тушшигга караб эътироф этиб борилади;
- **юклаб жўнатиши усули** — бунда маҳсулот харидорларга жўнатилиб, уларга ҳисоб-китоб хужжатлари (ҳисобварак-фактура, транспорт юхнатлари ва бошқа шунга ўхшаш хужжатлар) топширилишигга караб бу маҳсулот сотилган ҳисобланади.

Бирок, Солик кодекси жорий этилганидан кейин 1998 йилдан бошлиб маҳсулот сотиш, ишлар бажарини ва хизматлар кўрсатишдан олинган тушумни ҳисобланаш усули сифатида **юклаб жўнатиши усули** қабул қилинган.

**Касса усули** кўлланилганда сотув жараёнини акс эттириш учун иккита ҳисобваракдан фойдаланилади, яъни:

- «Юклangan товарлар» деган 45-ҳисобварак — маҳсулот, ишлар, хизматларни топширишининг молдий-ашёвий жараёни ҳисобини юритиш учун;
- «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-ҳисобварак — маҳсулот, ишлар, хизматлар ҳакини тўлаш ҳисобини юритиш учун.

Ушбу усул кўлланилганда маҳсулотни топшириш ва унинг ҳақини тўлашгага доир хўжалик операциялари бажарилгандан кейингина маҳсулот сотиш ишлари тугаллан-

ган ҳисобланади. Бу операциялардан факат биттаси бажарилса, сотиш иши якунланган деб ҳисобланиши мумкин эмас.

*Юқлаб жүнатыши усули* күлланилғанда маҳсулот ва товарлар жүнатылып, ишлар ва хизматлар бажарылғаннан кейин уларнинг ҳисоб-китоб хужжатлари харидор (буюртмачи)га тақдим этилған бўлса, ана шундай маҳсулот ва товарлар (ишлар, хизматлар) сотилған ҳисобланади. Ҳисоб-китоб хужжатлари харидор (буюртмачи)-га шартномада кўзда тутилған усулда берилған вақтдан эътиборан бу хужжатлар харидор (буюртмачи)га тақдим этилған ҳисобланади. Агар шартнома шартларига кўра харидор (буюртмачи) маҳсулотни бевосита ишлаб чиқарувчи корхонанинг ўзида қабул қиласа, у ҳолда бундай маҳсулот харидор (буюртмачи)га топширилиб, шартномада кўзда тутилған хужжатлар расмийлаштирилиб, ҳисоб-китоб хужжатлари харидор (буюртмачи)га ёхуд унинг вакилига тақдим этилганидан кейин сотилған ҳисобланади.

Сотувдан олинган тушум маҳсулотнинг нуқсонлари борлиги, сифатсизлиги аникланиши, у муддатидан олдин етказиб берилиши туфайли ва бошқа сабабларга кўра харидорлар қабул қилмасдан қайтарган товарлар, тайёр маҳсулот қиймати суммасига камайтирилиши мумкин.

Сотилған маҳсулот, бажарилған ишлар ва кўрсатилған хизматлар бухгалтерия ҳисоби «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-ҳисобваракда юритилади. Ушбу ҳисобварак тайёр маҳсулот, товарлар сотиш, бажарилған ишлар ва кўрсатилған хизматлар ҳақини олиш жараёни тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш, шунингдек мазкур бойликларни сотиш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш)нинг молиявий натижаларини аниклаш учун мўлжалланган. Мазкур ҳисобваракда, хусусан, қуйидагилар бўйича таннарх ҳамда тушум (даромад) қайд этилади:

- \* саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа корхоналарнинг ўзида ишлаб чиқарилған тайёр маҳсулот ҳамда ярим тайёр маҳсулотлар;

- саноат тусидаги ишлар ва хизматлар;
- носаноат тусидаги ишлар ва хизматлар;
- сотиб олинадиган (бутлаш учун харид килинган) буюмлар;
- курилиши, монгаж, лойиха-кидирув, геология-разведка, илмий-тадқиқот ва шу каби ишлар;
- савдо, таъминот ва сотиш корхоналаридағи товарлар;
- транспорт корхоналарида юк ва йўловчи ташиш хизматлари;
- енгил автомобилларни ижарага бериш ҳамда автомобилларни манзилга етказиб бериш хизматлари;
- транспорт-экспедиция ва юк ортиш-тушириш операциялари;
- алоқа корхоналарининг хизматлари.

Саноат корхоналари юклаб жўнатилган маҳсулот, бажарилган ишлар ва кўреатилган хизматлар учун харидор (буюртмачи)ларга хисоб-китоб ҳужжатлари такдим этилишига қараб бу ҳужжатлар суммаларини «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобварақ кредитида ва «Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар» деган 62-хисобварақ дебетида акс этириб борадилар. Айни пайтда юклаб жўнатилган маҳсулот, ишлар ва хизматлар таниархи «Тайёр маҳсулот» деган 40-хисобварақ кредитигидан чиқарилиб, «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобварақ дебетига киритилади.

Кишлоқ ҳўяжалиги корхоналарида «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобварақниң кредит қисмида («Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар» деган 62-хисобварақ билан корреспонденцияда) маҳсулот, ишлар, хизматлар сотишдан олинган тушум, дебет қисмида эса уларниң режадаги таниархи (йил давомида, ҳақиқий таниарх ҳали аниқланмаган пайтда) ҳамда сотилган маҳсулот, ишлар, хизматларниң режадаги ва ҳақиқий таниархি орасида юзага келган фарқ (йил охирда) қайд этилади. Сотилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)ниң режадаги таниархи, шунингдек тафовут сумма-

лари «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобваракнинг дебет қисмига бу маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳисоби юритиб қелинган хисобвараклар билан корреспонденцияда киритилади (ёки сторно қилинади).

Курилиши корхоналарида «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобварак кредитида қуриб битказилган обьектлар ёки пудрат ва ёрдамчи пудрат шартномалари бўйича бажарилган ишлар қиймати акс эттирилади («Харидорлар ва буюргачилар билан хисоб-китоблар» деган 62-хисобварак билан корреспонденцияда). Бу қиймат буюргачилар билан пудратчилар ёки ёрдамчи пудратчилар ўргасида хисоб-китоблар учун асос бўлиб хизмат қиласиган хужжатларга қараб белгиланади. 46-хисобваракнинг дебет қисмида эса топширилган ишларнинг ҳакиқий таннархи қайд этилади («Асосий ишлаб чиқариш» деган 20-хисобварак билан корреспонденцияда).

Геология-разведка ишларини олиб борувчи корхоналарда «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобваракнинг кредит қисмида бажарилган ва хисоб-китоб хужжатлари буюргачиларга тақдим этилган ишларнинг шартномавий қиймати («Харидорлар ва буюргачилар билан хисоб-китоблар» деган 62-хисобварак билан корреспонденцияда), дебет қисмида эса шу ишлар бўйича амалда қилинган харажатлар («Асосий ишлаб чиқариш» деган 20-хисобварак билан корреспонденцияда) акс эттирилади.

Лойихалаш ва қидирав ишлари билан шуғулланувчи ташкилотларда «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобваракнинг кредит қисмида буюргачиларга топширилган тўлиқ тугалланган лойихалар ёки ишлар турлари бўйича лойиха-смета хужжатларининг шартномавий (смета) қиймати («Харидорлар ва буюргачилар билан хисоб-китоблар» деган 62-хисобварак билан корреспонденцияда), дебет қисмида эса шу ишларнинг ҳакиқий таннархи («Асосий ишлаб чиқариш» деган 20-хисобварак билан корреспонденцияда) акс эттирилади.

Илмий-тадқиқот ташкилотларида «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобварак кредити-

да буюртмачиларга топширилган илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг шартномавий (смета) қиймати («Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар» деган 62-хисобварап билан корреспонденцияда), дебет қисмида эса — шу ишларнинг ҳақиқий таниархи («Асосий ишлаб чиқариш» деган 20-хисобварап билан корреспонденцияда) акс эттирилади.

Савдо, таъминот ва сотиш корхоналарида «Махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобваракнинг кредит қисмида сотилган товарларнинг сотув қиймати (пул маблағлари ва хисоб-китоблар хисоби юритиладиган хисобвараклар билан корреспонденцияда), дебет қисмида эса уларнинг хисобга олинган қиймати («Товарлар» деган 41-хисобварап билан корреспонденцияда) акс эттирилади ва айни пайтда сотилган товарларга тегишли сийлов (устама) суммалари сторно килинади (товарлар сотув нархида хисобга олинадиган ҳолларда — «Савдо устаси» деган 42-хисобварап билан корреспонденцияда).

Юқорида айтилган корхоналар «Махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобваракда товарларни транзит йўли билан сотиш ва айни пайтда шу товарлар учун хисоб-китобларда иштирок этиш бўйича операцияларни акс эттирадилар: 46-хисобваракнинг дебет қисмида товарларнинг уларни етказиб берувчилар хисоб-китоб хужжатларида кўрсатилган қийматлари қайд этилади («Махсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар» деган 60-хисобварап билан корреспонденцияда), кредит қисмида эса шу товарларнинг сотув қиймати ёзилади («Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар» деган 62-хисобварап билан корреспонденцияда). «Махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобваракнинг кредитида, шунингдек, хисоб-китобларда иштирок этмасдан товарларни транзит усулида сотишдан олинган ялпи даромад ҳам қайд этилади. Хисоб-китобларда катнашмасдан товарларни транзит йўли билан сотиш бўйича оборот хисоби тизимдан ташқарида юритилади.

Транспорт ва алоқа корхоналарида «Махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобваракнинг кредит кисмида кўрсатилаётган хизматлар учун ҳисобланган суммалар («Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар» деган 62-хисобварак ёки «Турли дебитор ва кредиторлар билан хисоб-китоблар» деган 76-хисобварак билан корреспонденцияда), дебет кисмида эса транспорт ҳамда алоқа воситаларидан фойдаланиш бўйича, шунингдек экспедиция ва юк ортиш-тушириш операцияларига доир хақиқий харажатлар қайд этилади («Асосий ишлаб чиқариш» деган 20-хисобварак билан корреспонденцияда).

Махсулот (товарлар, ишлар, хизматлар) сотиш натижалари ҳар ойда «Махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобваракдан чиқарилиб, «Фойда ва зарарлар» деган 80-хисобваракка киритилади.

«Махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобварак бўйича таҳлилий ҳисоб сотилаётган маҳсулот (товарлар), бажарилаётган ишлар ва кўрсатилаётган хизматларнинг ҳар бир тури бўйича юритилади. Бундан ташқари, мазкур хисобварак бўйича таҳлилий ҳисоб маҳсулот сотиладиган мингакалар ҳамда корхонани бошқариш учун зарур бошқа йўналишлар бўйича юритилиши мумкин.

### 71-§. Асосий воситалар сотилиши ёки чиқиб кетишининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби

Асосий воситалар сотилиши ёки чиқиб кетишининг бухгалтерия ҳисоби «Асосий воситалар сотилиши ёки бошқача реализацияси» деган 47-хисобваракда юритилади. Мазкур хисобварак корхонага тегишли асосий воситаларни сотиш ва бошқа тарзда чиқариб юбориш (тугатиш, ҳисобдан чиқариш, бепул бериб юбориш ва бошқалар) жараёни тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш, шунингдек уларни сотишнинг молиявий натижаларини белгилаш учун мўлжалланган.

«Асосий воситалар сотилиши ёки бошқача реализацияси» деган 47-хисобваракнинг дебет қисмида чиқиб кетган асосий восита объектларининг дастлабки киймати, шунингдек асосий воситалар чиқиб кетиши (бино, иншотлар бузилиши ва кисмларга ажратилиши, машина-ускуналар демонтаж килиниши ва бошталар) муносабати билан қилинган харажатлар акс эттирилади.

«Асосий воситалар сотилиши ёки бошқача реализацияси» деган 47-хисобваракнинг кредит қисмига асосий восита объектлари чиқиб кетаётганда ҳисобланган эскириши суммаси, мол-мулкни сотишдан олинган тушум ҳамда мол-мулк ҳисобдан чиқарилиши муносабати билан келиб тушган моддий бойликлар киймати шу мол-мулкни сотиш ёхуд ундан фойдаланиш мумкин бўлган бахода ёзилади. Мол-мулкни сотишдан келадиган тушум, яъни сотилган асосий воситалар учун корхона оладиган сумма «Асосий воситалар сотилиши ёки бошқача реализацияси» деган 47-хисобваракнинг кредит қисмида «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» деган 76-хисобварак билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Шу ойда бажарилган операциялар бўйича кўрилган ва 47-хисобваракда аниқланган заарар қўйидаги бухгалтерия проводкаси билан ҳисобдан чиқарилади:

Д-т 26 «Давр харажатлари»;

К-т 47 «Асосий воситалар сотилиши ёки бошқача реализацияси».

26-хисобваракда бу заарлар «Корхонанинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкини сотишдан кўрилган заарар» моддасида акс эттирилади.

Асосий воситалар сотилиши ва бошқача реализациясидан олинган ҳамда 47-хисобваракда аниқланган фойда у ҳар ойда ёпилаётганда қўйидаги бухгалтерия проводкаси билан акс эттирилади:

Д-т 47 «Асосий воситалар сотилиши ёки бошқача реализацияси»,

К-т 80 «Фойдалар ва заарлар».

Бундай фойда «Операциялардан олинган даромад ва тушумлар» деган 80-3-илова хисобваракқа киригилади ҳамда «Корхоналарнинг асосий фондлари ва бошқа молмүлкини сотишдан олинган даромадлар» моддасига ёзилади.

Асосий восита объектлари узок муддатли ижарага берилганда «Асосий воситалар сотилиши ёки бошқача реализацияси» деган 47-хисобварак бўйича вужудга келадиган кредит сальдоси «Бўлғуси даврлар даромадлари» деган 83-хисобваракқа хисобдан ўчирилади.

Асосий восита объектлари кам чиққан ёки бузилган ҳолларда уларнинг дастлабки қиймати «Асосий воситалар сотилиши ёки бошқача реализацияси» деган 47-хисобварак дебетига, хисобланган эскириш суммаси эса шу хисобварак кредитига киригилади. Бойликлар камомади сифатида акс эттириладиган қиймат қолдиги «Асосий воситалар сотилиши ёки бошқача реализацияси» деган 47-хисобварак кредитига «Бойликлар ишдан чиқини бўйича камомад ва йўкотишлар» деган 84-хисобварак билан корреспонденцияда хисобдан ўчирилади ҳамда кейин бу суммалар «Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 73-хисобварак дебетига («Моддий зарар ўрнини қопланига доир хисоб-китоблар» деган илова хисобварак) киригилади. Бойликлар камомади ёки бузилишига айбдор шахслар аникланмаган ҳолларда бу суммалар «Фойдалар ва зарарлар» деган 80-хисобваракқа ташланади.

«Асосий воситалар сотилиши ёки бошқача реализацияси» деган 47-хисобварак бўйича таҳлилий хисоб асосий воситаларнинг чиқиб кетаётган алоҳида инвентарь объектлари бўйича юритилади.

## 72-ғ. Бошқа активлар сотилиши хисобини юритиш

Бошқа активлар сотилишининг бухгалтерия хисоби «Бошқа активлар сотилиши» деган 48-хисобваракда юритилади. Мазкур хисобварак корхонага тегишли бўлган, «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисоб-

варажнинг ҳамда «Асосий воситалар сотилини ва бошқа-ча реализацияси» деган 47-хисобваражнинг изохларида айтилмаган бойликларни сотиш жараёни тўғрисидаги маълумотларни умумлантириш, шунингдек бу бойликлар сотилишининг молиявий натижаларини белгилаш учун мўлжалланган. Ушбу хисобваракда, хусусан, куйидагиларнинг баланс қиймати ва сотув нархи қайд этилади:

- номоддий активлар;
- амалдаги тартибга кўра оборотдаги маблағлар хисобланувчи товар-моддий бойликлар;
- валюта бойликлари;
- қимматли қофозлар ва бошқа молиявий қўйилмалар.

«Бошқа активлар сотилиши» деган 48-хисобварак дебетида чиқиб кетаётган бойликларнинг баланс қиймати, шунингдек шу муносабат билан қилинган чикимлар (воситачилик ҳаки ва ҳ.к.) акс эттирилади.

«Харажатлар таркиби тўғрисида низом»да кўзда тутилган харажат ва даромадлар таркибига мувофиқ, мазкур хисобваракда сотилаётган активлар турларига кўра бир нечта илова хисобварак очиш мақсадга мувофиқдир. Масалан: 48-1 «Қимматли қофозлар ва валюта сотиш», 48-2 «Бошқа мол-мулкни сотиш».

48-1-илова хисобваракда қимматли қофозлар (корхонанинг ўзи чиқарганларидан ташқари) ҳамда валютани сотиш операциялари акс эттирилиши керак. 48-1-илова хисобваракнинг дебет қисмига қимматли қофозлар ҳамда валютанинг улар сотилаётган вақтдаги баланс қиймати «Узок муддатли молиявий қўйилмалар» деган 06-хисобварак, «Валюта хисобвараги» деган 52-хисобварак, «Йўлдаги ўтказмалар» деган 57-хисобварак, «Қиска муддатли молиявий қўйилмалар» деган 58-хисобварак билан корреспонденцияда ёзилади. 48-1-илова хисобваракнинг кредит қисмида қимматли қофозлар ҳамда валюта бойликларини сотишдан амалда олинган тушум акс эттирилади.

«Қимматли қофозлар ҳамда валюта сотиш» деган 48-1-илова хисобварак ҳар ойда «Фойдалар ва заарлар»

деган 80-хисобварак, «Молиявий фаолиятдан кўрилган фойда ва зарар» деган 80-4-илова хисобварак билан корреспонденцияда ёпилади.

Номоддий ва бошқа (асосий восита хисобланмайдиган) моддий активларни сотиш операциялари «Бошқа мол-мулкини сотиш» деган 48-2-илова хисобваракда акс этирилади.

48-2-илова хисобваракда ҳар ойда аниқланган зарарлар «Давр харажатлари» деган 26-хисобваракка хисобдан ўчирилади ҳамда «Корхонанинг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкини сотишдан кўрилган зарар» моддасида акс этирилади.

48-2-илова хисобваракда аниқланган фойда ҳар ойда «Фойда ва зарарлар» деган 80-хисобваракда очилган «Операцияларга оид даромад ва тушумлар» деган 80-3-илова хисобваракнинг «Корхонанинг асосий фондлари ва бошқа мол-мулкини сотишдан олинган даромад» моддасига ёзилади.

Номоддий активлар, арzon ва тез эскирувчан буюмлар бошқа тарзда чиқиб кетадиган ҳолларда «Бошқа активлар сотилиши» деган 48-хисобваракнинг кредит қисмига шу объектлар бўйича улар чиқиб кетаётганда хисобланган эскириши суммаси ҳам («Номоддий активлар эскириши» деган 05-хисобварак, «Арzon ва тез эскирувчан буюмларнинг эскириши» деган 13-хисобварак билан корреспонденцияда) ёзилади.

### **73-§. Касса операциялари бухгалтерия хисобиин юритилиши тартиби**

Касса операцияларининг бухгалтерия хисоби «Касса» деган 50-хисобваракда юритилади. Мазкур хисобварак корхона кассаларида турган пул маблағлари ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириши учун мўлжалланган.

Касса операцияларини бажарини ва расмийлантириши тартиби Марказий банк қондаларида белгилаб кўйилган.

Корхоналар ўз кассаларида уларга белгиланган ли-  
митдан ортиқ нақд пулларни факат иш ҳаки, мукофот, іж-  
тимоий сұурута бүйічә нафақалар, стипендия ва пенсия-  
ларни тұлаш учун, банк мұассасасидан пул олинған күнни  
хам күшиб ҳисоблаганда күпі билан 3 иш кунидан ошмай-  
ған муддатда (банк мұассасасидан анча олисда жойлаш-  
ған жамоа хұжаликлари, давлат хұжаликлари ва бошқа кор-  
хоналар учун 5 иш куни) сақлаб туришлари мүмкін.

Корхоналар нақд пулларни ҳисобот төшіриш шарты билан операция ва хұжалик харажатлари учун, шунингдек экспедициялар, геология-разведка гурухлари, ваколатлы корхона ва ташкилотлар, хұжалик ташкилотларининг алохіда бўлинмалари, жумладан мустақил баландга эга бўлмаган ва ташкилот фаолият олиб борадиган жойдан ташқаридан жойлашган филиаллар харажатлари учун, корхона раҳбарлари уларга касса хизматлари кўрсатувчи тијорат банки билан келишган ҳолда белгилаган микдорларда берадилар.

Хизмат сафарлари билан боғлиқ харажатлар учун нақд пуллар хизмат сафарига жўнатилаёттандарга республика ҳудудида амал қилувчи тартибга мувофиқ ана шу мақсадлар учун берилши белгиланған суммалар доира-сида, ҳисобот төшіриш шарты билан берилади.

Ҳисобот төшіриши шарты билан берилгани, лекин сарфланмаган нақд пуллар шу маблаг берилған муддат тугаганидан кейин күпі билан 3 иш куни мобайнида корхона кассасига кайтарилиши керак.

Ҳисобот төшіриши шарты билан нақд пул олган шахслар сарфланған суммалар тўғрисида корхона бухгалтериясига ёки марказлаштирилған бухгалтерияга ҳисобот берилшилари шарт.

Илгари ҳисобот төшіриши шарты билан берилған суммалар юзасидан тўлик ҳисобот берилганидан кейингина яна ҳисобот төшіриши шарты билан нақд пул берилши мүмкін.

Корхоналар кассасидан нақд пуллар чиқим касса ордерлари асосида ёки тегишлица расмийлаштирилған

бошқа хужжатлар (тўлов қайдномалари, пул бериш тўғрисидаги аризалар, тўловнома ва бошқалар)га мувофиқ берилади. Бу хужжатларда чиким касса ордери реквизитлари туширилган штамп изи бўлиши лозим. Накд пул олиш учун тўлдирилган хужжатларда корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг ёки улар ваколат берган шахсларнинг имзоси бўлиши керак.

Чиким касса ордерларига илова қилинадиган хужжатлар, аризалар, тўловномалар (счётлар) ва бошқаларда корхона раҳбарининг изказат берувчи устхати бўлган ҳолларда чиким касса ордерларида раҳбар имзоси бўлиши шарт эмас.

Тайёрлов ташкилотлари, жумладан матлубот коопорацияси ташкилотлари кишлок хўжалиги маҳсулоти ва хом ашё топширувчиларга накд пул бериб, кейин — иш куни охирида кун давомида берилган барча суммалар учун тайёрлов квитанциялари бўйича умумий чиким касса ордери тузишлари мумкин.

Бюджет муассасаларига хизмат кўрсатувчи марказлаштирилган бухгалтерияларда берилган иш ҳаки умумий суммаси учун битта чиким касса ордери тузилади. Унинг санаси ва рақами ҳар бир тўлов (хисоб-китоб-тўлов) қайдномасига ёзиб кўйилади.

Чиким касса ордери ёки унинг ўринини босувчи хужжат бўйича алоҳида шахсга пул бераёттганда кассир пул олувчидан унинг шахсини тасдиқловчи хужжат кўрсатишни талаб қиласди, хужжатнинг номи ва рақамини, у ким томонидан ва қачон берилганини ёзиб олади ҳамда пул олувчига имзо чектиради. Агар чиким касса ордерининг ўринини босувчи хужжат бир неча шахсга пул бериш учун тузиленган бўлса, у ҳолда олувчилар ҳам юкорида айтилган шахсни тасдиқловчи хужжатларини кўрсатадилар ҳамда тўлов хужжатларининг тегишли устунига имзо чекадилар.

Корхонада пул шу корхона берган гувохнома асосида берилиши мумкин. Бунинг учун мазкур гувохномада эгасининг сурати ва шахсий имзоси бўлиши керак.

Пул олингани тўғрисидаги имзо фақат олувчининг ўз кўли билан сиёҳли ёки шарикли ручкада қўйилиши ҳамда олинган сумма — сўмлар сўз билан, тийинлар рақам билан ёзилиши зарур. Пул қайднома бўйича олинаётганда сумма сўз билан ёзилмайди.

Корхонанинг ходимлари рўйхатига кирмаган шахсларга пул тузилган шартномалар асосида ҳар бир шахс учун алоҳида ёзиладиган чиқим касса ордери бўйича ёки алоҳида қайдномага мувофиқ берилади.

Қиплоқ хўжалиги ва юқ ортиш-тушириш ишларига, шунингдек табний офат оқибатларини тутгатиш учун жалб этилган шахсларга нақд пуллар қайднома бўйича берилди мумкин. Қайдномалар юқорида айтилган ишларга ходимлари юборилган ҳар бир ташкилот бўйича алоҳида тузилади ҳамда ишларни ташкил этган корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзоларидан ташқари тегишли ташкилот ваколат берган шахс имзоси билан ҳам тасдикланади.

Кассир пулни факат чиқим касса ордерида ёки унинг ўрнини босувчи хужжатда кўрсатилган шахсга беради. Агар пул белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида берилаётган бўлса, бухгалтерия томонидан ордер матнида пул олувчининг фамилияси, исми, отасининг исмидан кейин пул олиш учун ишонч билдирилган шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми ёзилади. Агар пул қайднома бўйича берилаётган бўлса, пул олинганини тасдиқлаб кўйиладиган имзо олдидан кассир «Ишончнома асосида» деб ёзил кўяди. Ишончномани кассир олиб колади ва чиқим касса ордерига ёки қайдномага тикиб кўяди.

Касаллиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра ўзи имзо чеколмайдиган шахсга пул берилаётганда унинг илтимосига кўра ўрнига бошқа шахс имзо чекиши мумкин. Лекин бу шахс шу корхона бухгалтерияси ёки кассасининг ходими бўлмаслиги керак. Чиқим касса ордерида амалда пул олувчининг ва унинг ўрнига имзо чекаётган кишининг шахсини тасдиқловчи хужжат номи, берилган санаси ҳамда жойи қайд этилади.

Кассир иш ҳақи, иш қобилиягини вақтинча йўқотиш нафақаси, стипендия, пенсия ва мукофотларни ҳар бир олувчи учун чиқим касса ордери тузмасдан, тўлов (хисоб-китоб-тўлов) қайдномалари бўйича беради.

Тўлов (хисоб-китоб-тўлов) қайдномасининг сарвараги (биринчи сахифаси)да пул беришига рухсат этувчи устҳат ёзилиб, корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг ёки улар ваколат берган шахсларнинг имзолари, пул бериши муддатлари ҳамда сўз билан ёзилган сумма бўлини лозим.

Иш ҳақи сифатида бир марта тўланадиган пуллар (таътилга чиқаётгандан, касал бўлганда ва х.к.), шунингдек депонентдаги суммалар ҳамда бир неча шахсларга хизмат сафари харажатлари учун хисобот топшириши шарти билан бериладиган пуллар ҳам шу тартибда расмийлаштирилиши мумкин.

Алоҳида шахсларга иш ҳақи сифатида бир марта бериладиган пуллар одатда чиқим касса ордерлари бўйича тўланади.

Иш ҳақи, меҳнат қобилиягини вақтинча йўқотганлик муносабати билан тўланадиган пуллар, стипендиялар, пенсиялар, мукофотларни тўлаш юзасидан белгиланган муддатлар тугаганидан кейин кассир:

а) тўлов қайдномасида иш ҳақи, меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлик муносабати билан тўланадиган пуллар, стипендиялар, пенсиялар, мукофотларни олмаган шахсларнинг фамилияси рўнарасига «Депонентга ўтказилди» деган ёзуви штамп босади ёки шу сўзларни кўлда ёзиб кўяди;

б) депонентга кўйилган суммалар рўйхатини тузади;

в) қайднома охирида иш ҳақи, меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотганлик муносабати билан тўланадиган пуллар, стипендиялар, пенсиялар, мукофотлар бўйича амалда тўланган суммалар ҳамда эгаси олмаган ва депонентга ўтказилиши керак бўлган суммаларни ёзади, бу суммаларни тўлов қайдномаси бўйича умумий якун билан солишитиради ҳамда ўз имзоси билан тасдиқлайди. Агар пулларни кассир эмас, бошқа шахс берган бўлса, у

холда қайдномага күшимча равиша «Қайднома бўйича пулларни \_\_\_\_\_ берди» деб ёзилиб, имзо чекилади. Пулни кассир ва тарқатувчи битта қайднома бўйича бериши тақиқланади;

г) касса дафтарига амалда тўланган суммани ёзди ҳамда қайдномага «Чиқим касса ордери N» деган ёзувлни штамп босади.

Бухгалтерия кассирлар тўлов қайдномаларига киритган ёзувларни текширади ҳамда берилиган ва депонентга қўйилган суммаларни хисоблаб чиқади.

Депонентга қўйилган суммалар банкка топширилади ва топширилган суммалар учун битта умумий чиқим касса ордери тузилади.

Бухгалтерия кирим касса ордерларини ва уларнинг квиганцияларини, шунингдек чиқим касса ордерлари ва улар ўринини босувчи хужжатларни сиёҳли ёки шарикли ручкада аниқ-равшан қилиб ёзиши ёхуд ёзув ёки хисоблаш машинасида чиқариши керак. Мазкур хужжатларда бирор ёзув ўчирилиши, чапланиши ёки ўзгартирилишига, хатто тузатиш тўғрилиги қайд этилган бўлса ҳам, йўл кўйилмайди.

Кирим ва чиқим касса ордерларида уларни тузиш учун асос бўлган ҳамда илова килинган хужжатлар кўрсатилади.

Кирим ва чиқим касса ордерларини ёхуд улар ўринини босувчи хужжатларни пул топшираётган ёки олаётган шахслар кўлига бериш тақиқланади.

Касса ордерлари бўйича накд пул фақат улар тузилган куни қабул қилинishi ва берилиши мумкин.

Кирим ва чиқим касса ордерларини ёки улар ўринини босувчи хужжатларни олаётганда кассир қўйидагиларни текшириши шарт:

а) хужжатларда бош бухгалтер имзоси, чиқим касса ордери ёки ўнинг ўринини босувчи хужжатда эса корхона раҳбари ёки у ваколат берган шахснинг ижозат устхати борлиги ва ҳақиқийлиги;

б) хужжатлар тўғри расмийлаштирилгани;

в) хужжатларда қайд этилган иловалар мавжудлиги.

Агар шу талаблардан бирортасига риоя этилмаган бўлса, кассир бу хужжатларни тегишилича расмийлаштириш учун бухгалтерияга қайтаради.

Кирим ва чиким касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босувчи хужжатлар олинини биланоқ ёхуд улар бўйича пул берилган заҳоти кассир томонидан имзоланади, уларга илова қилинган хужжатлар эса тегишили штамп босини ёки «Пули тўланган» деб ёзиб, сана (кун, ой, йил)ни кўрсатиш йўли билан сўндирилади.

Кирим ва чиким касса ордерлари ёки уларнинг ўрнини босувчи хужжатлар кассага топширишдан аввал бухгалтерия томонидан кирим ва чиким касса ордерларини рўйхаттага олиш дафтарида қайд этилади. Иш ҳаки тўлаш учун мўлжалланган тўлов (хисоб-китоб-тўлов) қайдномаларида расмийлаштирилган чиким касса ордерлари пул тўланганидан кейин рўйхатга олинади.

Кирим ва чиким касса хужжатларини хисоблаш техникаси ёрдамида рўйхаттага олиб бориш мумкин. Буида тегишили кун учун тузиладиган «Кирим ва чиким касса ордерларини рўйхаттага олиш дафтари» машинограммасида пул маблағлари кўзланган мақсадлар бўйича харакатланишининг хисобини юритиши учун керакли маълумотлар ёзилиши ҳам таъминланади.

Ҳар бир корхонада битта касса дафтари тутилади. Бу дафтар саҳифалари рақамланган, ишча билан тикилган ва унинг учи суркучли ёки мастикали муҳр билан тамгланган бўлиши лозим. Касса дафтаридаги вараклар сони мазкур корхона ёки юкори ташкилот раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланади.

Дафтарга мастикали муҳр босилаётганда суюқ шиша асосидаги елим («Силикатли», «Қофоз елими», «Идора учун», «Суюқ шиша»), папиросникига ўхшашибоз, штемпель бўёғидан фойдаланилади. Муҳр изи туширилган кофознинг икки томонига елим суртилади, дафтарга муҳр босилганидан кейин яна бир қатлам елим суркалади.

Касса дафтарига ёзувлар нусха кўчириши кофози (коракофоз) оркали шарикли ручкада, сиёҳ қаламда ёки

сиёҳ билан 2 нусхада ёзилади. Саҳифаларнинг иккинчи нусхалари кирқиб олинадиган бўлиши керак. Улар кассир хисобоғи бўлиб хизмат қилади. Варакларнинг биринчи нусхалари касса дафтарида қолади. Варакларнинг биринчи ва иккинчи нусхаларига бир хил рақамлар кўйилади.

Касса дафтарида ёзувлар ўчирилиши ҳамда тасдиқланмаган ўзгартишлар киритилиши ман этилади. Киритилган тузатишлар кассир, шунингдек корхона бош бухгалтери ёки унинг вазифаларини бажариб турган шахс имзолари билан тасдиқланади.

Касса дафтарида ёзувларни кассир ҳар бир ордер ёки унинг ўрнини босувчи хужжат бўйича пул олинган ёки берилган заҳоти киритади. Ҳар куни, иш куни охирида кассир шу кун давомида бажарилган операциялар якунини хисблайди, кассадаги пул колдигини кейинги кунига ўтказади ва кассир хисботи сифатида кирқиб олинадиган иккинчи варак (кун давомида касса дафтарида киритилган ёзувлар нусхаси)ни кирим ва чиқим касса хужжатлари билан бирга бухгалтерияга топшириб, бу хақда касса дафтарида имзо чектиради.

Корхоналарда кассирнинг розилигига кўра ва касса хужжатлари бут сақланиши тўлиқ таъминланса, касса дафтари автоматлаштирилган усулда юритилиши мумкин. Бунда унинг саҳифалари «Касса дафтари» машинарамаси кўрининшида тузилади. У билан бир вақтда «Кассир хисботи» машинограммаси шаклини тирилади. Ҳар икки машинограмма кейинги иш куни бошлилангунига қадар тузилиши, бир хил мазмунга ҳамда касса дафтари шаклида кўзда тутилган барча реквизитларга эга бўлиши зарур. Касса дафтари вараклари бу машинограммаларда автоматик тарзда, йил бошидан эътиборан кўнайиб бориши тартибида рақамланади.

Ой давомида охирги марта чиқариладиган «Касса дафтари» машинарамасидаги ҳар бир ойда тўпландиган касса дафтари варакларининг умумий сони, календарь йили учун охирги машинограммада йил

давомидаги касса дафтари варакларининг умумий сони автоматик тарзда ёзилиши керак.

«Касса дафтари кистирма вараги» ва «Кассир хисоботи» машинограммаларини олганидан кейин кассир касса дафтари ҳамда кассир хисоботи тўрри тузилганини текшириши, имзо чекиши ва уларни кирим ҳамда чиким касса ҳужжатлари билан бирга бухгалтерияга топшириб, бу ҳақда касса дафтари кистирма варагига имзо чектириши шарт.

Бут сақланишини таъминлаш ва фойдаланишга кулай бўлиши учун «Касса дафтари кистирма вараги» машинограммаларининг ҳар ойлигини кассир йил давомида алоҳида алоҳида сақлади. Календарь йили тугаганидан кейин (ёки зарурат туғилганида) «Касса дафтари кистирма вараги» машинограммалари хронологик тартибда жузланади (брошюра килиб тикилади). Йил давомида йифилган вараклар умумий сони корхона раҳбари ва бош бухгалтерининг имзолари билан тасдиқланади ҳамда дафтар мухрланади.

Касса дафтари тўғри юритилишини назорат қилиш вазифаси корхона бош бухгалтери зиммасига юкланди.

Пул олувчи чиким касса ордерига ёки унинг ўрнини босувчи бошқа ҳужжатга имзо чекмагани ҳолда кассадан берилган пуллар кассадаги нақд пул қодифига хисобланмайди. Бу сумма камомад хисобланади ва кассирдан ундириб олинади. Кирим касса ордерлари билан асосланмаган нақд пуллар кассадаги ортиқча пул хисобланади ва даромадга кўшилади.

Кассир ишчи ва хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисида чиқарилган амалдаги қонунларга мувофиқ, ўзи қабул килган барча бойликлар бут сақланиши учун тўла моддий жавобгар хисобланади ҳамда хоҳ атайнин қилинган ҳатти-харакатлар натижасида, хоҳ ўз вазифаларига бепарвонлик ёки ноҳалоллик билан қараш оқибатида корхонага етказилган ҳар қандай зарар учун жавоб беради.

Кассирни ишга тайинлаш тўғрисида буйруқ (карор) чиқарилганидан кейин корхона раҳбари кассирни Касса

операцияларини бажариш тартиби билан таништириб, бу ҳақда унга имзо чектириши керак. Шундан сўнг кассир билан унинг тўлиқ шахсий моддий жавобгарлиги тўғрисида шартнома тузилади.

Кассир ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришни бошқа шахсга ишониб топшириши тақиқланади.

Битта кассир ишлайдиган корхоналарда, агар у вақтинча алмаштирилиши зарур бўлса, кассир вазифаларини вақтинча бажариб туриш корхона раҳбарининг ёзма буйруғи (карори)га мувофиқ бошқа ходимга топширилади. Мазкур ходим билан моддий жавобгарлик тўғрисида тегишли шартнома тузилади.

Кассир тўсатдан ишни ташлаб кетишига тўғри келган ҳолларда (касаллик сабабли ва х.к.) унинг ҳисобдорлигидаги бойлуклар қабул килиб оловчи бошқа кассир томонидан корхона раҳбари ва бош бухгалтери хузурида ёки корхона раҳбари тайинлаган шахслардан иборат комиссия кўз ўнгидаги дарҳол қайта санаб чиқилади. Қайта санаш ва бойлукларни топшириши натижалари тўғрисида далолатнома тузилиб, унга юқорида айтилган шахслар имзо чекади.

«Касса» деган 50-хисобваракда акс эттирилувчи касса операциялари ҳисобини юритиш учун корхоналарда 1-журнал-ордер тутилади.

Журнал-ордерлар ва қайдномаларга ёзувлар кассир ҳисботлари асосида кунлик якунлар тарзида киригтилали. Бу кассир ҳисботлари уларга илова килинган хужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак. Агар касса хужжатлари сони кам бўлса, операциялар рўйхатларга ҳар куни эмас, балки кассирнинг бир неча ҳисботлари бўйича умумий килиб 3-5 кун учун ёзилиши мумкин. Бундай ҳолларда «Сана» устунида ёзувларга тааллукли бўлган дастлабки ва охирги кунлар ёзилади. Масалан: 1-3, 15-17 ва х.к.

Корреспонденцияланувчи ҳисобвараклар бўйича бир (бир неча) кун якунлари касса ҳисботида ёки унга илова килинган хужжатларда акс эттирилган бир турдаги

операциялар суммаларини кассир хисоботига ёки хұжжаттарға олдиндан киритилған бухгалтерия ёзувларига мувоғық хисоблаш йўли билан белгиланади.

Кассадаги маблағ қолдиги қайдномада фақат ой боши ва ой охиридаги ҳолатта кўра кўрсатилади. Ой давомида назорат қилиш ҳамда оператив мақсадлар учун кассир хисоботларида кўрсатилған маблағ қолдиклари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади.

Транспорт ва алоқа корхоналарида «Касса» деган 50-хисобварак таркибида «Корхона (ташкилот) кассаси» ва «Операция кассаси» илова хисобвараклари очилиши мумкин. «Операция кассаси» деган илова хисобваракда товар идоралари (пристанлар) ва фойдаланиш участкалари, тўхташ пунктлари, дарёларнинг кечув жойлари, кемалар кассаларида, портлар (пристанлар), вокзалларнинг чиғга ва юк кассаларида, чиғталар сакланадиган кассаларда, алоқа бўлимлари кассалари ва бошқаларда турган пул маблағлари ҳамда уларнинг ҳаракати хисоби юритилади.

«Касса» деган 50-хисобварак дебетида корхона кассасига келиб тушган пул маблағлари қайд этилади. «Касса» деган 50-хисобваракнинг кредит кисмида корхона кассасидан тўланған маблағлар акс эттирилади.

Қонунларда рухсат этилган ҳолларда корхона ҳорижий валюта билан касса операциялари бажарадиган бўлса, накд чет эл валютаси ҳаракати хисобини алоҳида юритиш учун «Касса» деган 50-хисобварак таркибида тегишли илова хисобвараклар очилиши керак.

«Касса» деган 50-хисобварақ кредити бўйича  
1-ЖУРНАЛ-ОРДЕР

199 йил учун

Сатр N	Сана	Операция мазмунни	50-хисобварақ кредитидан қўйнаги ҳисобвараждар дебетига							«Касса» деган 50-хисобварақ кредити бўйича жами	
			N 51 «Хисобкитоб вараги»	N 69 «Ижтимоний сутурга бўйича ҳисобкитоблар»	N 70 «Иш ҳақи тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисобкитоблар»	N 71 «Хисобот берадиган шахслер билан ҳисобкитоблар»	N 75 «Муассислар билан ҳисобкитоблар»	N	N	N	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1											
2											
3											
4											
5											
6											
7											
8											
9											
10											
Жами											

## 1-ҚАЙДНОМА

199 \_\_ йил \_\_\_\_\_ учун

Ой болнидаги сальдо \_\_\_\_\_

Сатор N	Сана	Операция мазмунни	50-хисобварақ лебетидан құйылған ҳисобварақтар лебетига							«Касса» деган 50-хисоб-вза-рақ лебе-ти бүйічка жами	
			N 46 «Соти-лини»	N 51 «Хисоб-китоб вараги»	N 70 «Иш ҳақи тұлаш бүйічча ходимлар билан ҳисоб-китоблар»	N 71 «Хисобот берадыған шахслар билан ҳисоб-китоблар»	N 75 «Муассис-лар билан ҳисоб-китоблар»	N	N	N	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
1											
2											
3											
4											
5											
6											
7											
8											
9											
10											
Жами											

Ой охиридаги сальдо \_\_\_\_\_

Тұлдырылған сана:

199 \_\_ йил « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_

Ижроочи \_\_\_\_\_  
(имзо)Бош бухгалтер \_\_\_\_\_  
(имзо)

## **74-§. Ҳисоб-китоб вараги бўйича накд пулсиз операциялар бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби**

Корхона ҳисоб-китоб вараги бўйича накд пулсиз операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби «Ҳисоб-китоб вараги» деган 51-ҳисобваракда юритилади. Мазкур ҳисобварак корхонанинг банқдаги ҳисоб-китоб варагида турган миллий валютадаги пул маблағлари ва уларнинг харакати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисоб-китоб вараги бўйича операцияларни бажариш ва расмийлаштириш тартиби Марказий банк қоидаларига асосан, яъни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида корхоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг республика худудида накд пулсиз ҳисоб-китобларни тартибга солувчи бошка меъёрий ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикасида накд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»ги низомда белгилаб қўйилган.

Накд пулсиз ҳисоб-китоблар қилинаётганда пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг Марказий банк белгилаган қўйидаги шакллари кўлланилади:

- тўлов топширикномаси (N 0505411002);
- тўлов талабномаси (N 0505411001);
- аккредитив аризаси (N 0505411009);
- инкассо топширикномаси (N 0505411013);
- тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеки (N 0505411005);
- мемориал ордери (N 0505411008).

Маблағларни тўловчи билан олувчи ўртасидаги ҳисоб-китоблар шакли тузилган шартнома (битим)да белгилаб қўйилади.

Пул-хисоб-китоб хужжатлари Марказий банк белгилаган талаблар ва андозаларга жавоб берishi керак. Уларда куйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- хужжат раками;
- хужжат санаси (ДД.ММ.ГГГГ);
- тўловчи номи;
- тўловчи хисобварағининг рақами;
- солик тўловчи коди (чек ва аккредитивдан ташқари);
- тўловчи банкининг номи;
- тўловчи банкининг коди;
- олувчи номи;
- олувчи хисобварағининг рақами;
- олувчи банкининг номи;
- олувчи банкининг коди;
- тўлов суммаси рақам ва сўз билан;
- тўлов мақсади (чекда кўрсатилмайди).

Тижорат банкининг хисоб-китоб чекида кўшимча равишда қўйидаги маълумотлар бўлади:

- чек серияси ва рақами;
- жисмоний шахс паспоргининг серияси ва рақами;
- чек «ДД.ММ.ГГГГ»гача амал қиласди.

Аkkредитив аризасида кўшимча равишда қўйидаги маълумотлар бўлади:

- аккредитив амал қиласдиган муддат;
- аккредитивни очиш учун асос бўлган шартнома рақами;
- буюртма рақами;
- буюртма санаси;
- товар ёки хизматлар номи;
- аккредитив бўйича пул тўлаш учун асос бўлган хужжат тури;
- кўнимча шартлар.

Пул-хисоб-китоб хужжатлари тўлдирилаётганда маблағ тўловчи ва олувчининг номлари банк ҳамда мижоз ишини қийинлаштирумайдиган килиб оқилюна кисқартирилишига йўл кўйилади.

Ўзларининг кўшилган қиймат солиги солинадиган маҳсулот, иш ва хизматларини сотувчи хўжалик субъектлари тўловга тақдим этилган пул-хисоб-китоб хужжатларида ККС суммасини алоҳида сатрда кўрсатишлари шарт. Агар кўшилган қиймат солиги тўлашдан озод қилинган бўлишса, «ККС тўланмайди» деган сўзларни ёзадилар ёки ўндан ёзуви штами босадилар.

Пул-хисоб-китоб хужжатлари банк учун ва хисоб-китобларда қатнашувчи барча томонларга керакли миқдордаги нусхаларда коракоғоз (копирка) орқали техник воситалар ёрдамида бир йўла ёзиб чиқарилади ёки аслидан нусха олинади.

Банк пул-хисоб-китоб хужжатларини ижрога қабул килиши учун қўйидагилар талаб қилинади:

- юридик шахслардан — хужжатнинг биринчи (асл) нусхасида имзо чекини хукуқига эга мансабдор шахслар имзолари ва муҳр изи бўлиши;
- юридик шахс мақомини олмаган тадбиркорлардан — пул хужжатларида имзо намунаси кўйилган карточкадаги битта имзо бўлиши. Бунда муҳр изи бўлиши талаб қилинмайди.

Имзолар улар эгасининг ўз кўли билан кўйилган бўлиши лозим. Ҳар қандай пул-хисоб-китоб хужжатларида факсимиile кўйилиши қатъян тақиқланади.

Ташаббускор банкда мижознинг хисобварафидан маблағ олиш учун фактат пул-хисоб-китоб хужжатларининг биринчи нусхалари ёхуд «Банк-Мижоз» тизимида фойдаланиувчи мижозлардан алоқа каналлари бўйича келиб тунига пул-хисоб-китоб электрон хужжатлари асос бўла олади.

Мижознинг хисобварағига маблағлар электрон тўловлар тизими орқали олинган пул-хисоб-китоб электрон хужжатлари ҳамда тижорат банки берган хисоб-китоб чекининг асл нусхаси асосида киритилади.

Маблағларни хисобвараққа киритиш ёки ундан олиш учун асос бўладиган пул-хисоб-китоб ҳамда электрон пул-хисоб-китоб хужжатларининг барча нусхалари банк бухгалтеришининг имзоси ва шу бухгалтерга биритти-

риб күйилган штамп билан тасдиқланиб, қабул қилиш ҳамда тұлаш саналари ёзіб күйилади.

Тұлов топширикномаси (кейинги үринларда — «топширикнома») міжоз үзіга хизмат күрсатувчи банкка унинг хисобварағидан олувчы хисобварағига муайян сүммани ўтказиш (жұнагаш) тұғрисида берган топширик хисобланади. Тұловчы үз банкiga топширикномани белгиланған шақыда тақдим этади. Сотиб олишган товарлар, бажарылған ишлар, күрсатылған хизматлар учун ҳамда бошқа тұловлар бүйіча ҳисоб-китоблар топширикнома бериш йўли билан амалга оширилши мумкин. Топширикнома санаси у банкка тақдим этилған сана билан бир хил бўлиши лозим. Акс ҳолда тұлов топширикномаси изгрога қабул қилинмайди (бюджетта ва бюджетдан ташқари фонdlарга тұловлар бундан мустасно). Банк топширикномани міжознинг депозит хисобварағида маблағ бўлған тақдирдагина қабул қиласи (агар шартномада ва бошқа меъёрий хужжатларда үзга ҳолат кўзда тутилмаган бўлса).

Кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун маблағлар хўжалик юритувчи субъектларнинг топширикномалари асосида, тегишли меъёрий хужжатларда белгиланған тартибда берилади. Бунда топширикноманинг тұлов мақсади күрсатыладиган қисмига «Кечиктириб бўлмайдиган сүммалар хисобидан» сўзлари ёзилади. Банклар кечиктириб бўлмайдиган эҳтиёжлар учун ажратыладиган маблағлар сүммалари тұғри хисобланганини назорат қилиб борадилар.

Міжоз топширикномани банкка қуйидаги тартибда тақдим этади:

а) тұловчига ҳам, пул олувчига ҳам бигте банкда хизмат күрсатыладиган бўлса, уч нусхада:

- биринчи нусха пул тұланганидан кейин банкнинг кундаклик хужжатларига тикиб қўйилади;
- иккинчи нусха маблағ олувчининг шахсий хисобварағидан кўчирмага илова қилинади;
- учинчи нусха тұловчы шахсий хисобварағидан кўчирмага илова қилинади.

- товарлар юклаб жўнатилган (берилилган) сана ҳамда товар-транспорт ёки қабул килиши-тошириш хужжатларининг рақамлари ва транспорт тури, товарлар Почта ва телекоммуникациялар агентлиги корхоналари орқали жўнатилганда эса — почта квитанцияларининг рақамлари;
- товар харидорнинг транспортида олиб кетилган бўлса, «Жўнатиш усули. Кв/юкхат N..» сатрида «Харидор транспортида олиб кетилди. Ишончнома N..» сўзлари ёзилади;
- бошқа реквизитлар.

Талабномага товар-транспорт хужжатлари ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа хужжатлар илова килиниши лозим. Бу хужжатларда маҳсулот етказиб берувчи юклаб жўнатилган (берилилган) товарлар ёки кўрсатилган хизматлар нархини асослаши шарт (агар товар етказиб берувчи билан тўловчи ўргасидаги шартномада бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса).

Маҳсулот етказиб берувчи товарни жўнаттанидан (хизматлар кўрсаттанидан) кейин талабномани шартномада айтилган муддатдан кечиктирмасдан товар-транспорт хужжатлари ёки улар ўрнини босувчи бошқа хужжатлар билан бирга инкассо учун тошириши зарур.

Томонлар қелишувига кўра талабномалар бўйича тўловлар акцептли ёки акцептсиз тарзда амалга оширилиши мумкин.

Маҳсулот етказиб берувчи бир операциянинг ўзи учун такроран талабнома тақдим этишга ҳакли эмас. Факат куйидаги ҳолатлар бундан мустасно:

- биринчи талабнома банкка келиб тушмагани тўғрисида билдирув хати олингданда;
- талабнома юк жўнатилганидан кейин манзили ўзгарган корхона пул тўлаши учун ёзилган бўлса. Бундай ҳолларда маҳсулот жўнатувчи дастлабки талабномани тўловчининг банкидан қайтариб олиши керак.

Маҳсулот етказиб берувчи ўзига хизмат кўрсатувчи банкка талабномани хисобвараклар реестри билан бирга тоширади. Бунда:

- хисобвараклар реестри икки нусхада тузилиб, унда тўлов талабномалариning барча реквизитлари бўлиши керак. Реестрнинг биринчи нусхасида корхона (ташкилот) раҳбари ҳамда бош бухгалтер имзолари кўйилган ва муҳр босилган бўлиши талаб қилинади;
- реестрнинг биринчи нусхаси маҳсулот етказиб берувчи банкида қолади. Унда мазкур ҳужжат қабул қилинган сана кўрсатилган, банк бухгалтери имзоси кўйилган ҳамда шу бухгалтерга бириктирилган штамп босилган бўлиши лозим;
- реестрнинг иккинчи нусхаси маҳсулот етказиб берувчига кайтарилади ва унда ҳам мазкур ҳужжат қабул қилинган сана кўрсатилган, банк бухгалтери имзоси кўйилган ҳамда шу бухгалтерга бириктирилган штамп босилган бўлади.

Талабнома куйидагича тақдим этилади:

а) пул тўловчи ва олувчи битта банк хизматидан фойдаланадиган ҳолларда, уч нусхада:

- талабноманинг биринчи нусхаси пул тўланганидан кейин банкнинг кундалик ҳужжатларига тикиб кўйилади;
- иккинчи нусха пул тўланганидан кейин маблағ олувчининг шахсий хисобварагидан кўчирмага илова қилинади;
- учинчи нусха тўлов пули ўтказилганидан кейин тўловчи шахсий хисобварагидан кўчирмага илова қилинади;

б) пул тўловчи билан олувчига турли банкларда хизмат кўрсатиладиган ҳолларда банклараро хисоб-китоб қилиш керак бўлса, икки нусхада:

- талабноманинг биринчи ва иккинчи нусхалари почта орқали тўловчи банкига юборилади. Бу ерда биринчи нусха банкда колиб пул тўланишини кутаги

ди, иккинчисига эса товар-транспорт хужжатлари ёки уларнинг ўрнини босувчи бошқа хужжатлар илова килиниб, тўлов тўғрисида хабар бериш ва акцептлаш учун, хужжат қабул қилинган сана кўрсатилган ҳолда кейинги иш кунидан кечиктиримай тўловчига берилади ёки мижознинг почга кутисига солиб қўйилади.

Тўловчи белгиланган муддатда талабномани акцепт белгиси қўйилган ҳолда банкка қайтариши керак. Акс ҳолда талабнома банк томонидан умумий тартибда акцептланади ва тўлов ўтказилганидан кейин:

- биринчи нусха банкнинг кундалик хужжатларига тикиб қўйилади;
- иккинчи нусха шахсий хисобваракдан кўчирма билан бирга тўловчига берилади.

Олувчи банкида электрон тўловлар тизими бўйича қабул қилинган талабнома икки нусхада коғозга туширилади:

- биринчи нусха банкнинг кундалик хужжатларига тикиллади;
- иккинчи нусха маблағ олувчининг шахсий хисобваракидан кўчирмага илова килинади.

Тўловчининг депозит ҳисобварагида маблағ бўлмаса, талабнома 2-картотекага солиниб, бу хақда товар етказиб берувчининг банкига хабар килинади ва амалдаги қонунларга ҳамда тегишли меъёрий хужжатларга муовфик белгиланган тартибда, хисобваракка маблағлар келиб тушишига қараб тўлаб борилади.

Агар тўловчининг депозит ҳисобварагида маблағ етарли бўлмаса, талабнома суммаси қисман тўланниши мумкин. Бундай ҳолларда талабнома 2-картотекага солинади. Бунда талабноманинг орқасига қисман тўланган сумма ёзиб қўйилади.

Маҳсулот етказиб берувчининг илтимосига кўра, унга хизмат кўрсатувчи банк тўловчи банкига тўлов талабномаси пули тўланмай қолгани сабаблари тўғрисида почта орқали сўровнома юборади.

Тўловчи банки сўровномани олган вақтдан бошлаб уч кун ичида жавоб бериши шарт.

Зарурат бўлса, банк товар етказиб берувчининг илтимосига биноан тақорий сўровнома юборади.

Тўловчи банки талабномани акцептлашнинг қўйидаги тартиби ва муддатларини белгилайди:

- бир шаҳарда жойлашган мижозлар учун — талабнома келиб тушган кунни хисобламагандан — уч иш куни;
- бошқа шаҳарларда жойлашган мижозлар учун — талабнома келиб турган кунни хисобламагандан — беш иш куни;
- тўловчининг асосли илтимосномасига кўра — ўн кунгача.

Акцептланганидан кейин пули тўланадиган талабномалар тўлов муддати келишини кутаётган хисоб-китоб ҳужжатлари картотекаси (1-картотека)га қўйилади.

Агар 1-картотека банкда кўлда юритилса, у холда мазкур талабномалар олинган куни банк томонидан «Тўлов учун акцептланнишини кутаётган хисоб-китоб ҳужжатлари» дафтарида қайд этилиб, унда куйидаги реквизитлар кўрсатилади: олинган сана ва тўлов муддати, тўловчининг номи ва хисобварак рақами, талабнома рақами ва суммаси. Журналда ҳар бир тўлов муддати бўйича талабномалар суммаларининг якунлари ҳамда ана шу якунлар суммаси кўрсатилиши лозим.

Тўлов тўғрисида тўловчиларга хабар бериши ва акцептлаш учун мўлжалланган талабнома нусхалари уларга илова қилинган товар-транспорт ҳужжатлари ёки улар ўрнини босувчи бошқа ҳужжатлар билан бирга бу талабномалар банкка келиб тушган куннинг эртасидан кечиктирмай тегишли тўловчиларга берилади.

Тўловчи пулни кисман тўлаши ёки акцептдан бутунлай бош тортиши тўғрисида белгиланган муддатда ўз банкига ёзма равишда маълум қилишга ҳақли (маҳсулот етказиб берувчи товар-моддий бойликлар етказиб бериши, хизматлар кўрсатиш ва бошқалар тўғрисидаги шартнома

шартларини, шунингдек тегишли қонун талабларини бузган ҳолларда).

Агар тўловчи акцептдан бош тортиши тўғрисида белгиланган муддатда ёзма хабар бермаса, у ҳолда талабнома акцептланган ҳисобланади.

Акцептдан бош тортиши тўғрисидаги аризаларни қабул қилиш хукуки берилган мансабдор шахслар доирасини банк раҳбари белгилайди. Банклар акцептдан бош тортиш сабабларига доир баҳс-мунозараларни кўриб чикмайди.

Акцептлашдан ёзма равишда бош тортилган ҳолларда (бош тортиш сабаблари ҳам кўрсатилган бўлса), талабнома шу куниёқ 1-картоекадан чиқариб олиниб, бош тортилгани тўғрисидаги ёзма хабар кўчирма нусхаси ва барча иловалар билан бирга маҳсулот етказиб берувчи банкига изжросиз қайтариб юборилади.

Агар акцептлашдан қисман бош тортилса, талабноманинг тўловчи акцептлаган суммаси тўланади, баш parti бунинг учун маблағ бўлмаса, у 2-картоекага қўйилади. Талабноманинг дастлабки суммаси доира ичига олиниб, унинг ёнига талабноманинг тўловчи акцептлаган суммаси ёзиб қўйилади.

Бунда банк маҳсулот етказиб берувчи (пулни олувчи) банкига тўловчи акцептлашдан қисман бош тортигани тўғрисида ёзма равишда хабар бериши шарт.

Коммунал хизматлар (газ, сув, электр ва иссиқлик энергияси сарфининг ҳисоб-ўлчов асбоблари асосида олинган кўрсаткичлари ва амалдаги тарифлар бўйича ҳаки), канализация, телефондан фойдаланиш, почга-телефраф харажатлари, шунингдек майший чиқинцилар олиб кетилгани учун ҳисоб-китоб қилаётганда маблағлар тўловчиларнинг ҳисобваракларидан акцептсиз тартибда чиқариб олиниади. Бунинг учун пулни акцептсиз олиш шарти томонлар ўргасида тузилган шартномада келишилган, талабномада «Акцептсиз» деган ёзув ёки штамп бўлиши, тўлов тафсилотлари қисмида «ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичлари ёки тарифлар асосида» сўзлари ёзи-

лиши талаб қилинади. Агар шундай ёзувлар бўлмаса, талабномалар пули акцептлаш тартибида тўланади.

Талабномада тўлов мақсади, ҳисоб-китобларнинг бундай шакли қайси меъёрий хужжат ёки шартноманинг қандай бандига мувофиқ белгилангани ҳамда ўша хужжат санаси ва рақами кўрсатилиши шарт. Бунда банк факат илова қилинган хужжатларнинг реквизитлари талабномада кўрсатилганларига мос келишини текширади, лекин бу хужжатлар мазмуни ҳамда йўлда йўқолмаслиги учун жавоб бермайди.

Операция куни мобайнида банкка келиб тушган, акцептсиз тўланиши керак бўлган талабномалар суммаси шу куннинг ўзидаёқ тўланади. Агар тўловчининг ҳисобварафида маблағ кам ёки йўқ бўлса бу талабномаларнинг тўланмаган суммаси қайд этилиб, 2-картотекадаги «Муддатида тўланмаган ҳисоб-китоб хужжатлари» ҳисобварақларига кўшилади.

Операция куни тугаганидан кейин келиб тушган талабномаларга «Кечки» деган ёзувли штамп босилади ва улар пули тўланади ёки келаси иш кунига қолдирилиб, 2-картотекага кирим қилинади.

«Ҳисоб-китоб вараги» деган 51-ҳисобварақда акс эттириладиган накл пулсиз операциялар бўйича бухгалтерия операциялари хисобини юритиш учун корхоналарда 2-журнал-ордер тутилади.

Журнал-ордерлар ва қайдномаларга ёзувлар банк ҳисоб-китоб варагидан олинган кўчирилмалар ва уларга илова қилинган хужжатлар асосида киритилади.

Журнал-ордер ва қайдномаларга ёзувлар корреспонденцияланадиган ҳисобварақлар бўйича банкнинг бир ёки бир неча кўчирилмаларига доир якунларга қараб киритилади. Ёзувлар бир неча кўчирилмалар якунлари бўйича киритилаётганда «Сана» устунида бу кўчирилмаларнинг бошланғич ва сўнгти саналари кўрсатилиши лозим.

Зарур якунларни журнал-ордер ва қайдномада акс эттириш учун суммалар кўчирима ёки уларга илова қилинган хужжатлардаги тегишлли маълумотларни уларда берил-

ган бухгалтерия разметкаларига мувофик хисоблаш йўли билан гурухланади. Ҳисобвараклар корреспонденцияси банк кўчирмаларида ҳам, хужжатларда ҳам кўрсатилади.

Банкдаги хисоб-китоб варагида колдан маблағлар суммаси қайдномада фақат ой боши ва ой охиридаги ҳолатга кўра берилади. Ой давомидаги оператив мақсадлар учун банк кўчирмаларида кўрсатилган маблағ қолдиқлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланилади.

«Ҳисоб-китоб вараги» деган 51-ҳисобваракнинг дебет кисмида корхона ҳисоб-китоб варагига келиб тушган пул маблағлари акс эттирилади. «Ҳисоб-китоб вараги» деган 51-ҳисобвалақ кредитидаги корхона ҳисоб-китоб варагидан чиқариб олинган пул маблағлари акс эттирилади. Корхона ҳисоб-китоб варагининг кредити ёки дебет кисмига янглиш киритилган ва банк кўчирмалари текширилаёттганда аникланган суммалар «Даволар бўйича ҳисоб-китоблар» деган 63-ҳисобваракда акс эттирилади.

Ҳисоб-китоб вараги бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида банк ҳисоб-китоб варагидан олинган кўчирмалар ҳамда уларга илова қилинган пул-ҳисоб-китоб хужжатлари асосида акс эттирилади.

«Ҳисоб-китоб варани» деган 51-ҳисобварақ кредити бўйича  
2-ЖУРНАЛ-ОРДЕР

199 йил учун

Сатор N	Ёзилган сана	Тўлов хужжати N	Операция номи	51-ҳисобварақ кредитидан қўйидаги ҳисобварақлар дебетига					Ҳисоб- варақ кредити бўйича жами
				N 50 «Касса»	N 60 «Махсулот етказиб берувчилар билин ҳисоб- китоблар»	N 69 «Сугурта бўйича ҳисоб- китоблар»	N _____	N _____	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
10									
Жами									

## 2-КАЙДНОМА

199 \_\_ йил \_\_\_\_\_ учун

Ой бошидаги колдиқ

Сатор N	Ёзилған сана	Тұлов хүжжаты N	Операция номер	51-хисобварақ дебеттегі құйнадаги хисобварақтар кредитидан					Хисоб- варақ дебетті бүйіча жами
				N 46 «Сотув»	N 50 «Касса»	N 60 «Маңсулот етказиб берувишілар билин хисоб-китоблар»			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10
1									
2									
3									
4									
5									
6									
7									
8									
9									
10									
Жами									

Ой охиридаги салдо

Тұлдирілған сана:

199 \_\_ йил «\_\_»

Ижрочи

Бош бухгалтер

## **75-§. Корхонанинг валюта ҳисобвараги бўйича валюта операциялари бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби**

Корхона валюта ҳисобвараги бўйича валюта операциялари бухгалтерия ҳисоби «Валюта ҳисобвараги» деган 52-ҳисобваракда юритилади. Мазкур ҳисобварак Ўзбекистон Республикаси худудида ва чет элларда жойлашган банкларда очилган валюта ҳисобваракларида турган хорижий валютадаги пул маблағлари ва улар ҳаракати билан борлик маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Валюта ҳисобвараклари бўйича операциялар ўтказиш ва уларни расмийлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда меъёрий хужжатларида белгилаб кўйилган.

«Валюта ҳисобвараги» деган 52-ҳисобварак дебетида корхоналар валюта ҳисобваракларига келиб тушган пул маблағлари акс эттирилади. «Валюта ҳисобвараги» деган 52-ҳисобваракнинг кредит қисмидаги корхоналар валюта ҳисобваракларидан чиқариб олинган пул маблағлари қайд этилади. Корхона валюта ҳисобваракларининг кредит ёки дебет қисмига янглиш киритилган ҳамда банк кўчирмалари текширилаётганида аникланган суммалар «Даъволар бўйича ҳисоб-китоблар» деган 63-ҳисобваракда акс эттирилади.

Валюта ҳисобвараклари бўйича операцияларнинг бухгалтерия ҳисоби юритилаётганда банк кўчирмалари ва уларга илова қилинган пул-ҳисоб-китоб хужжатлари асос бўлади.

«Валюта ҳисобвараги» деган 52-ҳисобварак таркибида куйидаги илова ҳисобвараклар очилиши мумкин:

- 52-1 «Мамлакат ичидағи валюта ҳисобвараклари»;
- 52-2 «Чет эллардаги валюта ҳисобвараклари».

«Валюта ҳисобвараги» деган 52-ҳисобварак бўйича таҳлилӣ ҳисоб банк муассасаларида хорижий валю-

тадаги пул маблағларини сақлаши учун очилған хар бир хисобварақ бўйича юритилади.

## 76-§. Корхоналар банкларда очилған маҳсус хисобварақларда бажариладиган пул операцияларининг бухгалтерия хисобини юритиши тартиби

Корхоналарнинг маҳсус хисобварақларида пул операциялари бухгалтерия хисоби «Банклардаги маҳсус хисобварақлар» деган 55-хисобварақда юритилади. Мазкур хисобварақ мамлакатимиз худудида ва ундан ташкарида аккредитивлар, чек дафтарчалари, бошқа тўлов ҳужжатлари кўринишидаги (векселлардан ташкири), жорий, алоҳида ва бошқа маҳсус хисобварақларда турган миллӣ хамда хорижий валютадаги пул маблағлари ва уларнинг харакати тўғрисидаги, шунингдек аниқ максадлар учун молиялаш маблағлари (гушумлари)нинг алоҳида сакланадиган қисми харакати ҳақидаги маълумотларни умумлаштиришга мўлжалланган.

«Банклардаги маҳсус хисобварақлар» деган 55-хисобварақ таркибида қуйидаги илова хисобварақлар очилиши мумкин:

- 55-1 «Аkkредитивлар»;
- 55-2 «Чек дафтарчалари» ва бошқалар.

«Аkkредитивлар» деган 55-1 илова хисобварағида аккредитивларда турган маблағлар харакати хисобга олилади.

Аkkредитив шаклида ҳисоб-китоб килиш тартиби Марказий банк қоидаларида белгилаб кўйилган.

Аkkредитив банкнинг шартли пул мажбуриятномаси бўлиб, банк бу ҳужжатни мисқознинг тоғишириғига кўра шартнома бўйича унинг контрагентига беради. Бу шартномага кўра аккредитив очган банк (эмитент банк) маҳсулот етказиб берувчига пул тўлаши ёхуд шундай тўловлар ўтказиш учун бошқа банкка ваколат бериши мумкин. Бунда мизоз аккредитивда кўзда тутилган ҳужжатларни тақдим

этиши ва аккредитивнинг бошқа талабларини бажариши шарт килиб қўйилади.

Аккредитивларнинг қўйидаги турлари очилши мумкин:

- қопланган (депонентланган) ёки қопланмаган (кафолатланган);
- қайтариб олинидиган ёки қайтариб олинмайдиган.

Агар аккредитив очилаётган вақтда эмитент банк тўловчининг ўз маблағларини ёки унга берилган кредитни эмитент банк мажбуриятлари амал қиласидиган бутун муддатта «Аккредитивлар» деган алоҳида баланс хисобварағига қўйиш учун маҳсулот етказиб берувчи банки (ижрочи банк) ихтиёрига ўтказса, бу қопланган (депонентланган) аккредитив хисобланади.

Банклар орасида корреспондентлик муносабатлари ўрнатилган ҳолларда қопланмаган (кафолатланган) аккредитив ижрочи банкда унга эмитент банкнинг ижрочи банкдаги хисобварағидан бутун аккредитив суммасининг чиқариб олиши хукукини бериш йўли билан очилши мумкин.

Ҳар бир аккредитивда у қайтариб олинидиган ёки қайтариб олинмайдиган шаклдалиги аниқ кўрсатилиши керак. Агар шундай кўрсатма бўлмаса, аккредитив қайтариб олинидиган деб хисобланади. Қайтариб олинидиган аккредитив эмитент банк томонидан аввал маҳсулот етказиб берувчи билан келишмай туриб ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин (масалан, шартномада кўзда тутилган шартларга риоя этилмаган, эмитент банк аккредитив бўйича тўловларни кафолатлашдан муддатидан олдин бош тортган ҳолларда). Қайтариб олинидиган аккредитив шартларини ўзгартириш тўғрисидаги хар қандай фармойишларни тўловчи маҳсулот етказиб берувчига факат эмитент банк орқали бериши мумкин. Эмитент банк бу ҳақда маҳсулот етказиб берувчи банкига (ижрочи банкка), у эса ўз навбатида маҳсулот етказиб берувчига хабар қиласиди. Бирок, ижрочи банк аккредитив талабларига жавоб берадиган, маҳсулот етказиб берувчи томонидан тақдим этил-

ган ва унга хизмат кўрсатувчи банк аккредитив ўзгаргани ёхуд бекор қилингани тўғрисида хабар олингунига қадар қабул қилган хужжатлар пулини тўлаши шарт.

Қайтариб олинмайдиган аккредитив унинг асосида пул оладиган маҳсулот етказиб берувчининг розилигисиз ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин эмас.

Аkkредитив факат битта маҳсулот етказиб берувчи билан хисоб-китоб қилиш учун очилиши мумкин.

Аkkредитив амал қиласидиган муддат ва хисоб-китоб қилиш тартиби тўловчи билан маҳсулот етказиб берувчи ўртасидаги шартномада белгилаб қўйилади. Шартномада куйидаги маълумотлар кўрсатилиши зарур:

- эмитент банк номи;
- аккредитив тури ва уни изро этиш усули;
- аккредитив очилгани тўғрисида маҳсулот етказиб берувчига хабар қилиш усули;
- аккредитив бўйича пул олиш учун маҳсулот етказиб берувчи тақдим этадиган хужжатларнинг тўлик рўйхати ва аниқ тавсифи;
- товар жўнатилганидан кейин хужжатларни тақдим этиш муддати ҳамда уларни расмийлаштиришига доир талаблар;
- бошка зарур хужжатлар ва шартлар.

Эмитент банк кафолатланган аккредитивларни харидор билан келишувга кўра ва бошқа банк билан ўрнатилган корреспондентлик муносабатлари шартларига мувофик очади. Маҳсулот етказиб берувчининг банки бундай аккредитивларни белгиланган тартибла изро этади.

Аkkредитив очмоқчи бўлган тўловчи ўзига хизмат кўrсатувчи банкка (эмитент банкка) аккредитив учун электрон ариза беради. Бу аризада тўловчи куйидагиларни кўrсатиши шарт:

- аккредитив очиш учун асос бўлган шартнома рақами;
- аккредитив амал қиласидиган муддат (аккредитив ёпиладиган кун ва ой);
- маҳсулот етказиб берувчининг номи;

- аккредитивни ижро этувчи банк номи;
- аккредитив ижро этиладиган жой;
- аккредитив бўйича тўловлар ўтказилишига асос бўладиган ҳужжатларнинг тўлиқ ва аник номи, уларни тақдим этиш муддати ва расмийлаштириш тартиби (тўлиқ батафсил рўйхат аризага илова килиниши мумкин);
- аккредитив тури ва унга доир зарур маълумотлар;
- аккредитив қандай товарлар юклаб жўнатиш (хизматлар кўрсатиш) учун очилаётгани, товарлар юклаб жўнатиш (хизматлар кўрсатиш) муддати;
- аккредитив суммаси;
- аккредитивни амалга ошириш усули.

Электрон тўлов ҳужжатини тўғри расмийлаштириш учун тўловчилар маҳсулот етказиб берувчидан аккредитив бўйича унинг номига очилган хисобварак рақамини аниқлаб олишлари керак. Акс ҳолда «А» филиал аккредитивлар очиш учун электрон аризаларни ёзишга ҳақли эмас.

Аккредитив очиш тўғрисидаги ариза аккредитив шартларини бажариш учун тўловчи банкига зарур мидордаги нусхаларда тақдим этилади.

Банк муассасасига келиб тушган аккредитивлар хисобини юритиш учун тўловчи банкида «Пули тўланадиган аккредитивлар» деган балансдан ташқари хисобварак очилади.

Ижрога кабул килинган аккредитив маҳсус шаклдаги дафтарда рўйхатга олинади. Унда сана, тартиб рақами, маҳсулот етказиб берувчининг номи, аккредитив муддати ва сумма кўрсатилади. Аккредитивга у дафтарда рўйхатга олинган тартиб рақами берилади.

Аккредитивдан фойдаланилгани тўғрисида маҳсулот етказиб берувчининг банкидан хабар (билдирувнома) олганидан кейин тўловчи банки уни балансдан ташқари хисобваракдан тўлиқ чиқариб юборади. Аккредитивдан кисман фойдаланилиб, у харидор банкидаги хисоб-китоб

хисобвараига кайтарилигандарда ҳам балансдан ташкари хисобварақ ёнилади.

Агар тўловчи (харидор)нинг топшириғига кўра аккредитив очган банк (эмитент банк) маблағни бошқа банкка — маҳсулот етказиб берувчи банкига ўтказадиган бўлса, у холда тўловни амалга ошириш учун аккредитивла кўзда тутилган барча шартлар бажарилшидан ташкари, маҳсулот етказиб берувчи банкида «Аkkредитивлар» деган алоҳида баланс хисобварағи очилади.

Маҳсулот етказиб берувчи банкига электрон аккредитив келиб тушганида ҳар бир маҳсулот етказиб берувчига «Аkkредитивлар» деган хисобварақ бўйича алоҳида шахсий хисобварақ очилади.

Ижро учун қабул қилинган аккредитив маҳсус шаклдаги дафтарда рўйхатта олинади. Аkkредитив келиб тушгани тўғрисидаги хабар маҳсулот етказиб берувчига уни банк олган куни ёки кейинги иш кунида топширилиб, бу ҳақда аккредитив бўйича шахсий хисобварақка имзо чектирилиши керак.

Агар аккредитив шартларида кўзда тутилган бўлса, маҳсулот етказиб берувчи аккредитивдан фойдаланишидан муддатидан олдин воз кечиши мумкин.

Аkkредитивни бевосита маҳсулот етказиб берувчи га хизмат кўрсатадиган банк ижро этади, яъни унинг пулини тўлайди.

Аkkредитив бўйича пулларни олиш учун маҳсулот етказиб берувчи товарларни юклаб жўнатганидан кейин хизмат кўрсатувчи банкка тўловномалар рўйхатини (реестрини) юк жўнатиш хужжатларини ҳамда аккредитив шартларида кўзда тутилган бошқа хужжатларни тақдим этади. Аkkредитив бўйича тўловларни тасдиқловчи хужжатлар маҳсулот етказиб берувчи томонидан банкка аккредитив муддати тугамасидан аввал тақдим этилиши ва улар аккредитивнинг барча шартлари бажарилганини тасдиқлаши керак. Мабодо ана шу шартларнинг бироргаси бажарилмаса ҳам аккредитив бўйича пул тўланмайди.

Маҳсулот етказиб берувчига хизмат кўрсатадиган банк (ижрочи банк) аккредитив бўйича пул тўлаш жараёнида маҳсулот етказиб берувчи аккредитивнинг барча шартларига риоя қилганини, шунингдек тўловномалар рўйхати тўғри расмийлаштирилганини, ундаги маҳсулот етказиб берувчи имзолари ва муҳри олдиндан тақдим этилган намуналарга мос келишини текшириши шарт.

Агар аккредитив шартларида харидор вакили акцептлаши кўзда тутилган бўлса, у холда акцептлаш тўғрисидаги ёзув борлиги ҳамда вакил имзоси у тақдим этган намуна га мос келиши текшириллади.

Юк жўнатиш саналари, товар-транспорт ҳужжатларининг рақамлари, товарлар алоқа корхоналари орқали юбориладиган ҳолларда почта квитанцияларининг рақамлари, қабул қилиш-толшириш ҳужжатларининг рақамлари ёки саналари ҳамда харидор вакили жойнинг ўзида маҳсулот етказиб берувчи ҳузурида товарларни қабул қилиб олаётганда юкни ортиб жўнатилган транспорт тури кўрсатилмаган тўловномалар рўйхатлари пулини тўлаш учун қабул қилинмайди.

Маҳсулот етказиб берувчи тўловномалар рўйхатини банкка уч нусхада топширади. Уларнинг биринчи нусхаси мемориал ордер бўлиб хизмат қиласи, учинчси тўловномалар рўйхати қабул қилингани тўғрисидаги тилхат сифатида маҳсулот етказиб берувчига кайтарилади, иккинчиси эса банк белгиси қўйилшиб ва товар-транспорт ҳужжатларини илова қилиб, тўловчига топшириш ҳамда айни вақтда «Пули тўланадиган аккредитивлар» деган хисобваракда акс эттириш учун эмитент банкка юборилади. Аккредитив хисобидан накл пул берилишига йўл қўйилмайди.

Банклар бирон бир ҳужжат йўлда йўколиши ёки кечикниши оқибатлари учун жавобгар бўлмайди.

Агар аккредитив шартларида харидор вакили акцептлаши кўзда тутилган бўлса, мазкур шахслар ижрочи банкка қуидаги ҳужжатларни тақдим этиши зарур:

- паспорт ёки унинг ўринини босувчи бошқа ҳужжат;

- агар банкда ҳали йўқ бўлса, ўз имзосининг намунаси (банкда имзолар намуналари карточкасида кўрсатилади);
- аккредитив очган ташкилот берган хизмат сафари гувоҳномаси ёки ишончнома.

Тўловномалар рўйхатларида ёки аккредитив хисобидан пул тўлаш учун акцептланган товар-транспорт хужжатларида харидор вакили кўйидагиларни ёзади:

19 \_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги аккредитив хисобидан \_\_\_\_\_ вакили \_\_\_\_\_  
(харидор ташкилотноми)

томонидан акцептланди.

Имзо \_\_\_\_\_

19 \_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

Фойдаланилмаган сумма электрон почта орқали қайтарилади.

Маҳсулот етказиб берувчи банкида аккредитив кўйидагича ёпилади:

- аккредитив муддати тугаганда. Аккредитив ёпилаёттани тўғрисида ижрочи баён эмитент банкка хабар беради;
- маҳсулот етказиб берувчининг аккредитив муддати тугамай туриб бундан буён мазкур аккредитивдан фойдаланишдан бош тортиши тўғрисидаги аризасига мувофиқ. Ижрочи банк эмитент банкка билдирувнома юборади. Фойдаланилмаган сумма тўловчининг топшириғига кўра унинг маблағлар депонентланган банкдаги хисобварагига ўтказилади;
- харидор аккредитивни тўлик ёки қисман қайтариб олиш тўғрисида берган аризага мувофиқ;
- аккредитив эмитент банкдан хабар олингандан куни ёпилади ёки камайтирилади. Лекин бу камайтириши суммаси «Аккредитивлар» деган хисобваракдаги колдик суммасидан ошмаслиги лозим. Аккредитивнинг ёпилиши тўғрисида эмитент банкка билдирувнома юборилади.

Маҳсулот етказиб берувчига билдирилган барча даъволарни томонлар банкнинг иштирокисиз кўриб чиқалилар (банк айби билан юзага келган даъволар бундан мустасно).

Корхоналарда пул маблағлари аккредитивга киритилиши «Банклардаги маҳсус ҳисобвараклар» деган 55-ҳисобварак дебетида ҳамда «Ҳисоб-китоб вараги» деган 51, «Валюта ҳисобвараги» деган 52, «Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари» деган 90-ҳисобвараклар ва шунга ўхшаш бошқа ҳисобваракларнинг кредит қисмидаги акс эттирилади.

«Банклардаги маҳсус ҳисобвараклар» деган 55-ҳисобварак бўйича ҳисобга олинган аккредитивдаги маблағлар улардан фойдаланилишига қараб (банк берган кўчирмаларга мувофиқ), одатда, «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пурратчилик билан ҳисоб-китоблар» деган 60-ҳисобварак дебетига ўтказиб борилади. Аккредитивлардаги фойдаланилмаган маблағларни банк улар олинган ҳисобваракда тиклаганидан кейин бу суммалар «Банклардаги маҳсус ҳисобвараклар» деган 55-ҳисобварак кредитида «Ҳисоб-китоб вараги» деган 51-ҳисобварак ёки «Валюта ҳисобвараги» деган 52-ҳисобварак билан корреспонденцияда акс эттирилади.

«Аккредитивлар» деган 55-1 илова ҳисобваракка доир таҳлилий ҳисоб корхона очган ҳар бир аккредитив бўйича юритилади.

«Чек дафтарчалари» деган 55-2 илова ҳисобваракда чек дафтарчаларида турган маблағлар ҳаракати ҳисобга олинади.

Чеклар билан ҳисоб-китоб килиш тартиби Марказий банк чиқарган қоидаларда белгилаб қўйилган.

Ҳисоб-китоб чеки — ҳисобварак эгаси (чек берувчи)нинг ҳисобварагидан муайян суммани олувчи (чек ушловчи)нинг ҳисобварагига ўтказиш тўғрисида банкнинг маҳсус бланкида тузилиб, банкка ёзма равишда берилган топширикдир.

Ҳисоб-китоб чеклари ушбу бобда кўзда тутилган холларда ва тартибда, фақат хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек хўжалик юритувчи субъектлар билан жис-

моний шахслар ўртасида нақд пулсиз хисоб-китоб килиши да кўлланилади.

Хисоб-китоб чеклари (кейинги ўринларда — «чеклар») куйидаги турларга бўлиниади:

- банк акцентламаган чеклар;
- банк акцентлаган чеклар;
- эгасининг номи ёзилган (хисоб-китоб) чеклари — бир марталик;
- лимитланган дафтарчалар чеклари.

Чек бланклари Марказий банк билан келишиб белгиланган андозада, тижорат бланкларининг буюртмалари бўйича тайёрланади. «Расчётний чек» ва «Хисоб-китоб чеки лимитланган дафтарчадан» сўзлари ёзилган бу бланклар (эгасининг номи ёзиладиган чеклар бундан мустасно) белгиланган намунадаги муковалар орасида жузланади, дафтарча ҳолига келтирилади.

Чек дафтарчаларининг бланклари қатъий хисобда турадиган ҳужжатлар хисобланади.

Тепасига «Ўзбекистон Республикаси» деб ёзилган лимитланган чек дафтарчалари 5, 10 ва 25 сахифадан иборат килиб жузланади.

Беш варакли ва ўн варакли лимитланган чек дафтарчаларининг амал қилиш муддати — уч ой, йигирма беш варакли дафтарчалар учун — олти ой.

Шу муддат тугаганидан кейин ёзиб берилган чеклар ҳакикий эмас деб хисобланади ҳамда маҳсулот етказиб берувчи корхоналар, шунингдек транспорт ва алоқа кассалари томонидан қабул қилинмайди.

Ҳўжалик субъекти чек дафтарчаларини у амал қиласидиган муддат давомида чеклари тўловлар учун тўлиқ ишлатиб бўлиниадиган килиб олиши лозим.

Лимитланган чек дафтарчаларидан берилган чеклар уларни хизмат кўрсатувчи банкка такдим этиш учун ўн кун мобайнида амал қиласиди. Бунда улар ёзиб берилган кун хисобга кирмайди.

Чеклар тўлов суммаси белгиланган вактда ёзиб берилади. Чек дафтарчаларининг эгалари уларни маҳсу-

лот етказиб берувчилар (чек бўйича пул олувчилар)га бериши, шунингдек тўлдирилмаган чек бланкларига имзо чекиб кўйинши тақиқланади.

Чекларни хисоб-китоб ва жорий хисобвараклари бўйича фармойишларга имзо кўйинши хукуки бор шахсларгина имзолаши ҳамда уларга дафтарча эгасининг мухри изи босилиши керак. Факат чекларни харидорнинг мансабдор шахси ишончнома асосида имзолайдиган ҳолатларда лимитланган дафтарчалардан олинган чеклар учун истиснога руҳсат берилади.

«Ўзбекистон темир йўллари», «Ўзбекистон ҳаво йўллари», алоқа корхоналарининг хизматлари учун ҳамда божхона русум-қоидалари бўйича хисоб-китоб килиш мақсадида лимитланган дафтарчадан чек ёзиб бериш вактида чек берувчи лимит қолдигини аввалги чек милки (корешоги)дан ёзиб берилган чек милкига кўчиради ва лимитнинг янги қолдигини чиқаради. Бу қолдик чекни имзоловчи шахслар томонидан тасдиқланади.

Чеклардан ўтгўри фойдаланилгани, чек дафтарчasi бошқа шахсга берилиши, чек дафтарчasi ёки алоҳида чеклар йўкотиб кўйилиши ёхуд ўғирлатилиши оқибатида, шунингдек чекларни имзолаш ваколати берилган шахслар ўз ваколатларини сунистемол килишлари натижасида кўрилган зарар учун чек дафтарчasi олган корхонанинг ўзи жавобгар хисобланади.

Корхонадан лимитланган чек дафтарчasi йўколгани ҳамда фойдаланилмаган чеклар рақамлари тўғрисида ариза тушганда корхонанинг мазкур дафтарча чеклари бўйича пул тўланадиган хисобини юритувчи ходим рўйхатта олиш карточкасига дафтарча йўқолганини ҳамда пули тўланмаслиги керак бўлган чеклар рақамларини ёзиб кўяди. Фойдаланилмаган лимит миқдоридаги маблағлар корхонага унинг тошириғи асосида кайтарилади.

Лимитланган чек дафтарчасининг эгаси ўзи ваколат берган шахслар дафтарча чекларидан тўғри фойдаланаётганини ҳамда пули тўланган чеклар уларни ёзишига асос бўлган маҳсулот етказиб берувчиларнинг товар-

транспорт хужжатларига мос келишини мунгазам равишда текшириб туриши шарт. Шундай текширув ўтказилгани тўғрисида чек берувчи ташкилот ёзган чек милкининг орқасига тегишли сўзлар ёзилиб, шу ташкилот бош бухгалтери ёки унинг ўринбосари имзо кўйинши лозим.

Дафтарча эгаси лимитланган дафтарчалардан берилган чеклар милкидаги суммаларни банк муассасаси берган шахсий хисобварак кўчирмалари билан ҳам солиштириб бориши шарт.

Дафтарчадан чеклар берилаётганда маблағлар депонентга қўйилиши «Банклардаги маҳсус хисобвараклар» деган 55-хисобварак дебетида ҳамда «Хисоб-китоб вараги» деган 51, «Валюта хисобвараги» деган 52, «Банкларнинг кисқа муддатли кредитлари» деган 90-хисобварак ва шунга ўхшаш бошқа хисобваракларнинг кредит қисмида акс этирилади. Банкдан олинган чек дафтарчалари бўйича суммалар корхона берган чеклар пули тўланишига қараб, яни банк ўзига тақдим этилган чеклар пулини тўлаган (банк берган кўчирмаларга мувофиқ) суммаларда «Банклардаги маҳсус хисобвараклар» деган 55-хисобварак кредитидан хисоб-китоблар хисоби юритиладиган хисобвараклар («Турли дебитор ва кредиторлар билан хисоб-китоблар» деган 76-хисобварак ва бошқалар) дебетига ўтказиб турилади. Берилган, лекин банк пулини тўламаган (пулини тўлаш учун тақдим этилмаган) чеклар бўйича суммалар «Банклардаги маҳсус хисобвараклар» деган 55-хисобваракда қолади; «Чек дафтарчалари» деган 55-2 иловга хисобварак бўйича сальдо банк берган кўчирмадаги сальдога мос келиши лозим. Банкка қайтарилган (фойдаланилмаган) чеклар бўйича суммалар «Банклардаги маҳсус хисобвараклар» деган 55-хисобваракнинг кредит қисмида «Хисоб-китоб хисобвараги» деган 51-хисобварак ёки «Валюта хисобвараги» деган 52-хисобварак билан корреспонденцияда акс этирилади.

Корхона ходимларига кредитор корхоналар билан хисоб-китоб қилиш учун хисобот тошириш шарти билан берилган чек дафтарчаларида маблағлар харакати оператив назорат килинади.

«Чек дафтарчалари» деган 55-2 илова хисобварак юзасидан таҳлилий ҳисоб олинган ҳар бир чек дафтарчалиси бўйича юритилади.

«Банклардаги маҳсус ҳисобвараклар» деган 55-хисобваракда очиладиган алоҳида илова хисобваракларда аниқ мақсадлар учун молиялашга ажратилиб, банкда алоҳида сакланадиган маблағлар (тушумлар) харакати ҳисобга олиб борилади. Хусусан, ижтимоий муассасалар (болалар боғчалари, яслилар ва бошқалар)ни саклаш учун ота-оналар, бошқа фойдаланувчилар ва ўзга манбалардан келиб тушган маблағлар; капитал кўйилмаларни молиялашга мўлжалланган, корхона илтимосига кўра алоҳида ҳисобваракда жамланадиган ва ундан сарфланадиган маблағлар; ҳукумат органларининг субсидиялари ва ҳоказолар харакати.

Корхоналарнинг алоҳида баланс билан ажратилган ва жорий харажатлар килиши (иш ҳаки тўлаш, алоҳида ҳўжалик харажатлари, хизмат сафари харажатлари учун суммалар ва х.к.) учун маҳаллий банк муассасаларида жорий ҳисобвараклар очилган филиаллари, унга кирувчи таркибий бўлинмалар юкорида айтилган маблағлар харакатини «Банклардаги маҳсус ҳисобвараклар» деган 55-хисобваракнинг алоҳида илова ҳисобварагида акс эттирадилар.

Хорижий валютадаги пул маблағлари мавжудлиги ҳамда ҳаракати ҳисоби «Банклардаги маҳсус ҳисобвараклар» деган 55-хисобваракда алоҳида юритилади. Мазкур ҳисобваракда таҳлилий ҳисоб юритилиши мамлакат ҳудудида ва хорижда аккредитивлар, чек дафтарчалари ва шу кабилардаги пул маблағлари мавжудлиги ҳамда ҳаракати тўғрисида маълумот олиш имкониятини таъминлаши лозим.

## 77-8. Корхона кассасидаги пул ҳужжатларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби

Корхона кассасидаги пул ҳужжатларининг бухгалтерия ҳисоби «Пул ҳужжатлари» деган 56-хисобваракда юритилади. Мазкур ҳисобварак корхона кассасида тур-

ган пул хужжатлари (почта маркалари, давлат божи маркалари, вексель маркалари, шули тўланган авиачипталар, дам олиш уйлари ҳамда санаторийларга бориш учун пули тўланган йўлланмалар ва бошқалар) ва уларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Пул хужжатлари «Пул хужжатлари» деган 56-хисобваракда номинал қиймати бўйича ҳисобга олинади.

Пул хужжатларининг таҳлилий ҳисоби уларнинг турларига қараб юритилади. Акциядорлик жамиятлари «Пул хужжатлари» деган 56-хисобварак таркибида «Акциядорлардан сотиб олинган ўз акциялари» деган маҳсус илова ҳисобварақ очишлари мумкин. Унда акциядорлик жамияти кейинчалик қайта сотиш ёки бекор қилиш учун акциядорлардан сотиб олган ўз акциялари ҳисоби юритилади. Бошқа хўжалик ширкатлари мазкур илова ҳисобваракдан ширкатнинг ўзи бошқа иштирокчиларга ёки учинчи шахсларга бериш учун белгиланган тартибда сотиб олган иштирокчи улуши ҳисобини юритиш учун фойдаланади.

Акциядорлик жамияти (ширкат) акциядор (иштирокчи)дан унга тегишли акциялар (улуш)ни сотиб олаётганда бухгалтерия ҳисобида «Пул хужжатлари» деган 56-хисобварак дебетига ва пул маблағлари ҳисоби юритиладиган ҳисобваракларнинг кредитигига буни ёзib кўяди.

Акциядорлик жамияти сотиб олган ўз акцияларини бекор қилиши мазкур жамият қонунларда кўзда тутилган барча шартларни бажарганидан кейин «Пул хужжатлари» деган 56-хисобварак кредити ва «Устав фонди» деган 85-хисобварак дебети бўйича амалга оширилади.

«Банклардаги махсус хисобвараклар» деган 55, «Пул ҳужжатлари» деган 56, «Йүлшаги ўтказмалар» деган 57,  
«Киска муддатли молиявий қўйилмалар» деган 58-хисобвараклар кредитиги бўйича

## 3-ЖУРНАЛ-ОРДЕР

199 йил учун

Сатор №	Ёзилган сана	Хужжат №	Ой бошидаги қолдик	Дебет бўйича оборотлар		55-хисобварак кредитидан қўйилаги хисобвараклар дебетига					55-хисобварак кредити бўйича жами	Ой охиридаги сальдо
				корресп. хисобвараги №	сумма	№ 50 «Касса»	№ 51 «Хисобкитоб вараги»	№ 60 «Махсулот ётказиб берувчилар билан хисобкитоблар»	№			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
1												
2												
3												
4												
5												
6												
7												
8												
9												
10												
Жами												

3-журнал-ордернинг давоми

Сатр №	Ёзилган сана	Хужжат №	Ой бошидаги қолдик	Дебет бўйича оборотлар		56-ҳисобварақ кредитидан куйидаги ҳисобварақлар дебетига					56-ҳисобварақ кредити бўйича жами	Ой охиридаги сальдо
				корресп. ҳисобварағи №	сумма	№ 71 «Ҳисобот берадиган шахслар билан ҳисобкитоблар»	№ 75 «Муассислар билан ҳисобкитоблар»	№ 85 «Устав фонди»	№			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
1												
2												
3												
4												
5												
6												
- 7												
8												
9												
10												
Жами												

## 3-журнал-ордернинг давоми

7—К-6945

97

Сатр №	Ёзил-гай сана	Хуж-жат №	Ой боши-даги қол-диқ	Дебет бўйича оборотлар		57-ҳисобварақ кредитидан қўйидаги ҳисобварақлар дебетига					57-ҳисоб-варақ кредити бўйича жами	Ой охири-даги сальдо
				кор-респ. ҳисоб-вараги №	сумма	№ 48 «Бошқа активлар сотилиши»	№ 50 «Касса»	№ 51 «Ҳисоб-китоб вараги»	№ _____			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
1												
2												
3												
4												
5												
6												
7												
8												
9												
10												
Жами												

3-журнал-ордернинг давоми

Сатор №	Ёзил- ган сана	Хуж- жит №	Ой боши- даги қол- дик	Дебет бўйича оборотлар		58-ҳисобварақ кредитидан қуийдаги ҳисобварақлар дебетига					58-ҳисоб- варақ кредити бўйича жами	Ой охири- даги сальдо
				кор- респ. ҳисоб- варағи №	сумма	№ 51 «Ҳисоб- китоб варағи»	№ 52 «Валюта ҳисоб- варағи»	№ 26 «Давр харажит- лари»	№			
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	
1												
2												
3												
4												
5												
6												
7												
8												
9												
10												
Жами												

Тўлдирилган сана:

199\_\_ йил «\_\_»

Ижрочи \_\_\_\_\_  
(имзо)

Бошбухгалтер \_\_\_\_\_  
(имзо)

## **78-§. Йўлдаги ўтказмалар ҳисобини юритиш тартиби**

Йўлдаги ўтказма (жўнатма)ларнинг бухгалтерия ҳисоби «Йўлдаги ўтказмалар» деган 57-ҳисобваракда юритилади. Ушбу ҳисобварақ хорижий ва миллий валютада бўлган йўлдаги пул маблағлари (жўнатмалар), яъни корхонанинг ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварагига киритиш учун банк кассаларига, жамгарма кассаларга ёки почта бўлимларининг кассаларига топширилган, лекин ҳали ҳисобваракқа келиб тушмаган пуллар (асосан савдо тушуми) ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Суммаларни «Йўлдаги ўтказмалар» деган 57-ҳисобваракқа киритиш учун (масалан, тушум топширилганда) банк муассасалари, жамгарма касса, почта бўлимнинг қвитанциялари, банк инкассаторларига тушум тоширилгани тўғрисидаги илова қайдномаларининг нусхалари ва бошқалар асос бўлади.

Хорижий валютадаги пул маблағлари (ўтказмалар) ҳаракати «Йўлдаги ўтказмалар» деган 57-ҳисобваракда алоҳида ҳисобга олинади.

## **79-§. Корхонанинг қисқа муддатли молиявий қўйилмалари бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби**

Корхонанинг қисқа муддатли молиявий қўйилмалари бухгалтерия ҳисоби «Қисқа муддатли молиявий қўйилмалар» деган 58-ҳисобваракда юритилади. Бу ҳисобварак корхона томонидан бошқа корхоналарнинг қимматли қорозларига, давлатга тегишли ва маҳаллий заёmlар фоизли облигацияларига қисқа муддатга (кўни билан бир йилга) йўналтирган қўйилмалар (инвестициялар), шунингдек корхона бошқа корхоналарга берган қарзлар мавжудлиги ҳамда ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бунда фоизли облигация-

ларга ва шу каби кимматли қофозларга қўйилмалар, шунингдек бошқа корхоналарга берилган қарзлар хисоби «қиска муддатли молиявий қўйилмалар» деган 58-хисобваракда юритилади. Бунинг учун уларни кайтариш юзасидан белгиланган муддатлар бир йилдан ошмаслиги лозим Сўндириш (қайта сотиб олиш) муддати белгиланмаган бошқа кимматли қофозлар улар бўйича факат бир йил давомида даромад олиши мўлжаллаб сотиб олинган бўлса, бундай кимматли қофозларга қўйилмалар «қиска муддатли молиявий қўйилмалар» деган 58-хисобваракда хисобга олинади.

«Қиска муддатли молиявий қўйилмалар» деган 58-хисобварак таркибида куйидаги илова хисобвараклар очилиши мумкин:

- 58-1 «Облигациялар ва бошқа кимматли қофозлар»;
- 58-2 «Депозитлар»;
- 58-3 «Берилган қарзлар» ва бошқалар.

«Облигациялар ва бошқа кимматли қофозлар» деган 58-1-илова хисобваракда давлатта тегишли ва маҳаллий заёмлар фоизли облигациялари, шунингдек бошқа кимматли қофозларга қиска муддатли қўйилмалар (инвестициялар) мавжудлиги ва ҳаракати хисоби юритилади.

Облигациялар ва бошқа кимматли қофозлар «қиска муддатли молиявий қўйилмалар» деган 58-хисобваракда харид қиймати бўйича кирим қилинади.

Корхона сотиб олган облигациялар ва бошқа кимматли қофозлар «Қиска муддатли молиявий қўйилмалар» деган 58-хисобварак дебетида ҳамда «Хисоб-китоб вараги» деган 51, «Валюта хисобвараги» деган 52-хисобварак ёки моддий ва бошқа бойликлар хисоби юритиладиган бошқа хисобвараклар кредиттида (агар кимматли қофозлар эвазига моддий ва бошқа бойликлар (пул маблағларидан ташқари) сотувчи корхонага мулк қилиб ёхуд фойдаланиб туришга берилаётган бўлса) акс эттирилади.

Корхона жўнатган, лекин хисбот даврида корхонанинг тегишли хукукларини тасдиқловчи хужожатлари

олинмаган қиска муддатли молиявий кўйилмаларга донир маблағлар «қиска муддатли молиявий кўйилмалар» деган 58-хисобваракда алоҳида қайд этилади.

Агар корхона сотиб олган облигациялар ва шунга ўхшаш бошқа қимматли қоғозларнинг харид қиймати уларнинг номинал қийматидан фарқ килса, харид қиймати билан номинал қиймат орасидаги фарқ суммаси шу тариқа хисобдан чикарилиши (хисоблаб кўшилиши) керакки, бунда қимматли қоғозлар сўндириладиган (қайта сотиб олинадиган) пайтга келиб, уларнинг «Қиска муддатли молиявий кўйилмалар» деган 58-хисобваракда хисобга олинган баҳоси номинал қийматига мос келсин.

«Қиска муддатли молиявий кўйилмалар» деган 58-хисобваракда хисоби юритиладиган облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар сўндирилиши (қайта сотиб олинадиги) ҳамда сотилиши «Бошқа активлар сотилиши» деган 48-хисобварак дебетида ва «қиска муддатли молиявий кўйилмалар» деган 58-хисобварак кредитида акс эттирилади.

«Депозитлар» деган 58-2 илова хисобваракда корхона банкдаги ва бошқа омонатлар (жамғарма сертификатлари, банклардаги депозит хисобвараклари ва бошқалар)га милллий ҳамда хорижий валютада кўйган маблағлар харакати хисобга олинади.

Пул маблағлари омонатга ўtkазилишини корхона «Қиска муддатли молиявий кўйилмалар» деган 58-хисобваракнинг дебет қисмида «хисоб-китоб вараги» деган 51-хисобварак ёки «Валюта хисобвараги» деган 52-хисобварак билан корреспонденцияда акс эттиради. Банк омонат суммаларини қайтариб берганида корхоналар хисоб юритиш ишларида юқоридаги ёзувлар тескари тартибда киритилади.

«Берилган қарзлар» деган 58-3 илова хисобваракда корхона бошқа корхоналарга берган қиска муддатли пул ва бошқа қарзлар харакати хисоби юритилади.

Берилган қарзлар «қиска муддатли молиявий кўйилмалар» деган 58-хисобварак дебетида «Хисоб-китоб ва-

раги» деган 51-хисобварап ёки бошқа тегишли хисобвараплар билан корреспонденцияда қайд этилади. Қарз қайтарилиши «Хисоб-китоб вараги» деган 51-хисобварап дебетида ёки бошқа тегишли хисобварапларда ва «Қиска муддатли молиявий кўйилмалар» деган 58-хисобварапнинг кредит кисмида акс эттирилади.

«Қиска муддатли молиявий кўйилмалар» деган 58-хисобварап юзасидан таҳлилий хисоб қиска муддатли молиявий кўйилмаларнинг турлари ҳамда кўйилмалар йўналтирилган обьектлар (кимматли қофозларни сотган корхоналар, омонатлар ва бошқалар) бўйича юритилади. Бунда таҳлилий хисоб юритилиши тарзи мамлакатимиз худудида ва чет элларда жойлашган обьектларга қиска муддатли молиявий кўйилмалар тўғрисида маълумот олиш имкониятини таъминлаши керак.

### **80-§. Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китобларнинг бухгалтерия хисобини юритиш тартиби**

Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китобларнинг бухгалтерия хисоби «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар» деган 60-хисобварапда юритилади. Мазкур хисобварап маҳсулот етказиб берувчи ва пудратчилар билан қуидагилар учун қилинган хисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган:

- олинган товар-моддий бойликлар, бажарилганидан кейин қабул қилинган ишлар ва фойдаланилган хизматлар, жумладан етказиб берилган электр энергияси, газ, буғ, сув ва шу кабилар, шунингдек моддий бойликларни етказиб бериш ёки қайта ишлап хизматлари (бунинг учун хисоб-китоб ҳужжатлари акцептланган ва пули банк орқали тўланадиган бўлиши керак);
- режадаги тўловлар тартибида хисоб-китоб қилинадиган товар-моддий бойликлар, ишлар, хизматлар;

- хисоб-китоб ҳужжатлари маҳсулот етказиб берувчилардан ёки пудратчилардан келиб тушмаган товар-моддий бойликлар, ишлар, хизматлар (бошқача айтганды фактурасиз етказиб берилген товарлар, бажарылган ишлар, күрсатылган хизматлар);
- қабул қилиш вақтида ортиқчалыги аниқланған товар-моддий бойликлар;
- юк ташини юзасидан фойдаланилған хизматлар, жумладан тариф (фрахт) бүйіча ошириб ва камайтириб юборылышыга доир хисоб-китоблар, шунингдек барча турдаги алоқа хизматлари билан боғлық түловлар.

Пудратчи курилиш ва монтаж, илмий-тәдқиқот ташкилотлари ҳамда шунга үхшаш бошқа ташкилотлар ҳам бош пудратчи (бош ташкилот) бұлғанида улар ўз ёрдамчи пудратчи (ҳамижрочи)лари билан хисоб-китобларни «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар» деган 60-хисобварақда акс эттирадилар.

Сотиб олинған моддий бойликлар, қабул қилинған ишлар ёки фойдаланилған хизматлар учун хисоб-китоблар билан боғлық барча операциялар, тақдим этилған түловнома ҳақи қағон түланганидан қатын назар, «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар» деган 60-хисобварақда акс эттирилді.

«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар» деган 60-хисобварақ ҳақиқатда келиб тушған товар-моддий бойликлар, қабул қилинған ишлар, фойдаланилған хизматлар қиймати суммасыда шу бойликлар ёки тегишли харажатлар хисоби юритиладиган хисобварақлар билан корреспонденцияда кредитланади. Моддий бойликлар (товарлар)ни етказиб бериш, шунингдек материалларни четда қайта ишлаш билан боғлық хизматларға доир ёзувлар «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар» деган 60-хисобварақнинг кредит қисміда ишлаб чықарып захиралари, товарлар, муюмала чиқымлари ва шу кабилар хисоби юритиладиган хисобварақлар билан корреспонденцияда киритилді.

Товар-моддий бойликлар баҳоси таҳлилий ҳисобда қайд этилишидан қатыназар, жамлама ҳисобда «Махсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» деган 60-ҳисобварақ маҳсулот етказиб берувчининг ҳисоб-китоб хужжатларига мувофиқ, акцепт суммалари доирасида кредитланади. Маҳсулот етказиб берувчининг тўловномаси юк келиб тушишидан олдин акцептланган ва пули тўланган бўлса-ю, келган товар-моддий бойликлар омборга қабул қилинаётганда улар камомади табиий камайиш меъёrlаридан ҳам ортиқ чиқса, шунингдек маҳсулот етказиб берувчи ёки пудратчининг тўловномаси текширилганда (тўловнома акцептланганидан кейин) шартномада келишилган нархларга мос келмаслиги, шунингдек арифметик хатолар борлиги аниқланган ҳолларда «Махсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» деган 60-ҳисобварақ «Даъволар бўйича ҳисоб-китоблар» деган 63-ҳисобварақ билан корреспонденцияда кредитланади.

Махсулот етказиб берувчиларнинг ҳисоб-китоб хужжатлари ҳали олинмасидан туриб товар-моддий бойликлар келиб тушганда қуидагилар текширилиши зарур: олинган товар-моддий бойликлар пули тўланган, лекин йўлда қелаётган ёки маҳсулот етказиб берувчи омборидан олиб кетилмаган бойликлар сифатида қайд этилмаганилиги; келиб тушган бойликлар қиймати дебиторлик қарзи сифатида қайд этилмагани.

Фактурасиз бойликлар келиб тушганда «Махсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» деган 60-ҳисобварақ шартномаларда кўзда тутилган қийматда кредитланади.

«Махсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» деган 60-ҳисобварақ тўловномалар бўйича тўланган суммалар (пул маблағлари ҳисоби юритиладиган ҳисобварақлар билан корреспонденцияда), шунингдек олдиндан берилган бўнаклар бўйича суришни суммалари миқдорида дебетланади («Берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар» деган 61-ҳисобварақ билан кор-

респонденцияда). Корхона берган векселлар билан таьминланган, маҳсулот етказиб берувчиларга ва пудратчиларга тўланиши керак бўлган қарзлар суммалари «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар» деган 60-хисобваракдан чиқариб юборилмайди, балки улар хисоби таҳлилий хисобда алохида юритилади.

«Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар» деган 60-хисобварак юзасидан таҳлилий хисоб тақдим этилган ҳар бир тўловнома бўйича, режалаштирилган тўловлар тартибидағи хисоб-китоблар юзасидан таҳлилий хисоб эса ҳар бир маҳсулот етказиб берувчи ва пудратчи бўйича юритилади. Бунда таҳлилий хисоб юритилиши маҳсулот етказиб берувчиларга доир куйидаги зарур маълумотлар олиниши имкониятини таьминлаши лозим:

- акцептланган ва хақ тўлаш муддати ҳали келмаган бошқа хисоб-китоб ҳужжатлари бўйича;
- пули муддатида тўланмаган маҳсулот хисоб-китоб ҳужжатлари бўйича;
- фактурасиз маҳсулот етказиб беришлар бўйича;
- берилган, лекин тўлов муддати ҳали келмаган векселлар бўйича;
- олинган тикорат кредити бўйича.

Корхона \_\_\_\_\_

«Махсулот етказиб берувчилар билан ҳисоб-китоблар»  
деган 60-хисобварақ кредити бүйича  
б-ЖУРНАЛ-ОРДЕР  
199 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ учун

Сатор №	Хисобварақ-фактура-нинг рўйхат №	Тўловнома (хисобварақ-фактура ёки тўлов талабномаси)	Махсулот етказиб берувчи	Кирим хужжати ёки далолатнома №	Моддий бойликларнинг ҳисоб нархларидаги қиймати	60-хисобварақ кредитидан 07, 08, 10, 12, 15, 19, 20, 23, 25, 26, 28, 29, 30, 31, 41, 45, 50, 51, 52, 62, 63, 78, 80, 84 ва бошқа ҳисобварақлар дебетига								
						№	№	№	№	№	№	№	№	№
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	

б-журнал-ордернинг давоми

Махсулот етказиб берувчида қолиб, етиб келмаган юк учун	Тўловномалар бўйича акцептлар суммаси ёки фактурасиз етказиб берилган товарлар учун суммалир	Ой бошида		Фактурасиз етказиб берилган товарлар пули тўлангани, ҳисобдан чиқарилгани ёки сторно қилингани тўғрисида бегли							
		тўлиқ ёки қисман етиб келмаган юк учун	пули тўланмаган тўловномалар ва фактурасиз етказиб берилган товарлар учун	оий учун			оий учун				
				санча	ҳисоб-китоб варагидан	бошқа ҳисобварақлардан	санча	ҳисоб-китоб варагидан	бошқа ҳисобварақлардан		
30	31	32	34	35	36	37	38	39	40	41	42

## б-журнал-ордернинг давоми

1018

Сатр №	Кўрсаткичлар номлари Б	Суммалар		
		1	2	3
1	Ой бошидаги кредит сальдоси: (пули тўланимаган тўловномалар ва фактурасиз етказиб берилган товарлар бўйича қарз)			
2	Ҳисобот ойида кредит бўйича оборотлар: (журнал-ордерга мувофиқ акцентланмаган тўловномалар ва фактурасиз етказиб берилган товарлар суммалари)			
3	Ҳисобот ойида тўланган, ҳисобдан чиқарилган ва суринилган, аввалги ой учун журнал-ордерда акс этган суммалар			
4	Ҳисобот ойида тўланган, ҳисобдан чиқарилган ва суринилган, унбу журнал-ордерда акс этган суммалар			
5	Дебет бўйича жами (3 ва 4-сатрлар бўйича)			
6	Ой бошидаги дебет сальдоси			
7	Ой охирида б6-ҳисобварзқ бўйича умумий сальдо: кредит бўйича			
8	дебет бўйича  6-журнал-ордердаги хусусий маълумотларга кўра, ой охиридаги кредит сальдоси: (акцентланган ёки экспортзик учун тақдим этилган тўловномалар бўйича)			
9	Журнал-ордер бўйича аввалги ой учун			
10	Журнал-ордер бўйича ҳисобот ойи учун			
11	Жами (9-10-сатрлар бўйича сумма)  Фактурасиз етказиб берилган товарлар бўйича:			
12	Журнал-ордер бўйича аввалги ой учун			
13	Журнал-ордер бўйича ҳисобот ойи учун			
14	Жами (12-13-сатрлар бўйича сумма)			

Журнал-ордер 199 йил «\_\_\_» да тўлдирилди.  
 Ижроини \_\_\_\_\_  
 Ф.И.О. (имзо) \_\_\_\_\_  
 Бони бухгалтер \_\_\_\_\_  
 Ф.И.О. (имзо) \_\_\_\_\_

## **81-§. Моддий ресурслар учун маҳсулот етказиб берувчиларга тўланган бўнаклар бўйича бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби**

Моддий ресурслар учун маҳсулот етказиб берувчиларга тўланган бўнаклар бўйича бухгалтерия ҳисоби «Берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар» деган 61-ҳисобваракда юритилади. Ушбу ҳисобварак моддий бойликлар етказиб берилиши ёхуд ишлар бажарилиши учун тўланган бўнаклар, шунингдек буюртмачи пардан қисман тайёр маҳсулот ва ишлар қабул қилинганда улар ҳакини тўлаш учун ўтказилган маблағларга доир маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Берилган бўнаклар, шунингдек қисман тайёр маҳсулот ва ишлар учун тўланган маблағлар суммалари «Берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар» деган 61-ҳисобваракда пул маблағлари ҳисоби юритиладиган ҳисобвараклар билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Туталланган ишлар ҳакини тўлаш чоғида маҳсулот етказиб берувчи ҳисобга олган, берилган бўнаклар ҳамда қисман тайёр ишлар учун тўланган маблағ суммалари «Берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар» деган 61-ҳисобварак кредитида «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» деган 60-ҳисобварак билан корреспонденцияда қайд этилади.

«Берилган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар» деган 61-ҳисобварак юзасидан таҳлилий ҳисоб ҳар бир дебитор бўйича юритилади.

## **82-§. Харидорлар ва буюртмачилар билан қилинган ҳисоб-китоблар бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби**

Харидорлар ва буюртмачилар билан қилинган ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби «Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» деган 62-ҳисобваракда юритилади. Мазкур ҳисобварак харидорлар ва бу-

юртмачилар билан қилинган ҳисоб-китоблар түғрисидағи маълумотларни умумлаштириш учун мұлжалланган.

«Харидорлар ва буюргачилар билан ҳисоб-китоблар» деган 62-хисобварақ таркибида күйидаги илова ҳисобвараплар очилиши мүмкін:

- 62-1 «Инкассо тартибидаги ҳисоб-китоблар»;
- 62-2 «Олинган векселлар» ва бошқалар.

«Инкассо тартибидаги ҳисоб-китоблар» деган 62-1-илова ҳисобварағида юклаб жүнатылған махсулот (товарлар), бажарылған ишлар ва күрсатылған хизматтар юзасидан ҳисоб-китоб қилиш учун тузилған, харидорлар ва буюргачиларга тақдим этилған ҳамда банк пул тұлашиға қабул қылған ҳужжатлар бүйічә ҳисоб-китоблар қайд этилади.

«Олинган векселлар» деган 62-2-илова ҳисобварағида харидорлар ва буюргачилар билан ҳисоб-китоблар бүйічә юзага келған, олинган векселлар билан таъминланған қарзлар ҳисоби юритилади.

Вексель — бир томон (вексель берувчи) иккінчи томонға (вексель ушловчига) пулға оид қарз мажбурияты борлығи түғрисида белгиланған шаклда ҳеч қандай шарт күйилмасдан ёзма равишда тузилған ва герб йиғими тұланған ҳужжат.

Векселлар оддий ва ўтказма шаклда бўлиши мүмкін.

Оддий вексель ёзма ҳужжат бўлиб, унда вексель берувчи (қарздор) вексель ушловчига ёки унинг буйруғи асосида муайян пул суммасини муайян муддатда ва муайян жойда ҳеч қандай шартсиз тұлаш түғрисида оддий мажбурнят олгани қайд этилади.

Оддий векселда қўйидаги маълумотлар бўлиши мозим:

- матининг ўзига киритилған ҳамда ҳужжат ёзилған тиlda ифодаланған «Вексель» деган ном;
- муайян суммани тұлаш түғрисидаги оддий ва ҳеч қандай шарт күйилмаган ваъда;
- тұлов муддати;

- маблағ тұланиши керак бўлган жой;
- кимга ёки кимнинг буйруғига кўра пул тұланиши кераклиги;
- вексель тузилган сана ва жой;
- хужжат (вексель) берувчининг имзоси.

Ўтказма вексель (тратта) ёзма хужжат бўлиб, унда вексель берувчи пул тўловчига муайян пул суммасини муайян муддатда ва муайян жойда олувчига ёки унинг буйруғига кўра тўлаш тўғрисида берган, ҳеч қандай шарт кўйилмаган буйрук кайд этилади.

Ўтказма векселда қуидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- матнинг ўзига киритилган ҳамда хужжат ёзилган тилда ифодаланган «Вексель» деган ном;
- муайян суммани тўлаш тўғрисидаги оддий ва ҳеч қандай шарт кўйилмаган таклиф;
- пул тўлаши керак бўлган шахс (тўловчи) номи;
- тўлов муддати;
- тўлов тұланиши керак бўлган жой;
- кимга ёки кимнинг буйруғига кўра пул тұланиши кераклиги;
- вексель тузилган сана ва жой;
- хужжат (вексель) берувчининг имзоси.

Мохиятига кўра карз тилхати вазифасини бажарувчи оддий векселдан ўтказма векселнинг асосий фарки шундан иборатки, у бойликларни бир шахс ихтиёридан бошқа шахс тасаррүфига ўтказиш, кўчириш учун мўлжалланган.

Банк векселлари эгасининг номи ёзиладиган хужжат хисобланади. Акцепт ва аваль (вексель кафиллиги) тўғрисидаги қоидалар бундай векселларга тааллуқли эмас.

Банклар вексель чиқариш шартларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида рўйхатдан ўтказишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси резиденти хисобланувчи ҳар қандай юридик шахс вексель олувчи (вексель ушловчи) бўлиши мумкин.

Юридик шахслар вексель пулинин накд пулсиз хисоб-китоб қилиш йўли билан тўлайдилар.

Вексель белгиланган шаклдаги бланкда ёзилади ва товарлар ҳамда кўрсатилган хизматлар учун тўлов воситаси сифатида ишлатилиши мумкин.

Вексель ҳар қандай суммага ёзилиши мумкин.

Вексель пулинин тўлаш муддатлари куйидагича белгиланиши мумкин:

- тақдим этилганда;
- тақдим этилганидан кейин муайян вақтда;
- тузилганидан кейин муайян вақтда;
- муайян кунда.

Муддати бошқача белгиланган ёки бошқача изчил тўлов муддатлари кўрсатилган векселлар ҳақиқий эмас деб хисобланади.

«Тақдим этилганда» муддати кўрсатилган векселлар пули улар тақдим этилган пайтда тўланади.

Тузилган ёки кўрсатилган вақтидан бошлаб бир ёки бир неча ойлик муддатга берилган векселлар бўйича тўлов муддати шу пул тўланиши керак бўлган ойнинг тегишлни кунида келади. Агар бу ойда тегишлни кун бўлмаса, тўлов муддати шу ойнинг охирги кунида келади.

Агар вексель тузилган ёки тақдим этилган вақтидан бошлаб бир ярим ой ёхуд тўлиқсиз бир неча ой муддатга берилган бўлса, у ҳолда дастлаб тўлиқ ойлар хисобланади.

Банкларнинг векселлари сийлов (дисконг) билан сотилиши ёки вексель суммасига фоизлар қўшилиши мумкин.

Фоиз ставкаларининг ҳажмларини банк Бошқаруви қарз берувчи (вексель сотиб олевчи) маблағлари ҳажмига ва улар жойлаштирилиши муддатига қараб белгилайди.

Фоизлар вексель тузилган кундан бошлаб у сўндирилган кунгача қўшиб борилади.

Фоиз ставкаси фақат янги чиқарилаётган векселлар учун қайта кўриб чиқилиши мумкин. Илгари чиқарилган векселлар бўйича фоиз ставкаси вексель амал қиласидиган бутун муддат мобайнида ўзгармай туради.

Вексель ушловчи векселни муддатидан олдин сўндириши хукукига эга.

Вексель биринчи сотиб олувчи (вексель ушловчи) иомига тузилади ва вексель бланкининг орка томонига ёзиладиган ўтказма қайди (индоссамент) орқали бошқа шахсга берилиши мумкин.

Вексель ушловчининг топшириғига мувофиқ банк векселни у сўндириладиган вақтгача жавобгарлик остида саклаш учун қабул қилиши мумкин.

Агар вексель йўқолса, у қайта тикланмайди. Векселини йўқотган вексель ушловчи бу векселни чиқарган эмитент банкка уни йўқотгани тўғрисида ариза беради. Ариза қабул қилиниши учун у даъво билдириши мумкин бўлган умумий муддатдан кечикмай топширилиши шарт. Йўқолган вексель пули банк Бошқаруви тузган маҳсус комиссия аризани кўриб чиққанидан кейин тўланади. Бунда вексель йўқотилгани учун микдори комиссия томонидан белгиланадиган жарима ушлаб қолиниши мумкин.

Вексель сотиб олиш учун харидор бу ҳакда шартнома тузиши ҳамда банк ҳисобварағига пул ўтказиши зарур. Бунда тўлов топшириқномасининг «тўлов мақсади» деган қисмида сотиб олиниадиган векселлар сони, вексель суммалари ва муддатлари (кун ҳисобида) кўрсатилиши зарур.

Харидорнинг биринчи талабига кўраёқ векселлар белгиланган шаклдаги ишончнома асосида берилади.

Векселлар сотиб олинган жойида сўндирилади.

Вексель пул тўлаш учун тақдим этилганида вексель суммасини ўтказиш ва унинг фоизларини қўшиш учун тўлов реквизитлари кўрсатилган ариза берилади. Ариза икки нусхада топширилади. Агар вексель жавобгарлик остида саклаш учун топширилган бўлса, у холда вексель сакланига қабул қилингани тўғрисида ёзилган ва тегипли белги кўйилган ариза нусхаси тақдим этилади.

Векселлар билан шуғулланувчи бўлим векселлар билан операциялар ҳисоби юритиладиган журнал (дафтар) га вексель амалда тақдим этилгани ёки сўндирилгани

тўғрисидаги тегишли маълумотларни ёзиб қўяди. Вексель сўндириладиган бўлса, унинг ўзига маҳсус штамп босиш йўли билан унинг сўндирилгани белгиланади.

Аризанинг банк тегишли белги қўйган бир нусхаси мижозга берилади.

Сўндирилган векселлар шу куннинг ўзидаёқ ваколатли шахс имзолаган рўйхат асосида касса операциялари бўлимига саклаш учун берилади. Бунда «Банк муассасаларида йўқ килиш учун олингган облигация ва акцияларнинг бланклари» деган балансдан ташкари ҳисобварақ бўйича балансдан ташкари кирим ордери тузилади.

Агар тўлов муддати келганда пул тўланмаган бўлса, вексель ушловчи вексель берувчига ёки индоссантларга даъво билдириши мумкин.

Шунингдек у агар тўловчи ўз тўлов қобилиятини йўқотса, тўловлар ўтказишни тўхтатиб қўйса, ҳатто бу ҳолат суд томонидан қайд этилмаган бўлса ҳам, тўлов муддати тугамай туриб даъво билдириши мумкин.

Тўловдан бош тортилгани оммавий тартибда тузилган далолатнома билан тасдиқланиши лозим (тўловга киритилмаганинига қарши даъво).

Тўлов муддати тақдим этилганда, тақдим этилганидан кейин муайян вактда, тузилганидан кейин муайян вактда ёки муайян кунда келадиган векселлар пули тўланмагани юзасидан даъво вексель пули тўланиши керак бўлган кундан кейинги икки иш кунидан бирида билдирилиши лозим.

Тўловчи тўловларни тўхтатиб қўйган ёки қарэни тўловчининг мол-мулки хисобидан ундириш жараёни натижажа бермаган ҳолларда вексель ушловчи векселни пул тўлаш учун тўловчига тақдим этганидан ва даъво билдирганидан кейингина ўз хукукларини амалга ошириши мумкин.

Вексель берувчи вексель бўйича пул тўлашга қодир эмас деб эълон қилинган тақдирда вексель ушловчи ўз хукукларини амалга ошириши учун суд тўловчининг тўловга лаёқатсизлигини эълон қилиш тўғрисида чиқарган ажримни тақдим этиши кифоя.

Вексель берганлар, шунингдек уни индоссаментлаганларнинг барчаси вексель ушловчи олдида биргаликда жавобгар хисобланадилар.

Вексель ушловчи ана шу шахсларнинг ҳаммасига, уларнинг ҳар бирiga алоҳида-алоҳида ва ҳаммаларига биргаликда дайво билдириши ҳуқуқига эга. Бунда у юқоридаги шахслар ўз зиммаларига мажбурият олишлари олдинма-кетинлигига риоя этишга мажбур эмас.

Вексель пулини тўлаб, унга имзо чеккан ҳар бир шахс ҳам худди шундай ҳуқукларга эга бўлади.

Мажбурият олганларнинг бирига билдирилган дайво, ҳатто бошқалари биринчи жавобгардан кейин мажбурият олган бўлсалар ҳам, уларга дайво билдирилишига тўскинлик қилмайди.

Вексель ушловчи ўзи дайво билдириган шахслардан қўйидагиларни талаб қилиши мумкин:

- векселнинг фоизлар билан тўланмаган суммаси, агар улар шартлашибилган бўлса;
- тўлов муддати келган кундан бошлаб, Марказий банкнинг хисоб ставкаси микдорида фоизлар;
- дайво билдириши чиқимлари, билдирувнома юбориши чиқимлари, шунингдек бошқа чиқимлар;
- тўлов муддати келган кундан бошлаб Марказий банкнинг хисоб ставкасининг ярмига тенг микдорда пеня.

Агар вексель тўлов муддати келмасидан аввал тақдим этилса, вексель суммасидан хисоб фоизи ушлаб қолинади. Бу хисоб фоизи расмий хисоб ставкаси (банк ставкаси)га мувофик хисобланади.

Вексель пулини тўлаган шахс ўзи олдида жавобгар бўлган шахслардан қўйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

- ўзи тўлаган бутун сумма;
- кўрсатилган суммага у пул тўлаган кунидан бошлаб, Марказий банкнинг хисоб ставкаси микдорида хисоблаб қўшилган фоизлар;
- қилган харажатлари суммаси.

Даъво билдирилган ёки билдирилиши мумкин бўлган ҳар бир жавобгар шахс у пул тўлаганидан кейин ўзига даъво килинган вексель ҳамда тўлов ўтгани тўғрисида тилхат берилиппини талаб килиши мумкин.

Вексель пулинни тўлаган ҳар бир индоссант ўзининг ва ўзидан кейинги индоссантларнинг индоссаментларини ўчириб ташлаши мумкин.

«Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар» деган 62-хисобварак «Махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобварак, «Асосий воситалар сотилиши ва бошқача реализацияси» деган 47-хисобварак ва «Бошқа активлар сотилиши» деган 48-хисобварак билан корреспонденцияда харидор (буюртмачи)ларга тақдим этилган хисоб-китоб хужжатлари суммасига дебетланади. «Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар» деган 62-хисобварак пул маблағлари, хисоб-китоблар хисоби юритиладиган хисобвараклар билан корреспонденцияда, келиб тушган тўловлар, олинган бўнаклар бўйича суришиш суммалари ва ш.к. ҳажмида кредитланади. Агар олинган ва харидор (буюртмачи) қарзини таъминлайдиган векселда фоиз қўшилиши кўзда тутилган бўлса, у холда мазкур карз тўланишига караб «Хисоб-китоб вараги» деган 51-хисобварак дебети ва «Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар» деган 62-хисобварак кредитига (карзни кайтариш учун ўтказилган суммага) ҳамда «Фойдалар ва заарлар» деган 80-хисобварак кредитига (фоизлар ҳажмида) тегиншли ёзувлар киритилади.

«Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар» деган 62-хисобварак юзасидан таҳлилий хисоб харидор (буюртмачи)ларга тақдим этилган ҳар бир тўловнома бўйича, режалаштирилган тўловларга доир хисоб-китоблар таҳлилий хисоби эса ҳар бир харидор ва буюртмачи бўйича юритилади. Бунда таҳлилий хисоб юритилиши харидор ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар бўйича қарздорлик тўғрисидаги маълумотлар олинишини таъминлаши лозим. Булар куйидагилар билан таъминланиши керак: пул маблағлари тушиш муддати ҳали келма-

ган векселлар; банкларда дисконтланган (хисобга олинган) векселлар; пул маблағлари муддатида келиб тушмаган векселлар.

### **83-§. Даъволар бўйича хисоб-китобларниң бухгалтерия ҳисоби**

Даъволар бўйича хисоб-китобларниң бухгалтерия ҳисоби «Даъволар бўйича хисоб-китоблар» деган 63-хисобваракда юритилади. Мазкур хисобварак маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар, транспорт хизматлари кўрсатувчи ва бошқа ташкилотларга билдирилган даъволар, шунингдек улардан талаб килинган ва эътироф этилган (ёки солинган) жарималар, пенялар ҳамда бурдизлил тўловлари (неустойкалар) юзасидан хисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

«Даъволар бўйича хисоб-китоблар» деган 63-хисобваракниң дебет кисмида, хусусан, қуйидагича даъволар юзасидан хисоб-китоблар қайд этилади:

- маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар ва транспорт ташкилотларига — уларниң тўловномалари текширилаётганда (тўловномалар акцептланганидан кейин) нархлар ва тарифлар шартномаларда шартланилганидан ёки нархномаларда кўзда тутилганидан фарқ килиши, шунингдек арифметик хатолар борлиги аниқланган ҳолатлар бўйича — «Даъволар бўйича хисоб-китоблар» деган 63-хисобварак билан корреспонденцияда ёки агар маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар такдим этган тўловномаларда нархлар ошириб кўрсатилгани ёхуд арифметик хатолар борлиги товар-моддий бойликлар ёки харажатлар хисоби юритиладиган хисобваракларга тегишли ёзувлар киритиб бўлинганидан (маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар фактуралаган нархлар ва ҳисоблаган рақамлар асосида) кейин аниқланган бўлса, ишлаб чиқариш захиралари, товарлар ва тегишли харажат-

лар хисоби юритиладиган хисобвараклар билан корреспонденцияда;

- корхона материалларини қайта ишловчи ташкилотларга ҳам, материал ва маҳсулот етказиб берувчиларга ҳам — етказиб берилган товарлар сифати андозаларга, техник шартларга, буюргмага мос эмаслиги аниқланган ҳолларда — «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» деган 60-хисобварак билан корреспонденцияда;
- маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар ва транспорт ташкилотларига — йўлдаги юк камомади табиий камайиш меъёrlаридан ортиб кетган ҳолларда — «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан ҳисоб-китоблар» деган 60-хисобварак билан корреспонденцияда;
- маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчиларнинг айби билан йўл кўйилган брак ва бекор туриб қолишлар учун — тўловчилар эътироф этган ёки ҳакамлар суди қарори билан белгиланган суммаларда — ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби юритиладиган хисобвараклар билан корреспонденцияда;
- банк муассасаларига — корхона тўловномалари асосида янглишиб ҳисобдан чиқарилган (ўтказилган) суммалар бўйича — пул маблағлари, банкларнинг кредитлари ҳисоби юритиладиган хисобвараклар билан корреспонденцияда;
- шартномавий мажбуриятларни бажармагани учун тўловчилар эътироф этган ёки ҳакамлар суди ҳукми билан тасдиқланган ҳажмларда маҳсулот етказиб берувчилар, пудратчилар, харидорлар, буюргачилар, транспорт билан боғлиқ ва бошқа хизматлардан фойдаланувчилардан ундирилувчи жарималар, пенялар, бурдсизлик тўловлари (неустойкалар) бўйича (билдирилган даъволар суммалари, агар уларни тўловчилар эътироф этмаган бўлса, ҳисобга олинмайди) — «Фойдалар ва заарлар» деган 80-хисобварак билан корреспонденцияда.

«Даъволар бўйича хисоб-китблар» деган 63-хисобварак келиб тушган тўловлар суммасига пул маблағлари хисоби юритиладиган хисобвараклар билан корреспонденцияда кредитланади. Ундирилиши мумкин эмаслиги кейинроқ аниқланган суммалар, одатда, «Даъволар бўйича хисоб-китблар» деган 63-хисобварак дебети бўйича хисобга олиш учун чиқарилган хисобваракларига қайтарилади.

«Даъволар бўйича хисоб-китблар» деган 63-хисобварак юзасидан таҳлилий хисоб хар бир дебитор ва алоҳида даъволар бўйича юритилади.

#### **84-§. Маҳсулот етказиб бериш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш учун буюртмачилардан олинган бўнаклар бўйича хисоб-китблар хисобини юритиш тартиби**

Буюртмачилардан олинган бўнаклар бўйича бухгалтерия хисоби «Олинган бўнаклар бўйича хисоб-китблар» деган 64-хисобваракда юритилади. Мазкур хисобварак моддий бойликлар етказиб бериш ёки ишлар бажариш бўйича хисоб-китбларга, шунингдек буюртмачиларга қисман тайёр маҳсулот ва ишлар ҳақини тўлашга доир маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Олинган бўнаклар, шунингдек қисман тайёр маҳсулот ва ишлар бўйича тўланган ҳақ суммалари «Олинган бўнаклар бўйича хисоб-китблар» деган 64-хисобваракнинг кредит қисмида пул маблағларини хисобга олиш хисобвараклари билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Қисман тайёр маҳсулот ва ишлар бўйича олинган, харидор (буюртмачи) тўлиқ тайёр қилиб етказиб берилган буюмлар, материаллар ва бажарилган ишлар учун тўловномалар тақдим этганда хисобга олинган тўлов ва бўнак маблағлари «Олинган бўнаклар бўйича хисоб-китблар» деган 64-хисобваракнинг дебет қисмида ва «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобваракнинг кредит қисмида ёки сотув хисоби юритилиши тартибига қараб,

«Харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китоблар» деган 62-хисобварак кредитиди акс эттирилади.

«Олинган бўнаклар бўйича ҳисоб-китоблар» деган 64-хисобварак юзасидан тахлилий ҳисоб ҳар бир кредит бўйича юритилади.

### **85-§. Корхоналарда мол-мулкни ва шахсни суғурта қилиш бўйича ҳисоб-китоблар ҳисоби**

Корхоналарда мол-мулкни ва шахсни суғурта қилиш бўйича ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби «Мулкий ва шахсий суғуртага доир ҳисоб-китоблар» деган 65-хисобваракда юритилади. Мазкур ҳисобварак корхона мол-мулки ва ходимларини суғурта қилиш бўйича ҳисоб-китоблар (ижтимоий суғурта ва ижтимоий тъминот, тиббий суғурта бўйича ҳисоб-китоблардан ташқари) тўғрисидаги маълумотларни умумлантириши учун мўлжалланган. Бунда корхона суғурталовчи бўладиган ҳолатлар кўзда тутилмоқда.

Суғурта тўловларининг ҳисобланган суммалари «Мулкий ва шахсий суғуртага доир ҳисоб-китоблар» деган 65-хисобваракнинг кредит қисмида ишлаб чиқариш харажатлари (муомала чикимлари) ёки суғурта тўловларининг бошқа манбалари ҳисоби юритиладиган ҳисобвараклар билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Суғурта тўловлари суммаларининг суғурга ташкилотларига ўтказилиши «Мулкий ва шахсий суғуртага доир ҳисоб-китоблар» деган 65-хисобваракнинг дебет қисмида пул маблағлари ҳисоби юритиладиган ҳисобвараклар билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Суғурта ҳолатлари бўйича йўқотишлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, бошқа моддий бойликлар ва шу кабиларнинг йўқ қилиниши ва бузилиши) ишлаб чиқариш захиралари, асосий воситалар ва бошқалар ҳисоби юритиладиган ҳисобвараклар кредитидан «Мулкий ва шахсий суғуртага доир ҳисоб-китоблар» деган 65-хисобваракнинг дебетига ўтказилади. 65-хисобварак де-

бетида корхона ходимини суғурталаш шартномаси бўйича тўланиши керак бўлган суғурта қопламасининг суммаси ҳам «Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 73-хисобварак билан корреспонденцияда акс эттирилади. Суғурта шартномаларига муовоник корхона суғурта ташкилотларидан олган суғурта қопламаларининг суммаси «Хисоб-китоб вараги» деган 51-хисобваракнинг ёки «Валюта хисобвараги» деган 52-хисобваракнинг дебет қисмида ва «Мулкий ва шахсий суғуртага доир хисоб-китоблар» деган 65-хисобваракнинг кредит қисмида қайд этиллади. Суғурта ҳолатлари натижасида юз берган, лекин суғурта қопламалари билан компенсацияланмайдиган йўқотишлар «Мулкий ва шахсий суғуртага доир хисоб-китоблар» деган 65-хисобваракнинг кредитидан «Давр харажатлари» деган 26-хисобварак дебетига хисобдан ўчирилади.

«Мулкий ва шахсий суғуртага доир хисоб-китоблар» деган 65-хисобварак юзасидан таҳлилий хисоб суғурта қилувчилар ҳамда алоҳида суғурта шартномалари бўйича юритилади.

#### **86-§. Бюджетдан ташқари турли фондларга тўловлар бўйича хисоб-китоблар хисобини юритиш тартиби**

Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича бухгалтерия хисоби «Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича хисоб-китоблар» деган 67-хисобваракда юритилади. Мазкур хисобварак корхона бюджетдан ташқари турли фондларга ўтказадиган тўловлар бўйича давлат органлари билан хисоб-китоблар (ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот, тиббий суғурта бўйича хисоб-китоблардан ташқари) тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун хизмат қиласи.

Бюджетдан ташқари фондларга тўловларни хисобланни ва ўтказиш тартиби республика қонунлари ва бошқа меъёрий хужжатлари орқали тартибга солинади.

«Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» деган 67-ҳисобварақ бюджетдан ташқари фондларга тўланиши керак бўлган суммалар ҳажмида, харажатлар ёки бошқа манбалар ҳисоби юритиладиган ҳисобварақлар билан корреспонденцияда кредитланади ва пул маблаглари ҳисоби юритиладиган ҳисобварақлардан бу фондларга амалда ўтказилган суммалар ҳажмида дебетланади.

«Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар» деган 67-ҳисобварақ юзасидан таҳлилий ҳисоб корхона пул тўлайдиган бюджетдан ташқари ҳар бир фонд бўйича юритилади.

### **87-§. Бюджетга тўловлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳисобини юритиш тартиби**

Бюджетга тўловлар бўйича бухгалтерия ҳисоби «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» деган 68-ҳисобварақда юритилади. Ушбу ҳисобварақ корхона ва шу корхонанинг ходимлари тўлайдиган соликлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Соликларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби қонунилар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» деган 68-ҳисобварақ таркибида куйидаги илова ҳисобварақлар очилиши мумкин:

- 68-1 «Даромад (фойда) солиги»;
- 68-2 «Жисмоний шахсларнинг даромадидан олинидиган солик»;
- 68-3 «Кўшилган қиймат солиги»;
- 68-4 «Ақциз солиги бўйича ҳисоб-китоблар»;
- 68-5 «Ер остидан фойдаланиш солиги бўйича ҳисоб-китоблар»;
- 68-6 «Экология солиги бўйича ҳисоб-китоблар»;
- 68-7 «Сув ресурсларидан фойдаланиш солиги бўйича ҳисоб-китоблар»;
- 68-8 «Мол-мулк солиги»;

- 68-9 «Ер солиғи»;
- 68-10 «Реклама солиғи» ва бошқалар.

Даромад солиғи бүйича бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳисоби «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» деган 68-хисобварақ таркибидаги «Даромад (фойда) солиғи» деган 68-1 сонли алохида илова ҳисобварақда юритилади. Белгиланган тартибда ҳисобланган солиқ «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» деган 68-хисобварақ, «Даромад (фойда) солиғи» деган 68-1 илова ҳисобварақда «Фойдани ишлатиш» деган 81-хисобварақ, «Ҳисобланган ва тўланган даромад (фойда) солиғи» деган илова ҳисобварақ билан корреспонденцияда акс эттирилади. Солиқ суммаси ўтказилиши «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» деган 68-хисобварақ, «Даромад (фойда) солиғи» деган 68-1 илова ҳисобварақ дебетида ва «Ҳисоб-китоб вараги» деган 51-хисобварақ кредитигида қайд этилади.

Акциз солиғи бүйича бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳисоби «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» деган 68-хисобварақ таркибидаги «Акциз солиғи бүйича ҳисоб-китоблар» деган 68-4-илова ҳисобварақда юритилади. Акциз солигининг ҳисобланган ва бюджеттга ўтказилиши керак бўлган суммаси «Махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобварақ дебетида ва «Акциз солиғи бўйича ҳисоб-китоблар» деган 68-4-илова ҳисобварақ кредитигида акс эттирилади. Бюджеттга ўтказилган акциз солиғи суммалари «Акциз солиғи бўйича ҳисоб-китоблар» деган 68-4-илова ҳисобварақ дебетида тегишли ҳисобварақлар билан корреспонденцияда қайд этилади. Акциз маркалари олинганда «Пул хужжатлари» деган 56-хисобварақ дебетига ва «Ҳисоб-китоб вараги» деган 51-хисобварақ кредитига бухгалтерия ёзувлари киритилади. Тамғаланган (маркировкали) маҳсулот жўнатилишига қараб бухгалтерия ёзувлари «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» деган 68-хисобварақ дебетида ва «Пул хужжатлари» деган 56-хисобварақ кредитига қайд этиб борилади.

Мол-мулк солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар бухгалтерия ҳисоби «Бюджет билан ҳисоб-китоб-

лар» деган 68-хисобварақ таркибидаги «Мол-мұлқ солиғи» деган 68-8 илова хисобварақда юритилади. Бу илова хисобварақнинг кредит қисмида хисобланған солиқ суммаси «Давр харажатлари» деган 26-хисобварақ билан корреспонденцияда қайд этилади. Амалда бюджеттегі үтказилған мол-мұлқ солиғи суммаси бухгалтерия хисобида «Бюджет билан хисоб-китоблар» деган 68-хисобварақ таркибидаги «Мол-мұлқ солиғи» деган 68-8 илова хисобварағи дебетида ва «Хисоб-китоб варғи» деган 51-хисобварақ кредиттида қайд этилади.

Юридик шахсларнинг экология солири бүйічча бюджет билан хисоб-китоблари бухгалтерия хисоби «Бюджет билан хисоб-китоблар» деган 68-хисобварақ таркибидаги «Экология солиғи бүйічча хисоб-китоблар» деган 68-6 сонли алоҳида илова хисобварақда юритилади. Хисобланған экология солиғи суммаси «Экология солиғи бүйічча хисоб-китоблар» деган 68-6-илова хисобварағи кредитида ва «Давр харажатлари» деган 26-хисобварақ таркибидаги тегишли илова хисобварақ дебетида акс эттириләди. Тұланған солиқ суммаси «Бюджет билан хисоб-китоблар» деган 68-хисобварақ таркибидаги «Экология солиғи бүйічча хисоб-китоблар» деган 68-6-илова хисобварағи дебетида ҳамда «Хисоб-китоб хисобварағи» деган 51-хисобварағи кредиттида акс эттириләди.

Юридик шахсларниң сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи бүйічча бюджет билан хисоб-китоблары хисоби «Іюлжет билан хисоб-китоблар» деган 68-хисобварақ таркибияғи «Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи бүйічча хисоб-китоблар» деган 68-7-сонли алоҳида илова хисобварақда юритилади. Хисобланған солиқ суммаси ҳар ойда «Давр харажатлари» деган 26-хисобварақ дебетида ва «Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи бүйічча хисоб-китоблар» деган 68-7-илова хисобварағининг кредит қисмида қайд этилади ҳамда бюджеттегі үтказилған солиқ суммалари «Сув ресурсларидан фойдаланиш солиғи бүйічча хисоб-китоблар» деган 68-7-илова хисобварағининг дебет

қисмида ва «Хисоб-китоб вараги» деган 51-хисобвааранинг кредит кисмида хисобга олинади.

«Бюджет билан хисоб-китоблар» деган 68-хисобварак юзасидан таҳлилий хисоб соликларнинг турлари бўйича юритилади.

### **88-§. Ижтимоий суғурта ва ижтимоий таъминот бўйича хисоб-китобларнинг бухгалтерия хисоби-ни юритиш тартиби**

Ижтимоий суғурта бўйича хисоб-китобларнинг бухгалтерия хисоби «Ижтимоий суғурта ва таъминотга доир хисоб-китоблар» деган 69-хисобваракда юритилади. Бу хисобварак корхона ходимларини давлат ижтимоий суғуртаси, пенсия таъминоти ва тиббий суғурта билан таъминлаш учун ажратмалар бўйича қилинадиган хисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштиришга мўлжалланган.

Ижтимоий суғурта ва таъминотга ажратмалар ўтказиши тартиби тегишли қонунлар ва бошқа меъёрий хужжатлар билан бошқарилади.

«Ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича хисоб-китоблар» деган 69-хисобварак таркибида куйидаги илова хисобвараклар очилиши мумкин:

- 69-1 «Ижтимоий суғурта бўйича хисоб-китоблар»;
- 69-2 «Пенсия таъминоти бўйича хисоб-китоблар»;
- 69-3 «Тиббий суғурта бўйича хисоб-китоблар».

«Ижтимоий суғурта бўйича хисоб-китоблар» деган 69-1-илова хисобваракда корхона ходимларининг давлат ижтимоий суғуртаси учун ажратмалар бўйича хисоб-китоблар хисоби юритилади.

«Пенсия таъминоти бўйича хисоб-китоблар» деган 69-2-илова хисобваракда корхона ходимларининг пенсия таъминоти учун ажратмалар бўйича хисоб-китоблар хисоби юритилади.

«Тиббий сұғурта бүйічә хисоб-китоблар» деган 69-З-илюва хисобваракда корхона ходимларининг тиббий сұғуртаси учун ажратмалар бүйічә хисоб-китоблар хисоби юритилади.

«Ижтимоий сұғурта ва таъминот бүйічә хисоб-китоблар» деган 69-хисобварак ходимлар ижтимоий сұғурталаниши ва таъминоти, шунингдек уларни тиббий сұғурталаш учун ажратмаларнинг тегишли фондларга ўтказилиши керак бўлган суммалари ҳажмида кредитгланади. Бунда ёзувлар куйидаги хисобвараклар билан корреспонденцияда киритилади:

- иш ҳақи хисоблаб ёзилиши акс этган хисобвараклар — корхона хисобидан кишинадиган ажратмалар қисмida;
- «Мехнатга ҳақ тўлаш бүйічә ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 70-хисобварак — корхона ходимлари хисобидан ажратиладиган маблаглар қисмiga.

«Ижтимоий сұғурта ва таъминот бүйічә хисоб-китоблар» деган 69-хисобварак дебетида хисобланган ажратмаларни тўлаш учун ўтказилган суммалар, шунингдек давлат ижтимоий сұғуртаси, пенсия таъминоти, тиббий сұғурта учун ажратмалар хисобидан тўланадиган суммалар қайд этилади.

### **89-§. Корхона ходимларига иш ҳақи тўлашга доир хисоб-китобларнинг бухгалтерия хисоби-ни юритиш тартиби**

Корхона ходимларига иш ҳақи тўлашга доир хисоб-китобларнинг бухгалтерия хисоби «Мехнатга ҳақ тўлаш бүйічә ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 70-хисобваракда юритилади. У корхона ходимлари рўйхатига кирган ва кирмаган ходимлар билан уларга меҳнатта ҳақ тўлаш (барча турдаги иш ҳаки, мукофотлар, нафақалар, ишловчи пенсионерларга пенсиялар ва бошқа тўловлар бўйича), шунингдек шу корхона акциялари ва бошқа

қимматли қоғозлари бўйича даромадлар тўлаш бўйича хисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни умумлантириш учун хизмат қилади.

«Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 70-хисобваракнинг кредит қисмида куйидаги суммалар кайд этилади:

- ходимларга тўланиши керак бўлган меҳнат ҳақи — ишлаб чиқариш харажатлари (муомала чиқимлари) ва бошқа манбалар хисоби юритиладиган хисобвараклар билан корреспонденцияда;
- давлат ижтимоий суруртаси, пенсияларга ажратмалар ва шунга ўхшаш бошқа суммалар хисобидан тўланадиган нафакалар — «Ижтимоий сурурта ва таъминот бўйича хисоб-китоблар» деган 69-хисобварак билан корреспонденцияда;
- корхонада иштирок этилгани учун хисоблаб ёзилган даромадлар — «Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарап)» деган 87-хисобварак билан корреспонденцияда (хисобот йилидаги фойда ёки аввалги йилларда олинниб, тақсимланмаган фойда хисобидан).

«Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 70-хисобваракнинг дебет қисмида тўланган иш ҳақи, мукофот, нафака, пенсия суммалари ва бошқалар, корхона фаолиятида қатнашгани учун берилган даромадлар, шунингдек хисобланган солиқлар, ижро хужжатлари бўйича тўловлар ва бошқа ушланмалар суммалари кайд этилади.

Хисоблаб ёзилган, лекин белгиланган муддатда тўланмаган (олувчилар келмагани туфайли) суммалар «Мехнатга ҳақ тўланиши бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 70-хисобварак дебетида ва «Турли дебитор ва кредиторлар билан хисоб-китоблар» деган 76-хисобваракнинг кредит қисмида («Депонентлар билан хисоб-китоблар» деган илова хисобварак) акс эттирилади.

«Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 70-хисобварак юзасидан таҳлилий хисоб корхонанинг ҳар бир ходими бўйича юритилади.

## 90-§. Корхонада ҳисобдор шахслар билан қилинадиган ҳисоб-китобларниң бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби

Корхоналар раҳбарлари корхона кассасидан хўжалик эҳтиёjlари, вакил юбориш ва хизмат сафари харажатлари учун ҳисобот топшириш шарти билан накд суммалар беришлари мумкин. Накд пул бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солик кўмитаси ва Марказий банки йўрикномаларида белгилаб кўйилади.

Корхона ҳисобот топшириш шарти билан берадиган накд пуллар ҳажми ва муддатини корхона раҳбари белгилайди. Буйруқ ёки ходим ёзган ариза накд пул бериш учун асос бўлади. Бундай хужжатларда бўнек суммаси ва уни олишдан мақсад кўрсатилади. Агар илгари ҳисобот топшириш шарти билан олинган суммалар бўйича қарз қолган бўлса, аввалгилари тўлиқ узилмагунича янги суммалар берилмайди. Ҳисобот топшириш шарти билан берилган накд пулларни бошқа шахсга бериш қатъи ян тақиқланади.

Ҳисобот топшириш шарти билан накд пул олган шахслар бу пул берилган муддат тугаганидан кейин ёки хизмат сафаридан қайтилган вактдан сўнг кўпи билан уч иш куни мобайнида узил-кесил ҳисоб-китоб қилиши учун корхона бухгалтериясига олинган суммалардан қандай фойдаланилгани тўғрисида ҳисобот тақдим этишилари шарт. Бу ҳисоботга қилинган харажатлар мақсадга муовфикалигини тасдиқловчи барча зарур хужжатлар илова қилиниши лозим.

Бухгалтерия қилинган харажатлар тўғри ва асослилигини текширади, шунингдек арифметик текширув ўтказади.

Ҳисобот топшириш шарти билан берилган суммалардан қилинган харажатлар конунийлигини текшираётганди бухгалтер ҳар бир сумма рўпарасига дебетланадиган ҳисобвараклар, илова ҳисобвараклар ва харажат мод-

даларини ёзиб қўяди. Текширилган бўнак ҳисоботларини кейин корхона раҳбари тасдиклайди.

Агар ҳисобдор шахс ўзи олган суммалардан қандай фойдалангани тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган муддатда бухгалтерияга топширмаса, корхона раҳбари мазкур ходим ҳисобот топшириш шарти билан олган пулларни унинг иш ҳақидан ушлаб қолиш тўғрисида кўрсатма беришга ҳақли.

Башарти, ҳисобдор шахс моддий бойликларни бозордан, аҳолидан сотиб олган бўлса, у ҳолда эркин шаклда тузилган далолатнома (маълумотнома) ҳисобот учун асос бўлиши мумкин. Далолатнома (маълумотнома)да хўжалик операцияси баён этилади, харид санаси ва жойи, товар микдори ва нархи кўрсатилиади. Далолатномада сотувчининг паспорт маълумотлари, автомобилининг давлат рақами ҳамда текширувчи орган хариднинг ҳақиқийлигига ишонч ҳосил қилиши учун керак бўлиши эҳтимоли бор бошқа маълумотлар ҳам кўрсатилиши зарур. Товар шу бозордан сотиб олинганини тасдиқловчи маълумотномани бозоркўмдан ҳам тасдиқлатиш мумкин. Шундан кейин далолатнома (маълумотнома)ни корхона раҳбари тасдиклайди.

Корхонада ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби «Ҳисобот берадиган шахслар билан ҳисоб-китоблар» деган 71-ҳисобваракда юритилади. Мазкур ҳисобварақ корхона ходимлари билан уларга маъмурий-хўжалик ва операция харажатлари, шунингдек хизмат сафари харажатлари учун ҳисобдорлик остида берилган суммалар бўйича қилинадиган ҳисоб-китоблар тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ҳисобот топшириш шарти билан берилган суммалар «Ҳисобот берадиган шахслар билан ҳисоб-китоблар» деган 71-ҳисобваракнинг дебет қисмига пул мабларлари ҳисобини юритиш ҳисобварақлари (асосан «Касса» деган 50-ҳисобварак) билан корреспонденцияда ёзилади. Ҳисобдор шахслар сарфлаган сўммалар «Ҳисобот берадиган шахслар билан ҳисоб-китоблар» деган 71-ҳисобваракнинг

кредит кисмiga харажатлар ва сотиб олинган бойликлар суммалари хисобга олинадиган хисобвараклар ёки қилингандар харажатлар турига қараб, бошқа хисобвараклар билан корреспонденцияда ёзилади.

Ходимлар белгиланган муддатларда қайтармаган бундай суммалар «Хисобот берадиган шахслар билан хисоб-китоблар» деган 71-хисобваракнинг кредит қисмida ва «Бойликлар ишдан чикиши бўйича камомад ва йўқотишилар» деган 84-хисобварак дебетида акс эттирилади. Кейинчалик бу суммалар «Бойликлар ишдан чикиши бўйича камомад ва йўқотишилар» деган 84-хисобваракдан чиқарилиб, «Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 70-хисобварак (агар бу суммалар ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин бўлса) ёки «Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 73-хисобварак дебетига (бу суммалар ходимнинг иш ҳақидан ушлаб қолиниши мумкин бўлмаган ҳолларда) ёзилади.

«Хисобот берадиган шахслар билан хисоб-китоблар» деган 71-хисобварак юзасидан таҳлилий хисоб берилган ҳар бир бўнак бўйича юритилади.

«Хисобот берадиган шахслар билан хисоб-китоблар» деган 71-хисобварақ кредити бўйича

## 7-ЖУРНАЛ-ОРДЕР

199 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ учун

Фойдаланилмаган бўнлик суммалари қопланниб, ушилаб қолиниб, 71-ҳисобварақ кредитидан кўйиндаги ҳисобвараклар дебетига ўтказилди					Ҳисоб бериш шартги билан олинган ва сарфланган суммалар												
санаси	№ 50 «Касса»	№ 70 «Меҳнатга ҳак тўлаш бўйича ҳисоб-китоб- лар»	№	№	берилган ҳисбот бўйига		71-ҳисобварақ кредитидан 05, 06, 07, 08, 09, 10, 11, 12, 24, 25, 26, 27, 28, 29, 31, 33, 35, 41-ҳисобварақлар дебетига					№	№	№	№	№	№
					топшириш- санаси	тасдиқлан- ган сумма	20	21	22	23	24						
15	16	17	18	19													

Тасдиқланган ҳисбот бўйича умумий суммада					
Хизмат сафарларининг барча турлари учун харажатлар			Шундан кундалик харажатларга	Ой охиридаги сальдо	
бошқарув аппарати ходимлари	қўриқлаш ходимлари	бошқарув ап- паратига даҳли йўқ ходимлар		дебет	кредит
28	29	30	31	32	33

Журнал-ордер 199 йил «\_\_\_» да тўлдирилди.

Изярочи \_\_\_\_\_  
Ф.И.О. (имзо)Бош бухгалтер \_\_\_\_\_  
Ф.И.О. (имзо)

## **91-§. Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар тартиби**

Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби «Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» деган 73-ҳисобваракда юритилади. Мазкур ҳисобварак корхона ходимлари билан килинадиган ҳисоб-китобларнинг барча турлари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бунга фақат иш ҳаки бўйича ҳисоб-китоблар, ҳисобдор шахслар ва депонентлар билан ҳисоб-китоблар кирмайди.

«Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» деган 73-ҳисобварак таркибида қўйиндаги илова ҳисобвараклар очилиши мумкин:

- 73-1 «Кредитга сотилган товарлар учун ҳисоб-китоблар»;
- 73-2 «Берилган карзлар бўйича ҳисоб-китоблар»;
- 73-3 «Моддий заарар ўрнини қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар» ва бошқалар.

«Кредитга сотилган товарлар учун ҳисоб-китоблар» деган 73-1 илова ҳисобваракда корхона ўз ходимларига кредитга сотган товарлар учун улар билан қиласадиган ҳисоб-китоблар ҳисоби юритилади.

Кредитга товар харид қиласадиган шахслар ишловчи корхоналар харидорларга ўзлари берган кредит суммаларини товар берган ташкилотларга тўлик тўлайдиган бўлсалар, банк тегишли ҳисоб-китоб ҳужжатлари пулини ўтказаёттганда бу ҳисоб-китобларни «Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» деган 73-ҳисобваракнинг дебет қисмида «Банкларнинг ходимлар учун кредитлари» деган 93-ҳисобварак билан корреспонденцияда акс эттирадилар. Ходимлардан навбатдаги тўловларни ушлаб колаёттганларида юкорида айтилган корхоналар «Мехнатта ҳак тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» деган 70-ҳисобварак дебетига «Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» деган 73-

хисобварап билан корреспонденцияда тегишли ёзувларни киритадилар. Шундан сўнг ушлаб қолинган суммалар «хисоб-китоб вараги» деган 51-хисобварап дебетида ва «Ходимлар учун банк кредитлари» деган 93-хисобварап дебетида қайд этилиб, банк кредитини қайтаришига йўналтирилади.

Ходимларнинг улар кредитта олган товарлар учун карзини узишида банк кредитидан фойдаланмайдиган корхоналар шу ходимлар ёзиб берган топширик-мажбуриятномалар асосида уларнинг иш ҳакидан навбатдаги тўлов суммаларини ушлаб қолиб, «Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 70-хисобварап дебетига ва «Турли дебитор ва кредиторлар билан хисоб-китоблар» деган 76-хисобваракнинг кредит кисмига (савдо ташкилотларининг шахсий хисобвараклари бўйича) тегишли ёзувларни киритадилар. Ушлаб қолинган суммалар савдо ташкилотига ўtkазилишига қараб «Турли дебитор ва кредиторлар билан хисоб-китоблар» деган 76-хисобварап пул маблағлари хисоби юритиладиган хисобвараклар билан корреспонденцияда дебетланади.

«Берилган карзлар бўйича хисоб-китоблар» деган 73-2 илова хисобваракда корхона ходимларига берилган қарзлар (масалан, якка тартибдаги ва кооператив уй-жой қурилиши, далаҳовлилар сотиб олиш ёки қуриш ва далаҳовлиларни ободонлаштириш, уй-рўзгор буюмлари ва бошқаларни сотиб олини) бўйича улар билан хисоб-китоблар акс эттирилади.

«Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 73-хисобварап дебетида ходимга берилган қарз «Касса» деган 50-хисобварап ёки «Хисоб-китоб вараги» деган 51-хисобварап билан корреспонденцияда қайд этилади. Агар маблағлар ходимга бевосита банк томонидан, корхона олган кредит хисобидан берилган бўлса (бу маблағларни аввал корхона хисоб-китоб хисобварагига киритмай туриб берилган бўлса), у холда «Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 73-хисобварап дебетига ёзувлар «Ходимлар

учун банк кредитлари» деган 93-хисобварақ билан корреспонденцияда киритилади.

Карз олуучи ходимдан келиб түшгән түловлар суммасы «Бошқа операциялар бүйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 73-хисобварақнинг кредит қисмига «Касса» деган 50-хисобварақ, «Хисоб-китоб вараги» деган 51-хисобварақ, «Мехнатта ҳақ тұлаш бүйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 70-хисобварақ билан (кабул қилинган түлов тартибига қараб) корреспонденцияда ёзилади. Банк кредити сүндирилиши барча ҳолларда «Ходимлар учун банк кредитлари» деган 93-хисобварақ дебетида ва банкка тегишли суммалар олинган, пул маблағлари хисоби юритиладиган хисобварақлар кредитида қайд этилади.

«Моддий зарар ўрнини қоплаш бүйича хисоб-китоблар» деган 73-3 илова хисобварақда пул ва товар-моддий бойликлар ходимнинг айби билан кам чиқиши ҳамда талон-торож қилиниши натижасида корхонага етказилган моддий зарар ўрнини қоплашга доир хисоб-китоблар хисоби юритилади.

Айбор шахслардан ундирилиши керак бўлган суммалар «Бошқа операциялар бүйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 73-хисобварақнинг дебет қисмига «Бойликлар ишдан чиқиши бүйича камомад ва талафотлар» деган 84, «Бўлғуси даврлар даромадлари» деган 83 (етишмаётган товар-моддий бойликлар учун), «Ишлаб чиқаришдаги брак» деган 28-хисобварақ (брак маҳсулот чиқариш натижасидаги йўқотишлар учун) ва бошқа хисобварақларнинг кредитидан ўтказилади.

«Бошқа операциялар бүйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 73-хисобварақ кредитига ёзувлар қуйидағи хисобварақлар билан корреспонденцияда киритилади: пул маблағлари хисоби юритиладиган хисобварақлар — киритилган түловлар суммалари ҳажмида; «Мехнатта ҳақ тұлаш бүйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 70-хисобварақ — иш ҳақидан ушлаб қолинган суммалар ҳажмида; «Бойликлар ишдан чиқиши бүйича камомад ва тала-

фотлар» деган 84-хисобварақ — даъво асоссизлиги туфайли пул ундиришдан бош тортылган ҳолларда хисобдан чиқарилган камомад суммалари ҳажмида.

«Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 73-хисобварақ юзасидан таҳлилий хисоб корхона ходимлари бўйича юритилади.

## 92-§. Муассислар билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби

Муассислар билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби «Муассислар билан ҳисоб-китоблар» деган 75-хисобварақда юритилади. Бу ҳисобварақ корхона муассислари (акциядорлик жамияти акциядорлари, хўжалик ширкати иштирокчилари, кооператив аъзолари ва бошқалар) билан ҳисоб-китобларнинг барча турлари — корхона устав фондига қўйилмалар, даромадларни тўлаш ва бошқалар бўйича маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

«Муассислар билан ҳисоб-китоблар» деган 75-хисобварақ таркибида қуйидаги илова ҳисобварақлар очилиши мумкин:

- 75-1 «Устав фондига қўйилмалар бўйича ҳисоб-китоблар»;
- 75-2 «Даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар» ва бошқалар.

«Устав фондига қўйилмалар бўйича ҳисоб-китоблар» деган 75-1-илова ҳисобварақда корхона муассислари устав фондига киритган улушлар бўйича улар билан қилинадиган ҳисоб-китоблар ҳисоби юритилади.

Акциядорлик жамияти ташкил этилаётганида акцияларга обуна бўлган шахслар қарзининг суммаси «Муассислар билан ҳисоб-китоблар» деган 75-хисобварақ дебетида «Устав фонди» деган 85-хисобварақ билан корреспонденцияда ҳисобга олинади.

Муассисларнинг қўйилмалари (улушлари) амалда келиб тушганда «Муассислар билан ҳисоб-китоблар» де-

деган 75-хисобварак пул маблағлари хисоби юритиладиган хисобвараклар билан корреспонденцияда кредитланади. Моддий ва бошқа бойлуклар (пул маблағларидан ташкари) корхонага мулк килиб берилаёттганица «Муассислар билан хисоб-китоблар» деган 75-хисобварак кредитига «Асосий воситалар» деган 01-хисобварак, «Номоддий активлар» деган 04-хисобварак, ишлаб чыкашты захиралари хисоби юритиладиган хисобвараклар билан корреспонденцияда тегишли ёзувлар қайд этилади.

Корхона фойдаланиши учун бино, иншоотлар ва машина-ускуналар берилганды «Муассислар билан хисоб-китоблар» деган 75-хисобварак кредитига «Номоддий активлар» деган 04-хисобварак билан корреспонденцияда тегишли маълумотлар ёзилади. Айни вақтда юкорида айтилган бино, иншоот ва машина-ускуналар қиймати «Ижрага олинган асосий воситалар» деган 001-хисобварак бўйича баланс хисобига олинади.

Устав фондига қўйилма (акциялар учун тўлов) сифатида натурал шаклда корхонага мулк килиб берилган мол-мулк иштирокчилар ўзаро келишиб белгилаган баҳода кирим килинади.

Устав фондига қўйилма (акциялар учун тўлов) сифатида натурал шаклда корхона фойдаланиши учун берилган мол-мулк мазкур мулкдан фойдаланганлик учун тўланадиган ижара ҳаки асосида белгиланадиган баҳода кирим килинади. Ушбу ижара ҳаки таъсис хужжатларида кўрсатилган корхона фаолият юритидиган бутун муддат учун ёки муассислар белгилаган бошқа муддат учун хисобланади (агар таъсис хужжатларида бошқа ҳолат кўзда тутилмаган бўлса).

Устав фондига қўйилмалар бўйича бошқа турдаги хўжалик ширкатларининг иштирокчилари билан хисоб-китоблар ҳам бухгалтерия хисобида айни шу тартибда акс эттирилади. Бунда «Муассислар билан хисоб-китоблар» деган 75-хисобварак дебетига ва «Устав фондига» деган 85-хисобварак кредитига таъсис хужжатларида эълон қилинган бутун устав фонди ҳажми ёзилади.

Акциядорлик жамияти шаклида ташкил қилинган корхона акциялари биринчи марта жойлаштирилаёттанды номинал қийматидан ортиқ баҳода сотиладиган холларда номинал қиймат билан сотув нархи орасыдаги фарқ тарзидаги тушум суммаси «Құшилған сармоя» деган 85-2 хисобваракнинг кредит қисмида акс эттирилади.

«Даромадлар бўйича хисоб-китоблар» деган 75-2 илова хисобваракда корхона муассисларига даромад тўлаш билан боғлиқ хисоб-китоблар ҳисобга олинади. Корхона муассислари хисобланувчи ходимларга бериладиган даромадни хисоблаш ва тўлаш операциялари ҳисоби «Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 70-хисобваракда юритилади.

Корхона фаолиятида иштирок этишдан олинган даромадлар хисобланиши «Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар)» деган 87-хисобварак дебетида (хисобот давридаги фойда ёки аввалги йилларда олинган, лекин тақсимланмаган фойда ҳисобига) ва «Муассислар билан хисоб-китоблар» деган 75-хисобварак кредитида акс эттирилади. Даромад тўлаш учун фойда йўқ ёки кам, лекин конунларга ёки таъсис хужжатларига кўра резерв фонди ҳисобидан даромад тўлаш бўйича мажбуриятлар олинган бўлса, даромад хисоблаб ёзиш операцияси «Резерв сармояси» деган 85-3 хисобварак дебети ҳамда «Муассислар билан хисоб-китоблар» деган 75-хисобварак кредитида акс эттирилади.

Ҳисоблаб ёзилган даромад суммалари тўланиши «Муассислар билан хисоб-китоблар» деган 75-хисобварак дебетида «Ҳисоб-китоб вараги» деган 51-хисобварак ёки «Валюта хисобвараги» деган 52-хисобварак билан корреспонденцияда акс эттирилади. Корхона фаолиятида иштирок этганлик учун даромадлар шу корхона маҳсулоти (ишлар, хизматлар) билан тўланаёттанды бухгалтерия ҳисобида «Муассислар билан хисоб-китоблар» деган 75-хисобварак дебетига «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобварак билан корреспонденцияда тегишли ёзувлар киритилади.

Корхона фаолиятида иштирок эттанилик учун манбанинг ўзида, яъни шу корхонада тўланиши керак бўлган даромадлардан олинадиган солик суммаси «Муассислар билан ҳисоб-китоблар» деган 75-ҳисобварақ дебетида ва «Бюджет билан ҳисоб-китоблар» деган 68-ҳисобварақ кредитида ҳисобга олинади.

«Муассислар билан ҳисоб-китоблар» деган 75-ҳисобварақ юзасидан таҳлилий ҳисоб ҳар бир муассис бўйича юритилади. Фақат акциядорлик жамиятларида эгаси номи ёзилмайдиган акциялар эгаси бўлган акциядорлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби бунга кирмайди.

### 93-§. Акциядорлик жамиятларида дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби

Дивиденд (лот. *dividendus* — тақсимланадиган) — акциядорлик жамияти олган фойданинг акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинган қарорга мувофиқ хўжалик йили ёки чорак якунларига кўра акциялар бўйича тақсимланадиган қисми.

Акциядорлик жамияти умумий йиғилишининг қарорига кўра дивидендлар пул маблағлари шаклида ёки бошқа конуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

Дивидендлар акциядорлар ўргасида уларга тегишли акциялар сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

Жамият жойлаштирилган акциялар бўйича ҳар чоракда, ҳар ярим йилда ёки бир йилда бир марта дивидендлар тўлаш ҳакида қарор чиқаришга (эълон қилиши) ҳакли (агар конунларда ёки жамият уставида бошқа ҳолат кўэда тутилмаган бўлса).

Оралиқ (чораклик, ярим йиллик) дивидендларни тўлаш, акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар ҳажми ва уларни тўлаш шакли тўғрисидаги қарорни жамият кузатув кенгаши қабул қиласди.

Йиллик дивидендларни тўлаш, акцияларнинг ҳар бир тури бўйича бериладиган дивиденд миқдори ва улар-

ни тұлаш шакли тұғрисидаги қарорни жамият кузатув кенгашининг тавсиясига күра акциядорлар умумий йиғилиши қабул қылади. Йиллик дивидендлар ҳажми жамият кузатув кенгаши тавсия қылғанидан күп ва тұланған оралиқ дивидендлардан кам бўлиши мумкин эмас. Акциядорлар умумий йиғилиши муайян турдаги акциялар бўйича дивидендлар тұламаслик, шунингдек имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни қисман тұлаш тұғрисида қарор қабул қилишга ҳақли (имтиёзли акциялар бўйича тұланадиган дивидендлар ҳажми уставда белгиланган бўлади).

Агар оралиқ дивидендлар тұланиши оқибатида акциядорлик жамиятининг молиявий-хўжалик ахволи анча ёмонлашиши мумкин бўлса, бундай дивидендларни тұлаш тақиқланади.

Дивидендлар жамиятнинг жорий йилдаги соф фойдасидан тұланади. Соф фойданинг соликлар, бошқа мажбурий ажратма ва тұловлар тұланиб, маҳсус фонdlар шакллантирилганидан кейин жамият ихтиёрида қоладиган кисми дивиденд тұлашга сарфланади.

Муайян турдаги имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар жамиятнинг шундай мақсадлар учун маҳсус очилған фонdlари хисобидан тұланиши мумкин.

Йиллик дивидендлар тұлаш санаси жамият уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади ҳамда шундай қарор қабул қылған санадан бошлаб 60 кундан ошмаслиги керак. Оралиқ дивидендлар тұлаш санаси жамият кузатув кенгашининг шундай дивидендлар тұлаш тұғрисидаги қарори билан белгиланади, лекин мазкур сана бу қарор қабул қылған вактдан бошлаб 60 кундан кечикмаслиги зарур.

Хар гал дивидендлар тұлаш учун жамият кузатув кенгаши дивиденд олиш хукуқига эга шахслар рўйхатини тузади. Оралиқ дивидендлар олиш хукуқига эга шахслар рўйхатига фақат жамият кузатув кенгаши дивидендлар тұлаш тұғрисида қарор қабул қылған санадан камида 30 кун аввал жамият акциядорлари рўйхатидан ўтган акциядорлар ва номинал акция ушловчилар ёзилиши мумкин.

Йиллик дивидендлар олиш хуқукига эга шахслар рўйхати эса, акциядорларнинг йиллик умумий йифилишида қатнашиш хуқуки берилган шахслар рўйхати тузилган кунда жамият акциядорлари рўйхатида бўлган акциядорлар ва номинал акция ушловчилардан иборат бўлади.

Дивидендлар берилаётганда биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, кейин оддий акциялар учун дивиденд тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича олдиндан белгиланган дивидендларни тўлаш учун старли фойда олинган ҳолларда жамият бундай акциялар ушловчиларига дивиденд тўлашдан бош тортишга ҳакли эмас. Агар жамият бундан бош торгса, акциядорлар ўзларига дивиденд тўланишини суд орқали талаб қилишлари мумкин. Башарти жамият олган фойда етарли бўлмаса ёки у зарар кўриб ишлаган ҳолларда имтиёзли акциялар бўйича дивидендларни жамият факат шу мақсад учун ташкил этилган резерв фонди хисобидан ва ундаги маблағлар доирасида тўлаши мумкин. Дивидендларни белгиланган даъво муддати тугагунига қадар эгаси ёки унинг қонуний ҳуқукий вориси ёхуд меросхўри талаб қилиб олмаса, бу дивидендлар акциядорлар умумий йифилишининг қарорига кўра жамият ихтиёрида қолади.

Давлат ваколат берган орган Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари хисобланувчи акциядорлар хоҳишига кўра улар олган дивидендларни белгиланган тартибда, дивиденд хисобланган санадаги курс қиймати бўйича эркин конвертацияланадиган валютага айирбошлиб бериши шарт.

Эмитент берган акциядорлар рўйхатидан кўчирма ва акциядорлик жамияти бухгалтериясининг тўланган дивидендлар суммаси ҳамда улар хисоблаб ёзилган сана тўғрисидаги маълумотномаси конвертация учун асос бўлиб хизмат қилади.

Акциядорлар рўйхати ёпилгунинг қадар унга киритилган инвесторлар дивиденд олиш хуқукига эга. Акциядорлар рўйхати акциядорлар йифилиши ўтказилиши учун расман зълон қилинган санага 30 кун қолганда ёпилади.

Эмитентнинг айбига кўра дивидендлар акциядорлар умумий йигилишида белгиланган муддатларда тўланмаса, ана шу тўланмаган ва кам тўланган дивидендлар бўйича пеня ёзилади. Бунда Марказий банк белгилаган тақорор молиялаш ставкаларига асосланилади.

Акциядорлик жамияти эълон қилган дивидендлар тўланишини акциядор суд оркали талаб қилишга ҳакли. Агар акциядорлик жамияти тўловдан бош тортса, унга нисбатан қонунда белгиланган тартибда тўловга ноқобиллик ҳолатини бартараф этиш ёки банкрот деб эълон қилиш тартиби кўлланилади.

Куйидаги холларда жамият акциялар бўйича дивидендлар тўлаш (тўланишини эълон қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин эмас:

- жамият устав фонди тўлиқ тўлдирилмагунча;
- дивидендлар тўланадиган вақтда унда тўловга лаёқатсизлик (банкротлик) белгилари бўлса ёки бундай белгилар жамиятда дивидендлар тўланиши натижасида вужудга келиши эҳтимоли туғилса;
- агар жамиятнинг тоза активлари қиймати унинг устав ва резерв фондлари суммасидан кам бўлса.

Жамият дивидендлар ҳажмини эълон қилаётганда улардан солиқ тўланишини хисобга олмайди. Очик турдаги акциядорлик жамияти тўланадиган дивидендлар ҳажми тўғрисидаги маълумотларни улар тўланадиган санага 31 календарь куни қолганда оммавий ахборот воситаларида эълон киласи.

Агар мижознинг тошшириғига кўра акцияларни инвестиция муассасаси бошқараётган бўлса, акциялар ушловчига дивиденд тўланадиганда инвестиция муассасасига бериладиган ҳақ чегириб қолинади. Бу ҳақ миқдори мижоз билан тузилган шартномада белгилаб кўйилади.

Умумий йирилиш қарорига кўра дивидендлар устав сармоясини кўпайтиришга йўналтирилиши ёки товар, бошқа акциядорлик жамиятлари, ташкилот ва корхоналардан сотиб олинган қимматли қофозлар ёхуд бошқа қонуний тўлов воситалари шаклида берилishi мумкин.

Аудиторлик текшируви натижалари ва тўлов ҳажмлари тўғрисидаги маълумот оммавий ахборот восита-ларида эълон килинганидан кейинингина дивидендлар тўла-нади. Очиқ турдаги акциядорлик жамияти бериладиган дивидендлар ҳажми тўғрисидаги маълумотларни дивиденд тўланисига 31 календарь куни қолганда, молиявий-хўжа-лик йили якунлари бўйича аудиторлик текшируви нати-жаларини эса хисобот йилидан кейинги 1 июлдан кечик-май оммавий ахборот воситаларида эълон киласди.

Дивидендлар фақат муомаладаги акциялар бўйича хисобланади, яъни жамият ихтиёрига келиб тушган акция-лар учун дивидендлар ёзилмайди.

Акциядорлик жамияти дивидендларни чеклар, тўлов топширикномалари кўринишида жамгарма банклари орқали, шунингдек акциядор хисобидан почта ёки телеграф орқали жўнатиш йўли билан тўлаши мумкин.

Юридик шахсларга тўланадиган дивидендлар ва фоизлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси белгилаган ставкалар бўйича тўлов манбанинг ўзида со-лиққа тортилади. Давлат облигациялари ва давлат чиқар-ган бошқа қимматли қофозлар бўйича дивидендлар ҳамда фоизлар соликлардан озод килинади. Ўзбекистон Республикасида дивиденд ва фоизлар олган ҳамда тўлов манбанинг ўзида илгари соликқа тортилган резидент юридик шахс бу сўммаларни жами даромаддан чегириб ташлаш хукукига эга. Бунинг учун унда тўлов манбаи солик тўла-ганини тасдиқловчи хужжатлар бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси 1997 йил 5 декабрда чиқарган «Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил учун асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети прогнози тўғрисида»ги 540-сон карорнинг 10-бандида белгилаб қўйилишича, юридик ва жисмоний шахслар қимматли қофозлар муомаласидан ди-виденд, қимматли қофозларнинг харид ва сотув нархлари орасидаги фарқ шаклида олган даромадлар бўйича юри-дик шахслар 1998 йил 1 январдан, жисмоний шахслар эса 1998 йил 1 июлдан эътиборан солик тўлашлари керак.

1997 йил ва кейинги йиллар якунлари бўйича акциядор юридик шахсларга тўланадиган дивиденdlар солиқка тортилади.

Куйидаги дивиденdlардан солиқлар ушлаб қолинмайди:

- 1997 йил мобайнида хисобланган ва тўланган оралик дивиденdlар;
- жисмоний шахсларга 1997 йил якунлари бўйича тўланадиган дивиденdlар (асос: Молия вазирлигининг 1998 йил 8 майдаги 30-01-9/103-сон ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг 1998 йил 8 майдаги 02-98-сон хати).

Давлатга тегишли акциялар тўпламига ёзилган дивиденdlар суммаси тўлов манбаида 15 фоизлик ставка бўйича солиқка тортилади (корхона тўловчи бўлади).

Давлатга тегишли акциялар тўпламига ёзилган дивиденdlардан фойдаланиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус қарорлари қабул қилинган корхоналар солиқлар тўланганидан кейин қолган маблағларнинг 100 фоизини шу қарорларда кўрсатилган мақсадларга йўналтирадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус қарорлари бўйича маблағ ажратилганидан кейин қолган дивиденdlар белгиланган меъёрлар асосида куйидагича тақсимланади:

- давлатга тегишли акциялар юзасидан хисобланган оралик дивиденdlарни ҳам кўшиб, давлат бюджетига йўналтирилади;
- давлатга тегишли акциялар юзасидан хисобланган оралик дивиденdlарни ҳам кўшиб корхона ихтиёрида колдирилади ва техник жиҳатдан қайта куролланиш ҳамда таъмирлаш ишларига йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1997 йил 20 октябрда чиқарган «Давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушган маблағлардан фойдаланилишини тартибга солиш чора-тад-

бирлари тўғрисида»ги 481-сон карорнинг 2-бандида белгилаб кўйилишича, давлатга тегишли акциялар тўпламлари бўйича дивиденд кўринишида олинадиган даромадларнинг 50 фонзи 1998 йил 1 январдан бошлаб давлат бюджетига ўтказилади. Бу маблағлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари таснифига мувофик давлат бюджети даромад қисмининг 23-бўлим, 11-параграфига ўтказилиши лозим (банкдаги хисобваракнинг шартли раками 498).

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1997 йил 29 октябрда 382-сон билан рўйхатдан ўтказган «Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солини хисоблаш ва бюджеттага тўлаш тартиби тўғрисида»ги йўриқноманинг 36-бандига мувофик, дивиденд тўлайдиган юридик шахслар бюджеттага солинки дивиденд тўланган ойдан кейин 5 кун ичидаги ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 1998 йил 4 марта чиқарган «Фонд бозорини янада ривожлантириш ва давлат мулки негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-1939-сон Фармоннинг 3-бандида бундай дейилган: «Давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларига айлантириш жараёнида чиқарилган акциялар белгиланган тартибда янги мулкдорларга сотилгунинг қадар дастлабки тарзда жойлаштирилган давлат активлари хисобланади» ва «акциядорлик жамиятлари дивидендларни устав фондининг дастлабки ҳажмига мувофик чиқарилган акциялар бутун суммасига хисоблаб қўшади. Бунда дивиденд тўлаш тўғрисида карор қабул килингунга қадар давлатта тегишли акцияларнинг сотилмаган қисми ҳам хисобга олинади». Шу боис, агар дивиденд олиш ҳукукига эга акциядорлар рўйхатини белгилаш учун акциядорлар реестри ёпилган бўлса, у холда:

1) 1998 йил 4 марта (яни Фармон чиқкунинг қадар), куйидаги акциялар учун дивидендлар хисоблаб қўшилмайди:

- жойлаштирилмаган акциялар, эркин сотув улуси, чет эллик инвесторга тегишли ва бошқа улушлар (давлатта тегишилсиздан ташкари);
- реестр ёшилган санагача эмитент эркин сотув улусидан ёки чет эллик инвестор улусидан сотиб олган ҳамда унинг мулки ҳисобланиб (ўзининг «депо» ҳисобварафида) турган акциялар;
- эмитент меҳнат жамоаси улусидан сотиб олган ва меҳнат жамоаси аъзолари орасида жойлаштирилмаган акциялар.

2) 1998 йил 5 марта бошлаб ёки кейинроқ чиқарилган барча акцияларга дивидендлар қўшилади, фақат куйидаги акциялар бундан мустасно:

- реестр ёшилган санагача эмитент эркин сотув улусидан ёки чет эллик инвестор улусидан сотиб олган ҳамда унинг мулки ҳисобланиб (ўзининг «депо» ҳисобварафида) турган акциялар;
- эмитент меҳнат жамоаси улусидан сотиб олган ва меҳнат жамоаси аъзолари орасида жойлаштирилмаган акциялар.

Бунда акциядорлар умумий йиғилиши ўтказиладиган санагача акциядорлар реестрида эркин сотиладиган ва хорижий инвесторга тегишли акциялар улушкининг сотилмаган кисми эгаси сифатида давлат (яни, давлат ваколат берган органлар) ёзилган бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1995 йил 29 марта 133-сон билан рўйхатга олган «Акциядорлик жамиятлари томонидан дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида низом»га ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 1997 йил 24 октябрда 372-сон билан рўйхатга олган «Корхоналар давлатта тегишли пайлар, акция тўпламлари бўйича дивидендлардан фойдаланишларини назорат қилиш тартиби тўғрисида низом»га мувофиқ, давлатта тегишли акциялар тўплами бўйича дивидендлар Давлат мулки қўмитасига ёхуд корхона ёки тармоқ бошқарув органининг илтимосига қўра бу қўмита ваколат берган органга корхонани ривоижлантириш ва тех-

ник қайта куроллантириш учун қайтариладиган қилиб берилади ҳамда тегишли шартномалар билан расмийлаштирилди. Шартномаларга корхонани ривожлантириш ва техник қайта куроллантириш бизнес режалари илова қилиниши керак. Корхонага берилгандарни қайтариш мүддати беш йилдан ошмаслиги лозим.

Давлат мулкини бошқариши хукуки берилгандар шахслар давлатта тегишли акциялар түплами бүйича хисобланған ва шартномавий асосда берилгандар дивидендерден акциядорлик жамиятлари фойдаланиши билан боғлиқ масалаларда давлат номидан иш тутадилар ва унинг манфаатларини химоя қиладилар.

Молия вазирлиги, Давлат мулки құмитаси ва Давлат солиқ құмитаси ўз зиммаларига юклатылған вазифаларга мувофиқ түлиқ назорат олиб борадилар.

Акциядорлар ўргасида тақсимланиши керак бўлган *СОФ ФОЙДА (СФ) ялни даромад (ЯД)дан* куйидагилар чегириб ташланганидан кейин вужудга келади:

- маҳсулот таннархи (*Мт*);
- бюджетга тўловлар, бошқа мажбурий ажратмалар ва йигимлар (*Т*);
- маҳсус фонд (*МФ*).

$$СФ = ЯД - Мт - Т - МФ$$

Бу ажратмалар ўтказилганидан кейин оддий акциялар бўйича фоиз хисобида дивидендерлар ҳажми белгиланади (бунда имтиёзли акциялар бўйича дивидендерлар суммаси чегириб қолинади):

$$\text{ДИВИДЕНДЛАР} = \frac{СФ - (Ис \times ИАН) \times Ип : 100\%}{МАС - ИАС} \times 100\%,$$

бунда *МАС* — муомаладаги акциялар суммаси;  
*ИАС* — имтиёзли акциялар суммаси;  
*Ис* — имтиёзли акциялар сони;  
*ИАН* — имтиёзли акциялар номинали;  
*Ип* — имтиёзли акциялар бўйича акциядорлар умумий йигилиши белгилаган қатъий фоиз.

Акция бүйича даромад қуйидагича бўлади:

- имтиёзли акциялар бўйича (*ИАН* × *Ип*) : 100%;
- оддий акциялар бўйича (*Нак* × *ДИВИДЕНД*) : 100%.

Бухгалтерия хисобига мувофиқ молия йили тугаганидан кейин корхона кўрган соф фойда (зарар) «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» деган 87-хисобварақ кредитигида (фойда) ёки дебетига (зарар) жамланади.

Акциядорлар умумий йигилиши дивиденд тўлаши ва тўланадиган дивидендлар суммаси хусусида қарор қабул килинади:

1. Имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар кўшилганда:

- \* *тақсимланмаган (соф) фойда ҳисобидан бўлса:*

«Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» деган 87-хисобварақ дебети

«Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» деган 73-хисобварақ кредити (жисмоний шахс-акциядорлар учун) ёки «Муассислар билан ҳисоб-китоблар» деган 75-хисобварақ кредити (юридик шахс-акциядорлар учун);

- \* *резерв сармоя ҳисобидан бўлса:*

«Резерв сармояси» деган 85-3 хисобварақ кредити

«Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» деган 73-хисобварақ кредити (жисмоний шахс-акциядорлар учун) ёки «Муассислар билан ҳисоб-китоблар» деган 75-хисобварақ кредити (юридик шахс-акциядорлар учун).

2. Оддий акциялар бўйича дивидендлар кўшилганда:

«Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» деган 87-хисобварақ дебети

«Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» деган 73-хисобварақ кредити (жисмоний шахс-акциядорлар учун) ёки «Муассислар билан ҳисоб-китоблар» деган 75-хисобварақ кредити (юридик шахс-акциядорлар учун).

3. Дивидендлар тўланаётганда қуйидаги проводкалар килинади:

• қимматли қоғозлар (даромад манбаңда солиқка тортиладиган қимматли қоғозлар) бүйіча даромад солиги суммасыга:

«Муассислар билан ҳисоб-китоблар» деган 75-хисобварақ дебети (юридик шахс-акциядорлар учун) ёки «Бошқа операциялар бүйіча ходимлар билан ҳисоб-китоблар» деган 73-хисобварақ дебети (жисмоний шахс-акциядорлар учун)

«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» деган 68-хисобварақ кредити;

• бюджеттегі үтказилаётганды:

«Бюджет билан ҳисоб-китоблар» деган 68-хисобварақ дебети

51-хисобварақ кредити;

• тұланған дивидендердің учун (даромад солиги-ни өзегириб ташлаб):

«Бошқа операциялар бүйіча ходимлар билан ҳисоб-китоблар» ва «Муассислар билан ҳисоб-китоблар» деган 73, 75-хисобварақтар дебети

50, 51-хисобварақтар кредити.

4. Давлаттағы тегишли акциялар улушыға құшилған дивидендерлердің бир қисми тегишли шартномалар имзоланғанидан сүнг корхонаны таъмирлаш үшін берилген мақсадлари учун берилганды:

«Муассислар билан ҳисоб-китоблар» деган 75-хисобварақ дебети

«Аник мақсадлы молиялаш үшін түшумлар» деган 96-хисобварақ кредити.

**94-§. Турли дебитор үшін кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби**

«Хисобварақтар режаси»га мувофиқ дебитор үшін кредиторлар билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби «Турли дебитор үшін кредиторлар билан ҳисоб-китоблар» деган 76-хисобварақда юритилади. Мазкур хисобварақ

дебитор ва кредиторлар билан амалга ошириладиган, 60 ва 75-хисобвараклар шархларида айтилмаган турли операциялар бўйича хисоб-китоблар тўғрисидаги мълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Булар, хусусан, турли ташкилотлар (ўкув юртлари, илмий ташкилотлар ва шу кабилар) билан нотижорат тусидаги операциялар; транспорт (темир йўл ва сув хўжалиги) ташкилотларининг чек билан ҳақ тўланадиган хизматлари учун хисоб-китоблар; иш ҳаки, мукофот ва шунга ўхшаш бошқа депонентланган суммалар бўйича; ижро хужжатлари ёки суд органларининг қарорлари асосида турли ташкилотлар ва алоҳида шахслар фойдасига корхона ходимлари иш ҳақидан ушлаб қолинган суммалар бўйича ва бошқа операциялардир.

«Турли дебитор ва кредиторлар билан хисоб-китоблар» деган 76-хисобварак юзасидан таҳлилий хисоб ҳар бир дебитор ва кредитор бўйича юритилади.

Мазкур журнал-ордерда юқоридағига ўхшаш жадвал шакллари бошқа хисобвараклар бўйича тўлдирилади. Булар, яъни:

- 19 «Харид килинган бойликларга доир қўшидган киймат солири»;
- 61 «Берилган бўнаклар бўйича хисоб-китоблар»;
- 63 «Даъволар бўйича хисоб-китоблар»;
- 64 «Олинган бўнаклар бўйича хисоб-китоблар»;
- 67 «Бюджетдан ташқари тўловлар бўйича хисоб-китоблар»;
- 68 «Бюджет билан хисоб-китоблар»;
- 73 «Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар»;
- 75 «Муассислар билан хисоб-китоблар»;
- 76 «Турли дебитор ва кредиторлар билан хисоб-китоблар»;
- 78 «Шульба корхоналар билан хисоб-китоблар»;
- 79 «Ички хўжалик хисоб-китоблари»;
- 97 «Ижара мажбуриятлари».

**8-ЖУРНАЛ-ОРДЕР**  
**«ТУРЛИ ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОРЛАР БИЛАН**  
**ХИСОБВАРАҚЛАР КРЕДИТИ БҮЙИЧА**  
**ХИСОБ-КИТОБЛАР»**

- 09 «Тушумга доир ижара мажбуриятлари»  
19 «Харид қилингандай бойликларга доир күшилган қиймат солиғи»  
61 «Берилгандай бүнаклар бүйиича хисоб-китоблар»  
63 «Даъволар бүйиича хисоб-китоблар»  
64 «Олингандай бүнаклар бүйиича хисоб-китоблар»  
67 «Бюджетдан ташқари тўловлар бүйиича хисоб-китоблар»  
68 «Бюджет билан хисоб-китоблар»  
73 «Бошқа операциялар бүйиича ходимлар билан хисоб-китоблар»  
75 «Муассислар билан хисоб-китоблар»  
76 «Турли дебитор ва кредиторлар билан хисоб-китоблар»  
78 «Шульба корхоналар билан хисоб-китоблар»  
79 «Ички хўжалик хисоб-китоблари»  
97 «Ижара мажбуриятлари»  
19 йил «\_\_\_\_\_» учун.



7-қайднома, 2-ицлов жадвали, депонентта қўйилган иш ҳаки рўйхати ва бошқалар юкоридаги хисобварақлар бўйича маълумотлар манбаи бўлиб хизмат қиласди.

**68, 78, 79-хисобварақларниң таҳлилий маълумотлари**

Таҳлилий ҳисоб моддалари номи	Ой бошидаги салдо		Ойлик оборотлар		Ой охиридаги салдо	
	дебет	кредит	дебет	кредит	дебет	кредит
68-ҳисобвараққа						
Жами						
78-ҳисобвараққа						
Жами						
79-ҳисобвараққа						
Жами						

Журнал-ордер 199 йил « » да тўлдирилди.

Ижрочи \_\_\_\_\_  
Ф.И.О. (имзо)

Бош бухгалтер \_\_\_\_\_  
Ф.И.О. (имзо)

**2-ИШЛОВ ЖАДВАЛИ**  
**ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОРЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАҲЛИЛИЙ**  
**ҲИСОБИННИ ЙУРИГИШ ВАРАҚЧАЛАРИ**

Опера- ция маз- мунни	Ой бо- шидаги сальдо		Дебет бўйича оборотлар куйидаги ҳисобварақлар кредитига							Де- бет бўйи- ча жами	Кредит бўйича оборотлар қуийидаги ҳисобварақлар дебетига							Кре- дит бўйи- ча жами	Ой охи- ридаги сальдо						
	дебет	кре- дит	19	47	51	80	№	№	№		19	26	46	47	48	70	75	80	81	№	№	№	дебет	кре- дит	
Ҳисобварақ																									
Жами																									
Ҳисобварақ																									
Жами																									
Ҳисобварақ																									
Жами																									

**7-ҚАЙДНОМА**  
**«ТУРЛИ ДЕБИТОР ВА КРЕДИТОРЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАР ҲИСОБИ»**

	Ой бойындағы қолдук					Кредит бўйича оборотлар қўйилаги ҳисобварақлар дебетига																	Жами	Ой охиридандағы салдо			
	дебет	кредит	асос	корр.	сумма	№	№	№	№	№	№	№	№	№	№	№	№	№	№	№	№	№	№	№	№	дебет	кредит
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25			
Ҳисобварақ																											
РГ-12																											
Ҳисобварақ																											
РГ-12																											
Ҳисобварақ																											
РГ-12																											
Ҳисобварақ																											
РГ-12																											
Ҳисобварақ																											
Хисобварақ бўйича жами																											
Ҳисобварақ																											
РГ-12																											
Ҳисобварақ																											
РГ-12																											
Ҳисобварақ																											
РГ-12																											
Ҳисобварақ																											

## 95-§. Ички хўжалик ҳисоб-китоблари ҳисобини юритиш тартиби

Ички хўжалик ҳисоб-китобларининг бухгалтерия ҳисоби «Ички хўжалик ҳисоб-китоблари» деган 79-ҳисобваракда юритилади. Мазкур ҳисобварак корхонанинг алоҳида балансга чиқарилган (баланс ички ҳисоб-китоблари) филиаллари, ваколатхоналари, бўлимлари ва бошқа алоҳида бўлинмалари билан барча турдаги ҳисоб-китобларга доир маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Булар, хусусан: ажратилган мулк; ўзаро моддий бойликлар бериш; маҳсулот сотиш; умумий бошқарув фаолияти бўйича харажатларни бериш; бўлинмалар ходимларига иш ҳаки тўлаш; фондлар бўлинмаларга берилмасдан, корхона балансида ҳисобга олинадиган ҳолларда искеъмол ва харажатлар фондлари ҳисобидан чиқимлар бўйича ҳисоб-китоблар ва шу кабилар.

«Ички хўжалик ҳисоб-китоблари» деган 79-ҳисобваракда акс эттириладиган ҳисоб-китоблар ҳисоби 9-журнал-ордерда юритилади.

Унинг амалда асосий ҳисобланувчи биринчи бўлимида мазкур ҳисобварак кредити бўйича оборотлар дебетланадиган ҳисобвараклар билан корреспонденцияда қайд этилади, «Таҳлилий маълумотлар» бўлимида эса ички хўжалик ҳисоб-китоблари ҳаракати ҳамда уларнинг тегишли ҳисбот давридаги қолдиги ҳар бир алоҳида хўжалик бўйича кўрсатилади.

79-ҳисобварак кредити бўйича оборотлар корреспонденциядаги ҳисобвараклар бўйича («Касса» деган 50-ҳисобварак ва «Ҳисоб-китоб вараги» деган 51-ҳисобварак дебети билан корреспонденциядаги суммалардан ташқари) тегишли бирламчи ҳужжатлар маълумотларида ифодаланади. 50 ва 51-ҳисобвараклар дебети билан корреспонденциядаги суммалар 1 ва 2-қайдномалар маълумотлари бўйича ойлик якунлар сифатида кўрсатилади.

«Ички хўжалик ҳисоб-китоблари» деган 79-ҳисобварак таркибида қуйидаги илова ҳисобвараклар очилиши мумкин:

- 79-1 «Ажратилган мулк бўйича»;
- 79-2 «Жорий операциялар бўйича» ва бошқалар.

«Ажратилган мулк бўйича» деган 79-1 илова ҳисобваракда корхонанинг алоҳида балансга чиқарилган филиаллари, ваколатхоналари, бўлимлари ва бошқа алоҳида бўлинмалари билан уларга берилган асосий ҳамда оборот маблағлари бўйича ҳисоб-китобларниң ахволи ҳисобга олинади. Бундай корхоналарга ажратилган мулк бош корхона томонидан «Асосий воситалар» деган 01-ҳисобварак ва бошқа ҳисобвараклардан «Ички хўжалик ҳисоб-китоблари» деган 79-ҳисобварак дебетига ҳисобдан ўчирилади. «Ички хўжалик ҳисоб-китоблари» деган 79-ҳисобварак юзасидан таҳлилий ҳисоб корхонада алоҳида балансга чиқарилган ҳар бир бўлинма бўйича юритилади. Корхона бундай бўлинмаларга ажратган мулк мазкур бўлинмалар томонидан «Ички хўжалик ҳисоб-китоблари» деган 79-ҳисобварак кредитидан «Асосий воситалар» деган 01 ва бошқа ҳисобвараклар дебетига ўтказиш йўли билан ҳисобга олинади. «Жорий операциялар бўйича» деган 79-2 илова ҳисобваракда корхона ўзининг алоҳида балансга чиқарилган филиаллари, ваколатхоналари, бўлимлари ва бошқа алоҳида бўлинмалари билан олиб борадиган бошқа барча ҳисоб-китобларниң ахволи қайд этиб турилади.

Корхона балансида хўжалик доирасидаги ҳисоб-китоблар акс эттирилмайди. «Ички хўжалик ҳисоб-китоблари» деган 79-ҳисобварак юзасидан таҳлилий ҳисоб корхонанинг алоҳида балансга чиқарилган филиаллари, ваколатхоналари, бўлимлари ва бошқа алоҳида бўлинмалари бўйича юритилади.

## **96-§. Корхонада олинган фойда ва зааранинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби**

Олинган фойда ва кўрилган зааранинг бухгалтерия ҳисоби «Фойдалар ва заарлар» деган 80-ҳисобваракда юритилади. Мазкур ҳисобварак корхона ҳисобот йилида олиб борган фаолиятнинг пировард молиявий натижаси-

ни шакллантиришга доир мълумотларни умумлантириш учун мўлжалланган.

«Фойдалар ва заарлар» деган 80-хисобварак таркибида кўйидаги илова хисобвараклар очилади:

- 80-1 «Махсулот, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан кўрилган фойда (зарар)»;
- 80-2 «Давр харажатлари»;
- 80-3 «Операцияларга доир даромад ва тушумлар»;
- 80-4 «Молиявий фаолиятдан кўрилган фойда ва заарлар»;
- 80-5 «Фавқулодда фойда ва заарлар».

«Махсулот, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан кўрилган фойда (зарар)» деган 80-1 илова хисобварак «Махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобварак билан корреспонденцияда тайёр маҳсулот, ярим тайёр маҳсулотлар, ҳарид қилинадиган товарларни сотиши, ишлар бажарини ва хизматлар кўрсатишдан олинган молиявий натижани акс эттириш учун хизмат қиласи. Савдо ташкилотлари бу илова хисобваракка сотиб олиниб, кейин сотилган товарлар бўйича савдо устамаси (ялши даромад)ни киритгандилар.

«Давр харажатлари» деган 80-2 илова хисобваракда «Давр харажатлари» деган 26-хисобваракдан ўтказиладиган ҳамда 26-хисобваракда бўлгани каби тегиншли илова хисобвараклар бўйича согув харажатлари, мъмурний чикимлар ва операцияларга доир бошқа харажат ҳамда заарларга қараб тақсимланадиган чикимлар акс эттирилади.

«Операцияларга доир даромад ва тушумлар» деган 80-3 илова хисобварак «Харажатлар таркиби тўғрисида низом»да кўзда тутилган даромадлар хисобини юритиш учун мўлжалланган. Таҳлилий хисоб кўйида кўрсатилган харажатлар бўйича ташкил қилинади:

- ундириб олинган ёки кауздор эътироф этган жарималар, пенялар, бурдизлек тўловлари (неустойкалар) ҳамда хўжалик шартномаси шартларини

бузғанлық учун бошқа жазо турлари, шунингдек ет-  
казилған заарар ўрнини қоплашга доир даромадлар. Бундай даромадлар ҳисоби ҳисоб-китоблар ёки пул  
маблағлари ҳисоби юритиладиган ҳисобвараклар  
билан корреспонденцияда олиб борилади;

- аввалги йилларда олинниб, ҳисобот йилида аниқ-  
ланған фойда. Бунга, хусусан, аввалги йилда олин-  
ған ва сарфланған мөддий бойликлар, күрсатилған  
хизматлар бүйінча қайта ҳисоб-китоб қилиш нати-  
жасыда маҳсулот етказиб берувчилардан түшгап сум-  
малар; аввалги йили сотылған маҳсулот бүйінча қай-  
та ҳисоб-китоб қилиш натижасыда харидорлар ва  
буортмачилардан олинған суммалар ҳамда шунга  
үхшаш бошқа мөддәлар киради. Бундай турдаги фой-  
да пул маблағлари ёки тегишли ҳисоб-китоблар  
ҳисоби юритиладиган ҳисобваракларнинг дебет қис-  
ми билан корреспонденцияда акс эттирилади;
- ишлаб чыкариш ва маҳсулот сотиш (ишлар бажа-  
риш, хизматлар күрсатиши), билан бевосита бөрлик  
бўлмаган операциялардан рента даромади сифати-  
да олинадиган бошқа даромадлар, корхоналар ҳузу-  
ридаги ошхоналардан келадиган тушумлар, ёрдам-  
чи хизматлар келтирадиган даромадлар. Шу бўлим-  
нинг ўзида идишларга доир операциялардан оли-  
надиган даромадлар ҳам акс эттирилади. Буларга  
қуйидагилар киради: янги идишнинг нархномадаги  
баҳоси билан харидорлар идишни қайтараётганда-  
ги топшириш баҳоси ўргасидаги фарқ; маҳсулот  
етказиб берувчи гаров нархи белгиланған идишлар-  
ни кирим қилаётганда уларнинг гаров қиймати би-  
лан амалда белгиланған қиймати (ёки харидорлар  
идишни қайтараётганда камомад ўрнини қоплаш  
учун тўлайдиган қиймат) орасидаги фарқ; идиш  
тўпловчи ташкилотлар идишларни ва идиш мате-  
риалларини топшириши пайтида (харид нархидан  
юқори бахода) идишлар қиймати өрасидаги фарқ;  
кўп маротаба ишлатилидиган идишлар тузатилиши

ҳамда эскириши муносабати билан маҳсулот етказиб берувчи кўтарадиган чиқимларни қоплаш учун унга тўланадиган суммалар;

- корхона асосий фондлари ва бошқа мол-мулкини сотишдан олинган даромад;
- даъво муддати тутаган кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқариш натижасида олинган даромадлар;
- операцияларга доир бошқа даромадлар. Бунга операцияларга доир даромадлар (асосий фаолиятдан олинадиган ва юкорида айтиб ўтилмаган даромадлар)нинг барча турлари киради.

«Молиявий фаолиятдан кўрилган фойда ва заарлар» деган 80-4 илова ҳисобваракда корхона молиявий фаолияти натижасида келиб чиқадиган даромад ва харажат (зарар)лар алоҳида-алоҳида акс эттирилади. Буларга куйидагилар киради:

- сармоя трансфертидан олинган даромад ва роялти;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида бошқа корхоналар фаолиятида улушбай асосида иштирок этишдан олинган даромадлар, корхонага тегишли акциялар бўйича дивидендлар ҳамда облигациялар ва бошқа кимматли қофозлар бўйича даромадлар;
- мулкни узок муддатли изярага беришдан олинган даромад;
- валюта ҳисобвараклари, шунингдек хорижий валютадаги операциялар бўйича мусбат курс тафовутлари;
- кимматли қофозларга, шульба корхоналар ва бошқаларга йўналтирилган маблағларни қайта баҳолашдан олинган фойда;
- молиявий фаолият натижасида олинган бошқа даромадлар. Ушбу моддага юкоридагиларда айтиб ўтилмаган, молиявий фаолият натижасида олинадиган даромадлар киради;

- банк кредитлари бўйича Ўзбекистон Марказий банки белгилаган ҳисоб ставкаси доирасидаги ва ундан юқори ҳажмдаги тўловлар; маҳсулот етказиб берувчиларниң кредитлари бўйича фоизларни тўлаш харажатлари;
- узок муддатга ижарага олинган мулк учун фоизлар тўлаш харажатлари;
- хорижий валюта билан операциялар бўйича манифий курс тафовутлари ва зарап;
- қўйилған (қимматли қофозлар, шульба корхоналар ва бошқаларга йўналтирилған) маблағларни қайта баҳолаш натижасида аниқланган зарап;
- акциялар, облигациялар, векселлар ва бошқа қимматли қофозларни чиқариш ва тарқатиш билан боғлиқ харажатлар. Бунга бланклар сотиб олиш, уларни тарқатганлик учун банкка восигачилик ҳақи тўлаш каби харажатлар киради;
- Молиявий фаолият билан боғлиқ, юкорида айтиб ўтилмаган бошқа харажатлар.

«Фавқулодда фойда ва заарлар» деган 80-5 илова ҳисобварақ мазқур корхона учун одатий бўлмаган, кутилмаган ҳамда унинг одатдаги фаолиятига алоқаси йўқ тасодифий фойда ва даромад ҳисобини юритиш учун мўлжалланган. Тасодифий, кутилмаган ҳамда ғайриодатий йўқотиш ва заарлар ҳам шу илова ҳисобварақда акс эттирилади. У ёки бу модда фавқулодда фойда ва заарлар моддаси сифатида акс эттирилиши учун у қўйидаги уч асосий мезонга жавоб бериши лозим:

1. Ўз характерига кўра ғайриоддий бўлиши (корхонанинг одатдаги хўжалик фаолияти учун характерли бўлмаслиги).

2. Бир неча йиллар мобайнида такрорланмаслиги.  
3. Корхона бошқарув ҳодимлари ёки мулқдорлари қабул киладиган қарорларга боғлиқ бўлмаслиги керак.

Масалан, хорижий давлатлар амалиётида қуйидагилар фавқулодда заарлар ҳисобланади:

- табиий оғат оқибатидаги катта талафотлар;

- уруш, инкилоб сингари сиёсий ларзалар натижасидаги талафотлар;
- мазкур мамлакат қонунлари ўзгариши (миллий-лаштириш түркисида, тақиқлаш ҳакида қарорлар қабул килиниши) натижасидаги талафотлар.

Ҳар бир хисобот даври охирида илова хисобвараптар күрсаткычлари жамланиб, 80-хисобварақ бўйича умумий сальдо хисоблаб чиқилади. Бу сальдо хисобот даврида кўрилган, солиққа тортилмасдан олдинги умумий баланс фойдаси (ёки зарари)ни ифодалайди.

«Фойда ва заарлар» деган 80-хисобварақ юзасидан тахлилий ҳисоб ҳар бир фойда ва зарар моддаси бўйича юритилади.

«Фойда ва зарарлар» деган 80, «Хисобланган ва тўланган фойда соликлари» деган 81,  
«Бўлгуси даврлар даромадлари» деган 83-хисобварақлар кредити бўйича

15-ЖУРНАЛ-ОРДЕР  
19\_\_ йил \_\_\_\_\_ учун

№	Операция номи	80-хисобварақ кредитидан қўйидаги хисобварақлар дебетига							Жам-ми
		09 «Ижара мажбуриятлари»	46 «Маҳс. сотилиши»	47 «Асосий воситалар сотилиши»	48 «Бошқа активлар сотилиши»	83 «Бўлгуси даврлар даромадлари»	№	№	
164									
	Жами:								

15-журнал-ордернинг давоми

№	Номи	81-хисобварақ кредитидан қўйидаги хисобварақ дебетига		Жами	№	Операция номи	83-хисобварақ кредитидан қўйидаги хисобварақлар дебетига				Жами
		80 «Фойда ва зарарлар»	№				52 «Валюта хисоб-вараги»	73 «Бошқа опер. бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар»	76 «Турли дебитор ва кред. билан хисоб-китоблар»	№	
165											
	Жами										

Журнал-ордер 19\_\_ йил \_\_\_\_\_ да тутталаади.

Бош дафтарда оборотлар суммаси 19\_\_ йил \_\_\_\_\_ да қайд этилди.

Ижрочи \_\_\_\_\_

## 97-§. Корхонада сарфланган фойда хисобини юритиш тартиби

Сарфланган фойданинг бухгалтерия хисоби «Фойданни ишлатиш» деган 81-хисобварақда юритилади. Бу хисобварақ хисобот йилида олинган фойда шу йил мобайнида қандай сарфланганни түркисидаги маълумотларни умумлаштириш учун хизмат килади. Хисобот йили туганидан кейин йиллик бухгалтерия хисоби тузилётганда бу хисобварақ ёнилади.

«Фойданни ишлатиш» деган 81-хисобварақ таркибида куйидаги илова хисобвараклар очилиши мумкин:

- 81-1 «Фойдадан бюджетта тўловлар»;
- 81-2 «Бошқа мақсадларга сарфланган фойда».

«Фойдадан бюджетта тўловлар» деган 81-1 илова хисобваракда йил давомида фойдадан қонунларга муовифик хисобланган бўнак тўловлари ҳамда амалда олинган фойдага қараб шу солиқлар юзасидан килинган қайта хисоб-китоблар бўйича тўловлар хисоби юритилади. Фойда солиғини хисоблаш ва тўлаш тартиби қонунлар ҳамда бошқа меъёрий хужжатлар билан бошқарилади.

«Бошқа мақсадларга сарфланган фойда» деган 81-2 илова хисобваракда «Резерв сармояси» деган 85-2 илова хисобварак, «Махсус фонdlар» деган 88-хисобварак, «Мақсадли маблағ ажратиш ва тушумлар» деган 96-хисобварак, «Муассислар билан хисоб-китоблар» деган 75-хисобварак ва «Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар)» деган 87-хисобваракка ажратмалар хисоби юритилади.

«Фойданни ишлатиш» деган 81-хисобваракдаги суммалар йил охирида шу хисобварақ кредитига ҳамда «Фойда ва зарарлар» деган 80-хисобварак дебетига якуний ёзувлар киритиш йўли билан хисобдан чиқарилади.

«Фойданни ишлатиш» деган 81-хисобварақ юзасидан тахлилий хисоб ажратмалар, бадаллар ва тўловлар турлари бўйича юритилади.

## 98-§. Гумонли қарзларга доир резервлар ҳисобини юритиш тартиби

«Ҳисобвараклар режаси»га мувофик, гумонли қарзларга доир резервларнинг бухгалтерия ҳисоби «Гумонли қарзларга доир резервлар» деган 82-хисобваракда юритилади. Мазкур ҳисобварак гумонли қарзлар учун ташкил этилган резервларнинг аҳволи ва ҳаракати түғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофик, корхонанинг белгиланган муддатда узилмаган ва тегишли кафолатлар билан таъминланмаган дебиторлик қарзи гумонли қарз ҳисобланади.

Гумонли қарзларга доир резервлар ҳисобот йили охирида корхонанинг дебиторлик қарзини инвентарлаш натижалари асосида вужудга келтирилади.

Резерв ҳажми қарздорнинг молиявий аҳволи (тўлов қобилияти)га ва қарз тўлиқ ёки қисман қайтарилиши эҳтимоли баҳосига қараб ҳар бир гумонли қарз бўйича алоҳида белгиланади.

Агар гумонли қарзга доир резерв ташкил қилинган йилдан кейинги йил охиригача бу резервнинг бирон-бир қисмидан фойдаланилмаса, у холда фойдаланилмаган сумма тегишли йил фойдасига қўшилади.

Ташкил этилаётган резервлар суммаси «Гумонли қарзларга доир резервлар» деган 82-хисобварак дебетига ёзиб қўйилади.

Талаб қилинмаган, гумонлилигини корхона илгари эътироф этган қарзлар балансдан чиқарилаётганда бу ҳолат «Гумонли қарзларга доир резервлар» деган 82-хисобварак дебетида дебиторлар билан ҳисоб-китоблар ҳисоби юритиладиган тегишли ҳисобвараклар билан қорреспонденцияда қайд этилади. Гумонли қарзларга доир резервларнинг сарфланмаган суммалари бу резервлар ташкил этилган йилдан кейинги йил фойдасига қўшиб юборилаётганда бу ҳолат «Гумонли қарзларга доир ре-

зервлар» деган 82-хисобварак дебетида ва «Фойда ва заррлар» деган 80-хисобварак кредитида акс эттирилади.

«Гумонли қарзлар бўйича резервлар» деган 82-хисобварак юзасидан таҳжилий хисоб резерв ташкил этилган ҳар бир гумонли қарз бўйича юритилади.

## 99-§. Бўлғуси даврлар даромадлари ҳисобини юритиш тартиби

«Хисобвараклар режасига мувофиқ бўлғуси даврлар даромадларининг бухгалтерия хисоби «Бўлғуси даврлар даромадлари» деган 83-хисобваракда юритилади. Ушбу хисобварак хисобот даврида олинган (хисоблаб ёзилган) лекин келгуси хисобот давларига кирадиган даромадлар, шунингдек аввалги йилларда йўл кўйилиб, хисобот даврида аниқланган камомадлар бўйича кутилаётган тушумлар, айбор шахслардан ундирилиши керак бўлган суммалар билан кам чиқсан бойликларнинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

«Бўлғуси даврлар даромадлари» деган 83-хисобварак таркибида қуйидаги илова хисобвараклар очилиши мумкин:

- 83-1 «Бўлғуси даврлар хисобига олинган даромадлар»;
- 83-2 «Аввалги йиллар учун аниқланган камомадлар бўйича тўланадиган қарз тушумлари»;
- 83-3 «Айбор шахслардан ундирилиши керак бўлган суммалар билан кам чиқсан бойликларнинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ» ва бошқалар.

«Бўлғуси даврлар хисобига олинган даромадлар» деган 83-1 илова хисобваракда хисобот даврида олинган, лекин келгуси хисобот давларига тааллукли бўлган даромадлар хисоби юритилади. Булар, хусусан, ижара ёки квартира ҳаки, коммунал хизматлар ҳаки, юк ташишдан олинган тушум, ойлик ва чораклик чипгалар бўйича йўлов-

чи ташищдан олинган тушум, алоқа воситаларидан фойдаланганлик учун абонемент ҳаки ва бошқалар.

«Аввалги йиллар учун аниқланган камомадлар бүйича тўланадиган карз тушумлари» деган 83-2-илова хисобваракда аввалги йиллар учун хисобот даврида аниқланган камомадлар бүйича тўланадиган карзлар харакати хисоби юритилади.

«Бўлғуси даврлар даромадлари» деган 83-хисобварак кредитига «Бойликлар ишдан чиқини бўйича камомад ва талафотлар» деган 84-хисобварак билан корреспонденцияда аввалги хисобот даврлари учун (хисобот даврига-ча) аниқланган, лекин айбор деб топилган ёки суд органдари ундиришга ҳукм килган шахслардан ундирилмаган бойликлар камомади суммалари акс эттирилади. Айни пайтда шу суммалар «Бойликлар ишдан чиқини бўйича камомад ва талафотлар» деган 84-хисобварак кредитига «Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 73-хисобварак («Моддий зарар ўрнини қоплаш бўйича хисоб-китоблар» деган илова хисобварак) билан корреспонденцияда ёзилади.

Камомадларга доир қарзлар сўндириб борилишига қараб «Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 73-хисобварак кредитига пул маблағлари хисоби юритиладиган хисобвараклар билан корреспонденцияда тегишли қайдлар киритилиб, айни пайтда келиб тушган суммалар «Фойда ва зарарлар» деган 80-хисобварак кредитига (аввалги йилларда олиниб, хисобот йиллida аниқланган фойда) ва «Бўлғуси даврлар даромадлари» деган 83-хисобварак дебетига акс эттириб борилади.

«Айбор шахслардан ундирилиши керак бўлган суммалар билан кам чиқкан бойликларнинг баланс қиймати ўртасидаги фарқ» деган 83-3-илова хисобваракда этишмаётган моддий ва бошқа бойликлар учун айбор шахслардан ундириладиган сумма билан шу бойликларнинг корхона балансида қайд этилган қиймати орасидаги фарқ хисобга олинади.

«Бўлғуси даврлар даромадлари» деган 83-хисобва-рақ кредитига «Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» деган 73-хисобварак («Моддий зарар ўрнини қоплаш бўйича ҳисоб-китоблар» деган илова ҳисобварак) билан корреспонденцияда айбдор шахслардан ундирилиши керак бўлган сумма билан кам чиқсан бойликларнинг баланс қиймати орасидаги фарқ акс эттирилади.

«Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» деган 73-хисобваракда ҳисобга олинган қарз узиб борилишига караб тегишли суммалари «Бўлғуси даврлар даромадлари» деган 83-хисобваракдан «Фойда ва заарлар» деган 80-хисобварак кредитига ўтказиб турилади.

«Бўлғуси даврлар даромадлари» деган 83-хисобварак юзасидан таҳлилий ҳисоб даромадларнинг ҳар бир тури бўйича юритилади.

### **100-§. Бойликлар ишдан чиқиши бўйича камомад ва талафотларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби**

«Ҳисобвараклар режаси»га мувофик моддий бойликлар ишдан чиқиши оқибатидаги камомад ва талофатларнинг бухгалтерия ҳисоби «Бойликлар ишдан чиқиши бўйича камомад ва талафотлар» деган 84-хисобваракда юритилади. Мазкур ҳисобварак бойликлар (жумладан пул маблағлари) тайёрланаётган, сакланаётган ва сотилаётган жараёнда уларнинг камлиги, талон-торож қилингани ва ишдан чиқиши натижасида йўқотилгани аникланган ҳолларда уларнинг суммалари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган. Бунда улар ишлаб чиқариш (муомала) чиқимлари ҳисобига киритилишига ёки айбдор шахслардан ундирилишига каралмайди. Айни пайтда табиий оғатлар натижасида йўқотилган бойликлар суммаси ҳисбот йилида кўрилган зарар (табиий оғатлар натижасидаги компенсацияланмаган йўқотиш-

лар) сифатида «Фойда ва заарлар» деган 80-хисобваракка ёзилади.

Бойликлар камомади, талон-торож қилиниши ва ишдан чиқиши натижасида йўқотилиши суммаларини хисобдан чиқариш тартиби қонунлар ҳамда таъсис хужжатлари билан бошқарилади.

«Бойликлар ишдан чиқиши бўйича камомад ва талафотлар» деган 84-хисобварак дебетида кўйидагилар кайд этилади:

- кам чиқсан (талон-торож қилинган) ёки бутунлай ишдан чиқсан товар-моддий бойликлар бўйича — уларнинг ҳақиқий таннархи (таминот, сотиш, савдо корхоналарида — сотув нархлари бўйича (агар шу нархларда хисоб юритиладиган бўлса) қийматда);
- кам чиқсан (талон-торож қилинган) ёки бутунлай ишдан чиқсан асосий воситалар бўйича — уларнинг қолдиқ қиймати (кўшилган бадал суммаси чегирилган дастлабки қиймат);
- кисман ишдан чиқсан моддий бойликлар бўйича — аникланган талафот суммаси.

Моддий бойликлар камомади (талон-торож қилиниши) ва ишдан чиқиши билан боғлик ёзувлар мазкур бойликларни хисобга олиш хисобвараклари кредитидан «Бойликлар ишдан чиқиши бўйича камомад ва талафотлар» деган 84-хисобварак дебетига киритилади.

Харидор маҳсулот етказиб берувчилардан келган товарларни қабул килиб олаётганда улар камлиги ёки ишдан чиқсанни аникласа, товарларни кирим қилаётгандан табиий камайини меъёрлари дойрасидаги камомад суммасини «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар» деган 60-хисобварак кредитидан «Бойликлар ишдан чиқиши бўйича камомад ва талафотлар» деган 84-хисобварак дебетига ўтказади, табиий камайини меъёрларидан ортиқ чиқсан, маҳсулот етказиб берувчилар ёки транспорт ташкилотига хабар қилинган йўқотиш суммасини «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пудратчилар билан хисоб-китоблар» деган 60-хисобварак

кредитидан «Даъволар бўйича хисоб-китоблар» деган 63-хисобварак дебетига киритади. Ҳакамлик органлари йўқотиши суммаларини маҳсулот етказиб берувчилар ёки транспорт ташкилотларидан ундиришдан бош тортса, илгари «Даъволар бўйича хисоб-китоблар» деган 63-хисобварак дебетига киритилган сумма «Бойликлар ишдан чикиши бўйича камомад ва талафотлар» деган 84-хисобваракка хисобдан ўчирилади.

Ҳакамлик органлари табиий камайиш меъёрларидан ортиқ ҳажмда кам чиқсан ва йўқотиленган товар-моддий бойликлар суммаларини маҳсулот етказиб берувчидан ундириш тўғрисида қарор қабул қилганда маҳсулот етказиб берувчининг бухгалтерия хисобида илгари «Хисоб-китоб вараги» деган 51, «Валюта хисобвараги» деган 52-хисобвараклар ёки «Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар» деган 60-хисобварак дебетида ҳамда «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобварак кредитида акс эттирилган сотув суммаси харидор ундириб олган камомад ва йўқотишлир суммасига сторно килинади. Айни пайтда мазкур сумма «Хисоб-китоб вараги» деган 51, «Валюта хисобвараги» деган 52 ёки «Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар» деган 60-хисобвараклар дебетига ва «Турли дебитор ва кредиторлар билаи хисоб-китоблар» деган 76-хисобварак кредитига оддий ёзув билан киритилади. Суммалар харидорга ўтказилаётганда «Турли дебитор ва кредиторлар билаи хисоб-китоблар» деган 76-хисобварак «Хисоб-китоб вараги» деган 51-хисобварак билан корреспонденцияда дебетланади. Шунингдек, маҳсулот етказиб берувчи «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши» деган 46-хисобварак дебети ҳамда «Тайёр маҳсулот» деган 40-хисобварак кредити бўйича оборотларни сторнолашибломиз. Шу тариқа «Тайёр маҳсулот» деган 40-хисобваракда тикланган сумма кейин «Бойликлар ишдан чикиши бўйича камомад ва талафотлар» деган 84-хисобварак дебетига хисобдан ўчирилади.

«Бойлиқлар ишдан чикиши бүйича камомад ва талафотлар» деган 84-хисобварап кредитида куйидагилар хисобдан чиқарылыш акс эттириллади:

- бойликларнинг табиий камайиш меъёрлари доирасидаги камомади ва ишдан чикиши — моддий бойликлар хисоби юритиладиган хисобварапларга (улар тайёрлов вақтида аникланган ҳолларда) ёки ишлаб чиқариш, муомала чиқимлари хисоби юритиладиган хисобварапларга (улар саклаш ёки сотиш вақтида аникланган ҳолларда);
- бойликлар табиий камайиш меъёрларидан ортиқ даражада кам бўлиши, ишдан чикиш натижасида йўқотилиши, шунингдек талон-торож қилинган бойликлар — «Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 73-хисобварап («Моддий зарар ўрнини қоплаш бўйича хисоб-китоблар») дебетига;
- айбор шахслар аникланмаган ҳолда бойликлар табиий камайиш меъёрларидан ортиқ даражада кам чиқинши, ишдан чикиш натижасида йўқотилиши, шунингдек даъволар асоссизлиги туфайли суд ундириб беришдан бош тортган товар-моддий бойликлар камомади ҳамда талон-торож қилиниши — ишлаб чиқариш ёки муомала чиқимлари хисобварапларига.

«Бойликлар ишдан чикиши бўйича камомад ва талафотлар» деган 84-хисобварап кредит кисмида шу хисобварап дебетида хисобга олинган микдор ва ҳажмлардаги суммалар акс эттириллади. Бунда, кам чиқкан, талон-торож қилинган ёки бузилган моддий бойликлар уларнинг хақиқий таниархи бўйича ишлаб чиқариш ва муомала чиқимлари хисобварапига хисобдан чиқарилади. Юқорида айтилган бойликлар кийматини «Бойликлар ишдан чикиши бўйича қамомад ва талафотлар» деган 84-хисобварап дебетида сотув нархларида акс эттирадиган таъминот, сотиш ва савдо корхоналари муомала чиқимлари хисобига ўтказилған суммани «Савдо устамаси» де-

ган 42-хисобваракдан шундай товарларга түрі келадиган сийлов (устама) суммаларини олиб, ўзгартирадилар. Агар талон-торож қилингандың ёки кам чиққан бойликлар қийматы уларнинг баланс қийматидан ортик ҳажмда айбдор шахслардан ундириладиган бўлса, у ҳолда кам чиққан бойликларнинг «Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 73-хисобваракка киритилган қиймати билан «Бойликлар ишдан чиқиши бўйича камомад ва талафотлар» деган 84-хисобваракда акс эттирилган қиймати орасидаги фарқ «Бўлғуси даврлар даромадлари» деган 83-хисобварак кредитига киритилади. Айбдор шахсдан олиниши керак бўлган сумма ундириб борилишига қараб, юқорида кўрсатилган фарқ «Бўлғуси даврлар даромадлари» деган 83-хисобваракдан чиқариб турилади.

Аввалги даврларга тааллукли бўлган, лекин жорий йилда аниқланган, моддий-жавобгар шахслар томонидан тан олингандың ёки айбдор шахслардан ундириб олиш тўргисида суд органларининг қарори чиқарилган камомадлар «Бойликлар ишдан чиқиши бўйича камомад ва талафотлар» деган 84-хисобварак дебетида ва «Бўлғуси даврлар даромадлари» деган 83-хисобварак кредитига акс эттирилади. Айни пайтда бу суммалар «Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан хисоб-китоблар» деган 73-хисобварак дебетида («Моддий зарар ўринини қоплаш бўйича хисоб-китоблар» деган илова хисобвараги) ва «Бойликлар ишдан чиқиши бўйича камомад ва талафотлар» деган 84-хисобварак кредитига қайд этилади. Қарз узилишига қараб «Фойда ва заарлар» деган 80-хисобварак кредити ҳамда «Бўлғуси даврлар даромадлари» деган 83-хисобварак дебетига тегишли суммалар ёзиб борилади.

## 101-§. Устав сармояси хисобини юритиш тартиби

«Хисобвараклар режаси» га мувофиқ устав сармоясинг бухгалтерия хисоби «Устав сармояси (фонди)» деган 85-хисобваракда юритилади. Мазкур хисобварак

корхона устав фондининг ҳолати ва ҳаракати тўғрисида-  
ги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Бу хисобваракда корхонанинг ўз маблағлари ман-  
баларининг ҳисоби куйидаги илова хисобвараклар бўйи-  
ча юритилади:

85-1 «Устав сармояси (фонди)»;

85-2 «Кўшилган сармоя»;

85-3 «Резерв сармояси».

«Устав сармояси (фонди)» деган 85-1-илова хисоб-  
вараги давлат корхоналари, бирлашмалари ва ташкилот-  
ларининг устав фонди ҳисобини ҳамда акциядорлик жа-  
миятлари ва ширкатларининг устав сармояси ҳисобини  
юритиш учун мўлжалланган. Мазкур илова хисобварак-  
да рўйхатга олинган ҳажм доирасида ҳақиқатдаги устав  
сармояси ёки пули тўланган акцияларнинг номинал қий-  
мати акс эттирилади. Бу илова ҳисобваракда акциядор-  
лик жамияти акциялари пули тўланиши ва уларга обуна  
бўлинишини кузатиб бориш учун кўшимча илова хисоб-  
вараклар очилиши мумкин. Булар:

85-1-1 «Эълон қилинган сармоя»;

85-1-2 «Обуна сармояси»;

85-1-3 «Тўланган сармоя»;

85-1-4 «Муомаладан чиқарилган сармоя».

Ҳар бир хисбот даври охирида илова ҳисобварак-  
лари сальдоси жамланиб, 85-1-хисобваракнинг умумий  
сальдоси чиқарилади. Бу умумий қолдик устав сармояси  
суммасидан ортиб кетмаслиги лозим.

Иштирокчиларга уларнинг пайи, устав сармояси-  
даги улуши қайтариб берилishi устав сармояси суммаси-  
ни камайтирамайди, балки бу сумма акциядорлик жамия-  
ти қайта сотиб олган ўз акциялари суммаси сифатида рас-  
мийлаштирилиб, «Пул хужжатлари» деган 56-хисобварак  
дебетига киритилади. Тахлилий ҳисоб чиқарилган ва пули  
тўланган акциялар, уларни ушловчиларнинг хисобварак-  
лари ёки муассислар ва омонатчиларнинг шахсий хисоб-  
варакларига доир маълумотлар жамланишини таъминла-  
ши керак.

«Күшилган сармоя» деган 85-2-илова ҳисобварағи акциялар ўз номинал қийматидан ортік бирламчи нархда сотилғанда олинадиган эмиссия даромади ҳисобини юритиши учун мұлжалланған.

«Резерв сармояси» деган 85-3-илова ҳисобварағи корхона уставынан, мұлк қайта бағланғанда вужуда келдиган фойда, инфляция резервлари, шунингдек бепул олинған мұлк қиймати (пул маблағлардан ташқары), акциядорлик жамияти (ширкати)нинг мулкини күпайтирувчи бошқа түшумлар ҳисобидан ташкил этиладиган резервлар ҳисобини юритиши учун мұлжалланған.

Корхона давлат рүйхатидан ўтганидан сүнг унинг таъсис құжжатларыда күзде тутилған иштирокчилар улуттың қажмидаги устав сармояси (акцияларга қилинған обуна суммаси микдорида) «Устав сармояси (фонди)» деган 85-ҳисобварақ кредитида «Муассислар билан ҳисоб-китоблар» деган 75-ҳисобварақ билан корреспонденцияда акс эттирилади. Муассислар күйилмаларининг ҳақиқиي тушуми «Муассислар билан ҳисоб-китоблар» деган 75-ҳисобварақ кредитида пул маблаглары ва бошқа бойликлар ҳисоби юритиладиган ҳисобварақлар билан корреспонденцияда қайд этилади.

«Устав сармояси (фонди)» деган 85-ҳисобварақ юзасидан таҳлилий ҳисоб корхона муассислари бүйіча юритилади. Акциядорлик жамияти шаклида ташкил этилген корхоналарда «Устав сармояси (фонди)» деган 85-ҳисобварақда.

## Корхона

«Устав сармояси (фонди)» деган 85, «Резерв фонди» деган 86, «Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар)» деган 87, «Бўлғуси харажат ва тўловлар резервлари» деган 89,  
 «Мақсадуни маблағ ажратиш ва тушумлар» деган 96-ҳисобвараклар кредити бўйича

## 12-ЖУРНАЛ-ОРДЕР

19 йил \_\_\_\_\_ учун таҳлилий маълумотлар

«Устав сармояси (фонди)» деган 85-ҳисобварақ «Устав сармояси (фонди)» деган 85-1-ҳисобварақ			
Ёзув №	Асос (агар керак бўлса — ва ёзув мазмуни)	85-1-ҳисобварақ кредитидан қўйилдаги ҳисобварақлар дебетига	Жами

«Кўшилган сармоя» деган 85-2-ҳисобварақ					
Ёзув №	Асос (агар керак бўлса — ва ёзув мазмуни)	85-2-ҳисобварақ кредитидан қўйидаги ҳисобварақлар дебетига			Жами

178

«Резерв сармоя» деган 85-3-ҳисобварақ					
Ёзув №	Асос (агар керак бўлса — ва ёзув мазмуни)	85-3-ҳисобварақ кредитидан қўйидаги ҳисобварақлар дебетига			Жами

«Резерв фонди» деган 86-ҳисобварақ					
Ёзув №	Асос (агар керак бўлса — ва ёзув мазмуни)	86-ҳисобварақ кредитидан қўйидаги ҳисобварақлар дебетига			Жами

179

«Тақсимланмаган фойда ва зарар» деган 87-ҳисобварақ					
Ёзув №	Асос (агар керак бўлса — ва ёзув мазмуни)	87-ҳисобварақ кредитидан қўйидаги ҳисобварақлар дебетига			Жами

«Бүлгеси харажат ва тұловлар резервлари» деган 89-хисобварақ				
Ёзув №	Ассо (агар керак бўлса – ва ёзув мазмуни)	89-хисобварақ кредитидан куйидаги хисобварақлар дебетига	Жами	

180

«Мақсадлы маблаг ажратыш ва тушумлар» деган 96-хисобварақ							
Ёзув №	Асос (агар керак бўлса — ва ёзув мазмуни)	96-хисобварақ кредитидан қўйидаги ҳисобварақлар дебетига					96-хисобварақ кредити бўйича жами
		50 «Касса»	51 «Ҳисоб-китоб вараги»	52 «Валюта ҳисоб-вараги»	76 «Турли дебитор ва кредиторлар билан ҳисоб-китоблар»		
	Жами						

85, 86, 87, 89, 96-хисобвараптарга донир тахлилдің маълумоттар

181

## **102-§. Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)нинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби**

«Ҳисобварақлар режаси»га мувофик, тақсимланмаган фойданинг бухгалтерия ҳисоби «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» деган 87-ҳисобварақда юритилади. Мазкур ҳисобварақ корхонага тегишлі тақсимланмаган фойда ёки тақсимланмаган зарар суммалари мавжудлиги ва ҳаракати түғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

«Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» деган 87-ҳисобварақда куйидаги илова ҳисобварақлар очилиши мумкин:

87-1 «Ҳисбот йилидаги тақсимланмаган фойда (зарар)»;

87-2 «Аввалги йиллардаги тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)».

Соф фойда ҳисобидан резерв сармоясига ажратмалар, дивидендлар ёзиш бухгалтерия ҳисобида «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» деган 87-ҳисобварақ дебетида кайд этилади. 87-ҳисобварақ бўйича кредит сальдоси акциядорлик жамияти ёки ширкати таъсис этилганидан кейин ўтган бутун давр мобайнида тўплангац (капиталлаштирилган) фойда суммаси ҳисобланади. «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» деган 87-ҳисобварақ бўйича дебет сальдоси корхона ёки ташкилотнинг қопланмаган зарари суммасини ифодалайди.

Ҳисбот йилидаги тақсимланмаган фойда суммаси декабрь ойида якуний оборотлар чиқарилаётганда «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» деган 87-ҳисобварақ кредитига «Фойда ва зарарлар» деган 80-ҳисобварақ билан корреспонденцияда ўтказилади. Ҳисбот йилидаги зарар суммаси декабрь ойида якуний оборотлар ҳисоблаб чиқилаётганда «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» деган 87-ҳисобварақ дебетига «Фойда ва зарарлар» деган 80-ҳисобварақ билан корреспонденцияда ўтказилади.

Ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойда корхона муассисларига даромад сифатида тұланаётганды бу холат «Тақсимланмаган фойда (копланмаган заар)» деган 87-хисобварап дебетида ҳамда «Муассислар билан ҳисоб-китблар» деган 75-хисобварап ва «Мехнатта ҳақ тұлаш бүйіча ходимлар билан ҳисоб-китблар» деган 70-хисобварап крэдитида акс эттирилади. Ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойда суммасининг корхона муассисларига даромад тұланғанидан кейин қолған қисми «ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойда (заар)» деган 87-1-илова хисобварапидан, «Аввалғи йиллардаги тақсимланмаган фойда (копланмаган заар)» деган 87-2-илова хисобварапига ўтказилади.

Ҳисобот йилидаги заарнинг бухгалтерия балансидан чиқарилиши «Тақсимланмаган фойда (копланмаган заар)» деган 87-хисобварап кредитида қуйидаги хисобвараплар билан корреспонденцияда қайд этилади: 85-3 «Резерв сармояси» — резерв сармояси маблағлари заар үрнини қоплашга йўналтирилганда; 88 «Махсус фондлар» — маҳсус мақсадларга мўлжалланган фонд маблағлари заар үрнини қоплашга йўналтирилганда; 75 «Муассислар билан ҳисоб-китблар» — заар үрни корхона муассисларининг мақсадли бадаллари хисобидан қопланганда ва ҳ.к. Агар қопланмаган заарни бухгалтерия балансида қолдириши түррисида (уни келгуси ҳисобот даврларида ҳисобдан чиқарипни назарда тутиб) қарор қабул қилинган бўлса, у ҳолда бундай заар суммаси «ҳисобот йилидаги тақсимланмаган фойда (заар)» деган 87-1-илова хисобварапидан «Аввалғи йиллардаги тақсимланмаган фойда (копланмаган заар)» деган 87-2-илова хисобварапига ўтказилади.

«Аввалғи йиллардаги тақсимланмаган фойда (копланмаган заар)» деган 87-2-илова хисобварапидан аввалғи йилларга тегишли бўлган, тақсимланмаган фойда ёки қопланмаган заар суммаларининг ҳаракати ҳисобга олиб борилади.

Аввалги йиллардаги тақсимланмаган фойдани ишлатиш «Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар)» деган 87-хисобварап дебетида қуйидаги хисобвараплар билан корреспонденцияда акс эттирилади: 86 «Резерв фонди» — тақсимланмаган фойда суммалари резерв фондини түлдиришга йўналтирилганда; 85 «Устав фонди» — тақсимланмаган фойда суммалари устав фондини кўпайтиришга йўналтирилганда; 88 «Махсус фондлар» — тақсимланмаган фойда суммалари корхона томонидан тъйсис хужоатларига мувофик ташкил этиладиган махсус фондларни кўпайтиришга йўналтирилганда; 75 «Муассислар билан хисоб-китоблар» — тақсимланмаган фойда суммалари корхона муассисларига даромад тўлаш учун сарфланганда ва х.к.

Аввалги йиллардаги қопланмаган зарарнинг хисобдан чиқарилиши «Тақсимланмаган фойда (копланмаган зарар)» деган 87-хисобварап кредитида қуйидаги хисобвараплар билан корреспонденцияда акс эттирилади: 81 «Фойдани ишлатиш» — хисбот йилидаги фойда суммалари аввалги йилларнинг қопланмаган зарари ўринини түлдиришга йўналтирилганда; 85-3 «Резерв сармояси» — резерв фонди мабларлари аввалги йилларнинг қопланмаган зарари ўринини түлдиришга йўналтирилганда; 75 «Муассислар билан хисоб-китоблар» — аввалги йилларнинг қопланмаган зарари ўни корхона муассисларининг аниқ мақсадли бадаллари хисобидан түлдирилганда ва х.к.

### **103-§. Бўлғуси харажат ва тўловлар резервлари хисобини юритиш тартиби**

«Хисобвараплар режаси»га мувофик, бўлғуси харажатлар ва тўловлар резервлари фондларнинг бухгалтерия хисоби «Бўлғуси харажат ва тўловлар резервлари» деган 89-хисобварапда юритилади. Мазкур хисобварап харажат ва тўловларни ишлаб чиқариш ёки муомала чиқимларига бир меъорда қўшиб бориш мақсадида белгилangan тартибда резервланган суммаларнинг ҳолати ва ҳара-

кати тұғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мұлжалланган. Хусусан бу хисобваракда қыйидаги суммалар акс эттирилиши мүмкін:

- ходимларга тұланиши керак бўлган таътил пуллари (шу жумладан ижтимоий сұфурта ва таъминот учун ажратмалар);
- кўп йил ишлагани учун ҳар йили тўланадиган тақдирловлар;
- саноатнинг мавсумий тармоқларидағи тайёргарлик ишлари бўйича ишлаб чиқариш харажатлари;
- асосий воситаларни ремонт қилишга йўналтириладиган харажатлар;
- ижарага (прокатга) бериладиган буюмларни тузатишга қилинадиган харажатлар;
- муваққат (титулли) бино ва иншоотларни барпо этиш харажатлари.

Ишлаб чиқариш ва муюмала чиқимлари ҳисобидан суммаларни резервлаш ишлари тегишли конунлар ва бошка мёйерий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

У ёки бу суммаларнинг резервга қўйилиши «Бўлғуси харажат ва тўловлар резервлари» деган 89-хисобварак кредитида ишлаб чиқариш харажатлари ёки муюмала чиқимлари ҳисоби юритиладиган ҳисобвараклар билан корреспонденцияда акс эттирилади.

Илгари резерви ташкил этилган ҳақиқий харажат ва тўловлар «Бўлғуси харажат ва тўловлар резервлари» деган 89-хисобваракнинг дебет қисмига, хусусан, қыйидаги ҳисобвараклар билан корреспонденцияда киритилади: 70 «Мехнатга ҳақ тўлаш бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» — ходимларга таътил вақти учун тўланадиган иш ҳақи ва кўп йил ишлагани учун ҳар йили бериладиган тақдирлов суммалари; 23 «Ёрдамчи ишлаб чиқаришлар» — корхонанинг ишлаб чиқариш цехлари (устахоналари)нинг асосий восигаларни ремонт қилиши киймати ва ҳ.к.

У ёки бу резерв бўйича суммаларни таркиб топтириш ва улардан фойдаланиш ишлари тўғри олиб борилаётгани вақти-вақти билан (йил охирида эса мажбурий тар-

тибда) сметалар, хисоб-китоблар ва бошқа хужжатлар маълумотларига кўра текшириб турилади, зарурат бўлса, тузатишлар киритилади.

«Бўлғуси харажат ва тўловлар резервлари» деган 89-хисобварак юзасидан таҳлилий хисоб алоҳида резервлар бўйича юритилади.

### 104-§. Корхонага банк берган қисқа муддатли кредитлар ҳисобини юритиш тартиби

«Ҳисобвараклар режаси»га мувофиқ, тизкорат банклари берган қисқа муддатли кредитларнинг бухгалтерия хисоби «Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари» деган 90-хисобваракда юритилади. Мазкур ҳисобварак мамлакат худудида ва ундан ташқарида корхона банклардан миллий ва хорижий валютагаларда олган турли қисқа муддатли (кўни билан бир йил муддатли) кредитлар ҳолати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Кредитлари, кредитларни расмийлаштириш ва уларни қайтариш банклар қоидалари ҳамда кредит шартномалари билан тартибга солинади.

Банклардан олинган қисқа муддатли кредитлар суммалари «Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари» деган 90-хисобваракнинг кредит кисмида ва «Касса» деган 50, «Ҳисоб-китоб вараги» деган 51, «Валюта ҳисобвараги» деган 52, «Банклардаги маҳсус ҳисобвараклар» деган 55, «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пурратчилар билан ҳисоб-китоблар» деган 60- ва бошқа ҳисобвараклар дебетида акс эттирилади.

Банкка қайтарилиган кредитлар суммалари «Банкларнинг қисқа муддатли кредитлари» деган 90-хисобварак дебетида пул маблағлари хисоби юритиладиган ҳисобвараклар билан корреспонденцияда қайд этилади. Банкнинг ўз вақтида қайтарилимаган кредитлари хисоби алоҳида юритилади.

Қисқа муддатли кредитларнинг таҳлилий хисоби кредит турлари, уларни берган банклар ва алоҳида кредитлар бўйича юритилади.

Түлов муддати бир йилдан ошмайдиган векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини хисобга олиш (дисконт) операциялариға доир банк хисоб-китоблари «Банкларнинг киска муддатли кредитлари» деган 90-хисобваракпинг алохида илова хисобварагида хисобга олинади.

Векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини хисобга олиш (дисконт) операциялари вексель ушловчи корхона томонидан «Банкларнинг киска муддатли кредитлари» деган 90-хисобварак кредитида (векселнинг номинал киймати) ва «Хисоб-китоб вараги» деган 51-хисобварак ёки «Валиғта хисобвараги» деган 52-хисобваракпинг (хақиқатда олинган пул маблағлари суммаси) ҳамда «Фойда ва зарарлар» деган 80-хисобварак дебетида (банкка тўланган хисоб фонзи) акс эттирилади.

Векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини хисобга олиш (дисконт) операцияси банкнинг пул тўлангани тўғрисидаги билдирувномаси асосида, вексель суммасини «Банкларнинг киска муддатли кредитлари» деган 90-хисобварак дебетида ва «Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар» деган 62-хисобварак кредитида акс эттириш йўли билан ёпилади.

Вексель берувчи ёки вексель бўйича бошқа тўловчи пул тўлашга доир ўз мажбуриятларини бажармаслиги туфайли векселлар ёки бошқа қарз мажбуриятлари хисобга олинниши (дисконтланиши) натижасида илгари банкдан олинган маблағларни вексель ушловчи корхона банкка қайтариб берадиган бўлса, бу ҳолат «Банкларнинг киска муддатли кредитлари» деган 90-хисобварак дебетида пул маблағлари хисоби юритиладиган хисобвараклар билан корреспонденцияда қайд этилади. Бунда харидорлар, буюртмачилар ва бошқа дебиторлар билан хисоб-китоблар бўйича юзага келган, муддати ўтган вексель билан таъминланган қарзлар «Харидорлар ва буюртмачилар билан хисоб-китоблар» деган 62-хисобваракда акс эттирилаверади.

Дисконтланган векселларнинг таҳлилий хисоби векселлар ёки бошқа қарз мажбуриятларини хисобга ол-

ган (дисконтлаган) банклар, вексель ушловчилар ва алоҳида векселлар бўйича юритилади.

### **105-§. Банк корхонага берган узок муддатли кредитлар ҳисобини юритиш тартиби**

«Ҳисобвараклар режаси»га мувофиқ, тижорат банклари берган узок муддатли кредитлар ҳисоби «Банкларнинг узок муддатли кредитлари» деган 92-ҳисобваракда юритилади. Бу ҳисобварак корхона мамлакат ҳудудида ва ундан ташкарида банклардан олган милллий ҳамда хорижий валютадаги турла ва узок муддатли (бир йилдан ортик муддатли) кредитлар ҳолати тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мўлжалланган.

Кредитларни бериш, расмийлаштириш ва қайтариш ишлари банклар коидалари ҳамда кредит шартномалари билан тартибга солинади.

Банклардан олинган ўртача ва узок муддатли кредитлар суммалари «Банкларнинг узок муддатли кредитлари» деган 92-ҳисобваракнинг кредит кисмида ва «Ҳисобкитоб вараги» деган 51, «Валюта ҳисобвараги» деган 52, «Банклардаги маҳсус ҳисобвараклар» деган 55, «Маҳсулот етказиб берувчилар ва пурратчилик билан ҳисобкитоблар» деган 60- ва бошқа ҳисобвараклар дебетида акс эттирилади.

Банкка қайтарилган кредитлар суммалари «Банкларнинг узок муддатли кредитлари» деган 92-ҳисобварак дебетида нусл маблағлари ҳисоби юритиладиган ҳисобвараклар билан корреспонденцияда қайд этилади. Банкнинг ўз вактида қайтарилмаган кредитлари ҳисоби алоҳида юритилади.

Узок муддатли кредитларнинг тахлилий ҳисоби кредит турлари, уларни берган банклар ва алоҳида кредитлар бўйича юритилади.

Тўлов муддати бир йилдан ошадиган векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини ҳисобга олиш (дисконт) операцияларига доир банк ҳисоб-китоблари «Банкларнинг

узоқ муддатли кредитлари» деган 92-хисобварагининг алоҳида илова хисобварагида хисобга олинади.

Векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини хисобга олиш (дисконт) операциялари вексель ушловчи корхона томонидан «Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари» деган 92-хисобварак кредитида (векеелнинг номинал киймати) ва «Хисоб-китоб вараги» деган 51-хисобварак ёки «Валюта хисобвараги» деган 52-хисобваракнинг (ҳақикатда олинган пул маблағлари суммаси) ҳамда «Фойда ва зарарлар» деган 80-хисобварак дебетида (банкка тўланган хисоб фоизи) акс эттирилади.

Векселлар ва бошқа қарз мажбуриятларини хисобга олиш (дисконт) операцияси банкнинг пул тўлангани тўғрисидаги билдирувномаси асосида, вексель суммасини «Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари» деган 92-хисобварак дебетида ва дебиторлик қарзлари хисоби юритиладиган тегишлни хисобвараклар кредитида акс эттириш йўли билан ёшилади.

Вексель берувчи ёки вексель бўйича бошқа тўловчи пул тўлашга доир ўз мажбуриятларини бажармаслиги туфайли векселлар ёки бошқа қарз мажбуриятларининг хисобга олиниши (дисконтланниши) натижасида илгари банкдан олинган маблағларни вексель ушловчи корхона банкка қайтариб берадиган бўлса, бу холат «Банкларнинг узоқ муддатли кредитлари» деган 92-хисобварак дебетида пул маблағлари хисоби юритиладиган хисобвараклар билан корреспонденцияда қайд этилади. Бунда харидорлар, буюртмачилар ва бошқа дебиторлар билан хисоб-китоблар бўйича юзага келган, муддати ўтгац вексель билан таъминланган қарзлар дебиторлик қарзлари хисоби юритиладиган тегишлни хисобваракларда акс эттирилганича қолади.

Дисконтланган векселларнинг тахлилий хисоби векселлар ёки бошқа қарз мажбуриятларини хисобга олган (дисконтлаган) банклар, вексель берувчилар ва алоҳида векселлар бўйича юритилади.

## **106-§. Корхона ходимларига берилган банк кредитлари ҳисобини юритиш тартиби**

«Ҳисобвараклар режаси»га мувофик, тижорат банклари корхона ходимларига берган кредитларининг бухгалтерия ҳисоби «Ходимлар учун банк кредитлари» деган 93-ҳисобваракда юритилади. Мазкур ҳисобварак корхона ходимларга якка тартибда уй-жой қуриш, далаховлиларда уйлар қуриш ва бошқа мақсадлар учун қарз бериш ниятида, шунингдек савдо ташкилотларидан насияга олинган товарлар суммаларини тўлаш учун банклардан олган кредитларининг ҳолати тўғрисидаги мавзумотларни умумлаштиришга хизмат қиласди.

Кредитларни бериш, расмийлаштириш ва қайтариш банк қоидалари ҳамда кредит шартномалари билан тартибга солинади.

Корхона ходимларига насияга сотиладиган товарларнинг ҳисоб-китоб хужжатлари банк томонидан тўланаётганда «Ходимлар учун банк кредитлари» деган 93-ҳисобварак «Бошқа операциялар бўйича ходимлар билан ҳисоб-китоблар» деган 73-ҳисобварак билан корреспонденцияда кредитланади. Корхона ўз ходимларига якка тартибда уй-жойлар, далаховлиларда уйлар ва бошқалар қуриш учун қарз бериш ниятида олган банк кредитларининг суммалари «Ходимлар учун банк кредитлари» деган 93-ҳисобваракнинг кредит қисмида ва пул маблағлари ҳисоби юритиладиган ҳисобвараклар дебетида акс эттирилади.

Банк кредитларининг қайтарилган суммалари «Ходимлар учун банк кредитлари» деган 93-ҳисобваракнинг дебет қисмида, банкка тегишли суммалар олиб тўланган ҳисобвараклар («Ҳисоб-китоб вараги» деган 51-ҳисобварак ва х.к.) билан корреспонденцияда акс эттирилади.

«Ходимлар учун банк кредитлари» деган 93-ҳисобварак юзасидан таҳлилий ҳисоб кредитлар турлари, уларни берган банклар ва алохида кредитлар бўйича юритилади.

## 107-§. Қисқа муддатли қарзлар (заёмлар) ҳисобиши юритиш тартиби

